Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2007 йил, **27** июль, жума № **30** (2209).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **27** июля, **2007** год, № **30** (2209).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу - цена договорная

Бугун ҳаётимизнинг қайси жабҳа ва соҳасини олмайлик, эркинликка ва озодликка эришган, ўз ақл-заковати, билими ва куч-қудратига ишонган халқимиз ўзининг амалий ишлари билан қандай буюк марраларга кўтарилишга қодир эканини яққол исботлаб бермоқда.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗАРО ИШОНЧЛИ ВА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 июль куни Оқсаройда Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимовни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани, айниқса, иқтисодий ҳамкорлик кенгаяётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар азалий дўстлик, қардошлик ришталари асосига қурилган. Халқларимиз қадимдан ёнма-ён яшаб, бир-бирининг қувончу қайғусига шерик бўлиб келган.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликка оид масалаларга, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммоларга ёндашувлари ўхшаш ва яқин эканлиги муҳим ўрин тутади. Икки давлат Президентларининг кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги сиёсий соҳада ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлашнинг, иқтисодий соҳада эса икки томонлама манфаатдорлик руҳини қарор топтиришнинг бош омили бўлиб хизмат қилмоқда.

2006 йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон-Қозоғистон саммитида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев мамлакатларимиз ўртасида Президентлар раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузишга қарор қилган эдилар. Шу тариқа Президентларнинг келишувларини ҳаётга жорий этиш, имзоланган ҳужжатлар ижросининг мониторингини олиб бориш, ўзаро муносабатларга оид долзарб масалаларни тезкорликда ҳал қилишнинг ноёб механизми яратилди.

Кенгашнинг биринчи мажлиси Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарларининг 2006 йил ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган норасмий учрашуви чоғида ўтказилди. Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев сувдан фойдаланиш, энергетика, коммуникация каби соҳаларга оид масалаларни муҳокама қилдилар. Чегарага туташ ҳудудларда савдо шохобчалари очиш, улар фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш ва шу орқали ўзаро савдони янада ривожлантиришга, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доирасида элчихоналарга ҳарбий маслаҳатчи (атташе) тайинлашга, ҳарбий кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди.

Карим Масимовнинг Ўзбекистонга ташрифи асносида Тошкентда Қозоғистон Тараққиёт банкининг ваколатхонаси очилгани ҳам Президентлар келишувининг натижасидир. Шунингдек, пойтахтимизда Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда илгари эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг бориши кўриб чиқилиб, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини турли соҳалардаги ҳамкорлик масалаларига оид юздан зиёд ҳужжат ташкил этади. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ҳар йили 20-35 фоиз ўсмоқда. 2006 йилда мазкур кўрсаткич 718,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу 2005 йилдагидан қарийб 40 фоиз кўпдир. 2007 йилнинг январь-июнь ойларига доир кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 93,2 фоиз ошиб, 583,4 миллион АҚШ долларига етди. Умуман, мутахассислар бу кўрсаткични бир миллиардга етказиш имконияти мавжудлигини таъкидлашади, ҳозирги ўсиш суръати эса бу миқдор ҳам чегара эмаслигидан далолат бермоқда.

Ўзбекистонда бир юз йигирмадан зиёд, Қозоғистонда эса юздан ортиқ ўзаро шериклик асосида ташкил этилган қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари сирасига киради. Хусусан, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот марказлари ўртасидаги алоқалар жадал ривожланмоқда. Масалан, 2006 йилда Хоразм Маъмун академияси билан Қозоғистон Шарқшунослик институти ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистон ва Қозоғистонда ташкил этилаётган халқаро форумларда мунтазам иштирок этиб келади.

Оқсаройдаги учрашувда К.Масимов Ўзбекистонга ташрифи самарали кечаётганини, Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлисида эришилган келишувлар икки мамлакат манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА).

Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Юртимиз асраймиз мардона!..

Ўзбекистон-Қозоғистон:

ДАВЛАТЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 26 июль куни Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари раҳбарлигида фаолият юритувчи Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимов иштирок этди.

Мажлисда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, энергетика, нефтгаз, фан-таълим, қишлоқ ва сув хўжалиги, маданият, транспорт коммуникациялари, саноатнинг кўплаб тармоқлари, сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари қатнашди.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиги дўстлик, қардошлик ва қўшничилик анъаналари асосида изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини юздан зиёд ҳужжат ташкил этади. Уларнинг элликдан ортиғи иқтисодий соҳага тааллуқлидир. Бу ҳужжатлар орасида эркин савдо, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар бор.

2006 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 718,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2007 йилнинг январь-июнь ойларида эса мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 93,2 фоиз ошгани мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми жорий йилда бир миллиард АҚШ долларига етишидан далолат бермоқда.

Мажлисда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 1998 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома руҳида изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди. Икки давлат Президентларининг учрашувларида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш жараёни атрофлича таҳлил қилинди. Томонлар Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболига оид кенг кўламдаги масалаларни муҳокама қилдилар. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани таъкидланди.

– Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш имкониятлари катта, – деди Қозоғистон Бош вазири К.Масимов. – Биз, қозоғистонликлар мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларни диққат билан кузатиб бормоқдамиз ва қўллаб-қувватламоқдамиз. Ушбу ислоҳотлар мустақил Ўзбекистоннинг тобора равнақ топиб, халқингиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши бизни ҳам жуда қувонтирди. Бу Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатда миллий-маънавий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказишга қаратилган оқилона сиёсати самараларидандир.

Мажлис якунида Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 2007-2016 йилларда иқтисодий ҳамкорлик стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги билан Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ўртасида архив иши соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим имзоланди.

Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси қатнашчилари Қозоғистон Тараққиёт банкининг Тошкентдаги ваколатхонаси очилиш маросимида ҳам иштирок этди.

Шу куни Қозоғистон Республикаси Бош вазири К.Масимов Темурийлар тарихи давлат музейи экспозицияси билан танишди.

Шунингдек, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган ушбу монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, ўзбек халқининг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини акс эттирувчи ноёб мажмуа эканлигини алоҳида таъкидлади.

Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбирлари.

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ: ЮКСАК САМАРАЛАР

Мустақил ривожланишнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда демократик ўзгаришлар шароитида жамият турмушини янгилашнинг асосий бўғини сифатида таълим соҳасини ислоҳ қилиш сиёсатини изчиллик билан амалга оширишга катта эътибор бериб келинмоқда. Таълим тизимини ривожлантириш иши ва бу борадаги вазифалар моҳият эътибори билан замонавий ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти барпо этишнинг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан ташкил этилган давра суҳбати иштирокчилари ана шу вазифаларни ҳал этиш жараёнини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004–2009 йилларга мўлжалланган Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш соҳасидаги иши замирида муҳокама этдилар. Таълим соҳасини ислоҳ қилишга Ўзбекистонда демократик ўзгаришларнинг, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг мажбурий шарти сифатида қаралаётганлигини сенаторлар муҳокама асносида алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Белгилаб олинган мақсадларга муваффақиятли тарзда эришиш учун мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асоси бўлмиш "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Ана шундан кейин ўтган ўн йил мобайнида бу ҳужжатларни амалга ошириш юзасидан анчагина ишлар қилинди. Барча фанлар бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва режалари амалиётга жорий этилди, замонавий дарсликлар чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги фармони бу йўналишдаги ишларни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этди. Унда кўрсатилган муддат мобайнида мамлакатимизда 2 888311 ўқувчи ўрнига эга бўлган 8476 та мактабнинг моддий-техника базасини тубдан янгилаш ва такомиллаштириш назарда тутилган бўлиб, давлатимиз бошлиғи ташаббуси билан қабул қилинган ана шу Дастур доирасида ҳозирги вақтда 4669 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 205 та янги мактаб фойдаланишга топширилди, 1174 та мактаб тубдан реконструкция қилинди, 2074 та мактаб капитал таъмирланди, 1216 та умумтаълим муассасаларида жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

Дастур доирасида таъмирлаш-қурилиш ишлари амалга оширилган барча таълим муассасалари замонавий ўқув лабораторияларига ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар, ўқув-услубий материаллар ҳамда 350 дан ортиқ турдаги ўқув ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Ҳозирги вақтда мактабларнинг янги модификациядаги компьютерлар билан таъминланганлик даражаси 38,7 фоизни ташкил этмоқда, замонавий ўқув-компьютер синфхоналари билан таъминланганлик даражаси эса мамлакат бўйича 24 фоиз кўпайди. Таълим муассасаларини дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлаш ишлари ўтказиб келинмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида, шунингдек, такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари, ишлаб маромига етказилган ўқув дастурлари жорий этилганлиги туфайли ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш самарадорлиги, маҳорат ва кўникмалари анча ошди. Давлат тест маркази томонидан ўтказилган мониторинг натижалари ўқувчиларнинг билими сифати ўрта ҳисобда 23 фоизга ошганлигини кўрсатди.

Тадбир иштирокчилари сенаторлар ва депутатларнинг, маҳаллий органларнинг Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004–2009 йилларга мўлжалланган Давлат умуммиллий дастурини амалга оширишга, мактабларни, айниқса, қишлоқ мактабларини техника билан жиҳозлашга, хусусан, ўқув ва ўқув-лаборатория ускуналари, компьютерлар ва спорт инвентарлари билан таъмин этишга кўмаклашишдаги роли ҳақида атрофлича сўз юритдилар.

Давра суҳбатида сенаторлар, Халқ таълими вазирлиги раҳбарлари, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг намояндалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, жамоат бирлашмалари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзА).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

АВИАКОМПАНИЯ ЁРҚИН УФҚЛАРНИ КЎЗЛАМОҚДА

«Ўзбекистон Ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бугун халқаро авиаташишлар бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаб турибди. Мустақиллик йилларида миллий авиакомпания мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайли соҳада бир қатор ислоҳотларни амалга оширди ва хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтарди.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

ЖАННАТ ЮРТНИНГ ФУҚАРОСИМИЗ

Эртага, яъни 28 июл куни «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида» ги Қонун эълон қилинганига 15 йил тўлади. Ҳа, Олий Кенгаш ўнинчи сессиясида ана шундай муҳим ҳужжат тасдиқланди.

Мен Ўзбекистон фуқароси бўлганимдан, шу жаннатмакон юртда туғилиб, ўсганимдан фахрланаман, ғурурланаман. Фуқаролигимиз, бу билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларимиз мамлакатимизда қонун билан ҳимоя қилинади.

(Давоми 8-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ТАДБИРКОРЛИК – ҚУДРАТИМИЗ, ЗАКОВАТИМИЗДАН

Мустақиллик! Бу буюк неъматни, миллат қонида, орида асрагувчи бу тенгсиз бахтни халқимиз ўн олти йилдирки кифтида тутиб келаяпти. Шу йиллар ичида эришилган залворли ютуқларнинг чеки йўқ. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек: «Бугун ҳаётимизнинг қайси жабҳа ва соҳасини олмайлик, эркинлик ва озодликка эришган, ўз ақл-заковати, билими ва куч-қудратига ишонган халқимиз ўзининг амалий ишлари билан қандай буюк марраларга кўтарилишга қодир эканини яққол исботлаб бермоқда».

(Давоми 8-бетда).



2 ИДЕТ ЛЕТНЯЯ БОЕВАЯ УЧЕБА

ОТРАБАТЫВАЯ СЛАЖЕННОСТЬ ДЕЙСТВИЙ

5 2007 ГОД – ГОД СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ

ВОЗВРАЩАЮТ ВОИНОВ В СТРОЙ

10 БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

АНАСТАСИЯ СВОЕ СЛОВО СКАЖЕТ...



12 АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

ЭЗГУЛИКНИ КУЙЛАЙДИ БАХШИ

Жаннатмакон она заминимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон. Кўнгиллари яратиш, бунёдкорлик ҳислари билан лиммолим меҳнаткаш халқимиз чўлларда баҳор барпо этмоқда. Далаларда, меҳнат жабҳалари ва корхоналарда иш қизғин. Юртдошларимиз барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз байрам – табаррук истиқлолнинг 16 йиллик шодиёнасини муносиб қутиб олишга ҳозирлик кўришмоқда. Қутлуғ шодиёнага ҳар ким ўз улушини қўшишга бел боғлаган. Ушбу хайрли ишдан Ватан ҳимоячилари ҳам четда қолмасдан, мустақилликни янада мустаҳкамлаш ҳамда сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, осойишталигимизни таъминлашдек шарафли вазифаларини сидқидилдан адо этиш билан бирга билим ва маҳоратларини ҳам ошириб келишмоқда.

Шу кунларда ёзги мавсум ўқув машғулотлари айни авж палласида. Ижтимоий-сиёсий, жисмоний ва жанговар-тактик ўқув машғулотларида посбонларимиз тобланяпти. Тажриба ортмоқда, маҳорат сайқалланяпти, салоҳият юксаляпти. Назарий олган билимлар дала-ўқув машғулотлари ҳамда амалиётда янада мустаҳкамланяпти. Мусобақаларда эса аълочи, ўз касби ҳамда мутахассислигининг билимдони бўлган моҳир ўғлонлар етишиб чиқяпти. Энг асосийси, дилларига осойишталик бардавомлигини таъминлашдек эзгу мақсадни жам этган ана шу қўкси қалқон мардларимиз эришган ютуқли натижаларини қутлуғ шодиёнага туҳфа, тўйга тўёна деб биладилар.

Ҳа, азизлар. Биз бир тану бир жон бўлиб буюк келажак барпо этишга интиляпмиз. Буюк келажакни эса ўз қучи ва салоҳиятига ишонган, аҳил ҳамда тинчликпарвар халқ бунёд этишига асло шубҳа йўқ.

Идет летняя боевая учеба

ОТРАБАТЫВАЯ СЛАЖЕННОСТЬ ДЕЙСТВИЙ

В эти дни в частях и подразделениях близится к завершению кропотливая многоплановая работа по отработке слаженности в составе боевых групп. Венцом ратного труда должны стать боевые стрельбы групп, а предшествуют им занятия в полевых условиях.

Группа, где заместителем командира младший сержант Умид Мардикулов, полна решимости во всеоружии подготовиться к боевым стрельбам. Об этом свидетельствует и недавний полевой выход, в ходе которого военнослужащие отрабатывали темы – занятие подготовленных огневых позиций, действия группы в обороне, закрепили навыки по обслуживанию материальной части индивидуального стрелкового оружия.

Для уроженца Сабир-Рахимовского района столицы рядового Абдурасула Иногамова, весной прибывшего в подразделение, это первое «боевое крещение» в занимаемой должности пулеметчика. Поэтому воин старается с предельным вниманием вслушиваться в инструктаж по мерам безопасности, проводимый младшим командиром. Выпускник окружной школы подготовки сержантов сумел стать настоящим лидером в группе, завоевал авторитет и уважение подчиненных не только благодаря мастерскому владению оружием, но и заботе о них в ходе повседневной служебной деятельности.

Для рядового Дильмурода Зохидова из Юнусабадского района Ташкента уроки культуры обращения с оружием, преподанные старшими товарищами на полигоне, стали тем надежным фундаментом, на котором стрелок будет строить успех в учебном бою. Конечно, пока боеприпасы не выданы, но можно не сомневаться: в нужный момент затвор так же уверенно щелкнет в его руках, досылая патрон в патронник. Доведенные до автоматизма движения при занятии огневых позиций, изготовке к стрельбе, прицеливании помогут и на реальных боевых стрельбах, не позволят замешкаться или растеряться.

Помимо веры в своего командира, вчерашним новобранцам придает сил и уверенности в себе надежное плечо товарищей старшего призыва. Рядовому Абдулхакиму Ахмедову этой осенью уже предстоит увольнение в резерв и возвращение в родной город Чартак, что в Наманганской области. Опытному воину очень хочется зарекомендовать себя положительно, чтобы по окончании службы получить Рекомендацию, дающую право на льготы при поступлении в ВОУ страны. Впрочем, и без этого важного стимула солдат хорошо понимает, насколько необходимо поддержать словом и дельным советом товарищей. Ведь им самим так же протянули руку помощи солдаты старшего призыва. В этом сила войскового товарищества, в самые напряженные моменты учебного боя воины уверены: опытные сослуживцы сумеют оказать помощь. А пережитые испытания только закаляют характер военнослужащих.

Майор Алишер НУРЛАНОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

Ҳушёрлик – давр талаби

ЗАРУР ВАҚТДА – ЎЗ ЎРНИДА

Она Ватанни ҳимоя қилиш, халқ ишончини оқлаш ҳар бир эр йигит учун ғурур ва ифтихордир. Буни яхши англаган посбонларимиз ўз конституциявий ва йигитлик бурчларини сидқидилдан бажариб келишмоқда.

... Ҳарбий қисм ёнилғи сақлаш омбори атрофида ўзига ишониб топширилган постни сергаклик билан қўриқлаётган соқчининг хаёлидан ҳам ушбу сўзлар ўтаётган бўлса, ажабмас. Ёзнинг иссиқ ҳароратини яхши биламиз. Ҳушёр бўлмасанг, иссиқ тафтидан қуриб, қовжираб қолган хас-хашакларга ёнғин кетиши мумкин ёки эътиборсизлик орқали кимдир сигарет қолдиғини ташлаши мумкин. Постда турган соқчи шулар ҳақида ўйлар экан, теваракни яна бир бор жиддий кузатиб чиқди. Атроф тинч, осудалик ҳукм сурмоқда. Ўн дақиқача олдин ҳайдовчилар, ёнилғи сақлаш омбори бошлиғи тушликка чиқиб кетишди. Омбор атрофида ҳеч ким кўринмайди. Шу пайт соқчи кичик сержант Деҳқон Қўчқоров ҳарбий қисм атрофи ўралган девордан 30-40 метрлар нарида осмонга қора тутун кўтарилаётганини кўриб қолди. Қисм ташқарисида ёнғин, олди олинмаса ёнилғи сақлаш омборига ҳам ўтиб кетиши мумкин. Миясига ушбу фикр келиши билан соқчи алоқа воситаси орқали қоровул бошлиғига чиқди ва яқинлашиб келаётган тилсиз ёв ҳақида ахборот берди. Соқчининг ўз вақтида берган маълумоти ва қоровул бошлиғининг тезкор ҳаракати туфайли қисм ташқарисидаги ёнғин ўчирилди.

– Қоровулларни танлашда уларнинг руҳий ва маънавий ҳолатига асосий эътибор берамиз, – дейди қоровул бошлиғи офицер Равшан Норқулов. – Улар қоровул хизмати низомини яхши билишлари, постда турганда, ҳар қандай кўнгилсизлик рўй берганда ўзини йўқотмасдан тез ҳаракат қила билиши керак. Шунингдек, ўзига ишониб топширилган постни сергаклик билан қўриқлаши ва ҳимоя қилиши шарт. Шуни инобатга олган ҳолда, қоровулга посбонларни тайинлашдан олдин улар билан тайёргарлик жараёни ўтказилади. Тайёргарлик давомида кимнингдир руҳий аҳволи ёмонроқ бўлса, дарров уни қоровулдан озод қилиб, ўрнига бошқа посбон тайинланади.

Ҳа, сергаклик ва ҳушёрлик аскар қуроли. Туну кун постда сергак турган соқчи ўз вазифасини низом қоидалари асосида, сидқидилдан бажарса, юрт осойишта, фуқаро эса тинч ухлайди.

Қоровулхонага кирар эканмиз, низом қоидаларига асосан жиҳозланган хоналар бизни ўзига жалб қилди. Қоровулларнинг дам олишлари, овқатланишлари учун керакли шарт-шароит яратилган. Дам олиш хонасида шашка, шахмат, шунингдек, газета ва журналлар тартиб билан жойлаштирилган. Қоровулхона олдида турган соқчи низом қоидаларига амал қилган ҳолда қоровул бошлиғига келаётганлар ҳақида ахборот бериб турибди. Бу ҳам посбонларнинг қоровул хизмати қоидаларини жуда яхши ўзлаштирганликларини кўрсатиб турибди.

– Мен шартнома асосида анча йиллардан буён хизмат қилиб келяпман, – дейди сержант Фурқат Қодирқулов. – Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб юрган кезларимда ҳам кўп бора қоровулга тушганман. Қоровул ва соқчининг вазифасини жуда яхши биламан. Шундай бўлса ҳам, низом қоидаларини ўқиб, билимимни янада бойитиб боряпман.

Қоровул бошлиғининг «Қоровул қуроллан, биринчи постга ҳужум», деган командаси янгради. Қоровуллар тезкорлик ва аниқлик билан қуролларини олиб, каска ва ўқ ўтишидан сақловчи воситаларни кийиб, тартиб бўйича сафга тизилишди. Қоровулхонада дам олувчи қоровуллар билан бу каби ўқув машғулотлари кўп ўтказилиб туради. Шунинг учун ҳар бир қоровул ва соқчи бундай ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини жуда яхши билади.

Тарқатувчи кичик сержант Маҳмуд Раҳмонқулов навбатдаги қоровулларни постга бориш учун тайёрлади. Қоровуллар ўз вазифаларини ўташга шай бўлганда, қоровул бошлиғи яна бир бор уларга соқчининг вазифаси ва мажбуриятлари ҳақида эслатиб ўтди. Шундан сўнг, қоровуллар қоровул бошлиғи назорати остида қуролларини ўқладилар. Тарқатувчи сафнинг олдида ҳаракат қилиб, қоровулларни постга қараб олиб кетди. Уларнинг шахдам қадам ташлашларига, сергак ва жиддий юзларига қараб, юртимиз тинчлиги, осойишталигимиз ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Дала-ўқув машғулотларидан дараклар

МАШҚЛАРДА ТОБЛАНАР ПОСБОН

Айни кунларда Мудофаа вазирлигига қарашли қисм ва бўлинмаларда ёзги мавсум ўқув машғулотлари қизғин давом этмоқда.

Маълумки, 2006-2007 ўқув йили «Ҳушёрликни сақлаш, жанговар малака ва касбий маҳоратни ошириш, вазиятнинг ҳар қандай шароитида Ватанни, Ўзбекистон халқининг тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга тайёр туриш – энг муҳим вазифамиздир» шиори остида ўтмоқда. Ушбу шиор ҳар бир посбон қалбида мардлик, шижоат, жасорат ва она юртга муҳаббат каби туйғуларнинг янада жўш уришида муҳим омил бўлиши шубҳасиз, албатта.

Десантчилар қисмида ҳам амалий машғулотлар кўтаринки руҳда олиб борилмоқда. Полигонда мутахассисликлар бўйича ўтказилаётган йиғинларда ўғлонлар ўз маҳоратларини, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашмоқда.

– Бундайин йиғинлар ҳар мавсумда ўтказилиб борилади, – дейди офицер Александр Смирнов. – Ушбу йиғинларнинг посбонлар билими янада ошишида, ҳар томонлама тобланиб, чиниқишларидаги ўрни ниҳоятда катталадир. Биринчи босқичда посбонлар мутахассисликлари бўйича якка тартибдаги тайёргарлик машғулотларидан ўтсалар, иккинчи босқичда гуруҳ таркибида ҳар бир мутахассис ўз вазифаси асосида ҳаракат қилади. Уларнинг маҳоратлари ва билимларига қараб, баҳо қўйилади ва мутахассисликлари бўйича тоифаларга бўлинади.

Офицер Фозил Ҳайитбоев йўналтирувчи-операторлар билан якка тартибдаги машғулотларни олиб бормоқда. Машғулотларда посбонлар ўз мутахассисликлари бўйича якка тартибда ҳаракат қилиб, топширилган вазифани бажармоқда, шунингдек, йиғин давомида уларнинг жисмоний ва назарий билимлари ҳам йиғин раҳбарлари томонидан савол-жавоблар асосида аниқланмоқда.

Кичик сержант Шамсиддин Ҳамроевга командир томонидан жанговар топшириқ қўйилди. Топшириққа кўра, посбон ўзига қулай ва мос жой танлаб, ўша ерда маскировка қилиб, муайян ҳудудни кузатиши ва кузатув дафтарига ҳар дақиқада бўлаётган жараённи ёзиб бориши лозим. Бу машғулот орқали мерганнинг қанчалик сезгирлиги, ҳушёрлиги, энг асосийси, жойнинг ҳолатига мос равишда маскировка қила олиши ва муайян вақт мобайнида ҳудудни кузата билиш малакаси аниқланади. Мерган ҳар қандай вазиятда ҳам ҳеч кимга кўринмасдан ўз вазифасини амалга оширмоғи керак. Бошқа мутахассисликлар бўйича ҳам худди шундай якка тартибдаги амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

– Якка тартибдаги машғулотлар жараёнида посбоннинг қанчалик ўз вазифасининг, соҳасининг устаси эканлиги яққол намоён бўлади, – дейди офицер Равшан Шамшиев. – Ҳамда унинг камчиликларини ҳам бемалол билиб олиш мумкин. Биз йиғин давомида ушбу камчиликларни бартараф қилишга ҳаракат қиламиз. Посбонларнинг барчаси бир неча йиллик тажриба ва билимга эга. Аксарият шартнома асосидаги ҳарбий хизматчиларимиз сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиб, етарли билимларни ўзлаштиришган. Йиғин мобайнида уларнинг ёрдами катта бўлмоқда. Айниқса, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскарлар билан машғулотлар олиб боришимизда кичик командирларнинг ўрни беқиёсдир.

Шунингдек, гуруҳ таркибида ўтказилаётган машғулотларда ҳам посбонлар бор билим ва маҳоратларини ишга солиб, юқори натижаларга эришишмоқда.

– Мен муддатли ҳарбий хизматни ҳам десантчилар қисмида ўтаганман, – дейди кичик сержант Жаҳонгир Кучканов. – Айни шу хизматим мобайнида қалбимда ҳарбийликка ҳавас уйғониб, шартнома асосида хизматимни давом эттиришга аҳд қилганман. Мана, беш йилдан буён шундай шарафли соҳада фаолият юритяпман. Ўтган йили мен учун жуда муваффақиятли бўлди. Сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиб, билимимни янада бойитиб қайтдим. Ҳозирда йўналтирувчи-оператор вазифасида хизмат қиляпман. Бу каби йиғинларнинг соҳамизни мустаҳкам эгаллашимизда тутган ўрни каттадир. Шу боис йиғинда бор маҳоратимизни ишга солиб, тажрибамизни ошириб боряпмиз.

Йиғин раҳбарининг таъкидлашича, кичик командирлардан – Шуҳрат Холмуродов, Акбар Мусурмонқулов, Ёркин Ҳайитбоев, Икром Худойберганов, шунингдек, оддий аскарлардан – Ободбек Омонбердиев, Азизбек Деҳқоновлар ўз билим ва тажрибаларини тўлиқ намоён қилиб, юқори натижаларга эришиб, сафдошларига ўрнак бўлишмоқда.

Аҳрор НОЗИМОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

«ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

ИСТИҚЛОЛ КАШФ ЭТГАН «ТЎМАРИС»ЛАР

Юзда ибо, сўзда қатъият,
Тўмариснинг издоши бари.
Юрагида чин ўтли ният,
Олға бошлар мақсади сари.
Истиқлолнинг ҳур бекалари,
Ҳарбий либос маликалари.

Кичик сержант Муҳайё НЕЪМАТОВА

Кичик сержант Малоҳат ДАДАБОЕВА

Кичик сержант Инна ВИТКОВСКАЯ

Оддий аскар Зулфия МИРЗАҲМЕДОВА

Оддий аскар Фируза МУҲИТДИНОВА

Мақоламиз дебочасини шундайин лутф билан бошлаганимиз бежиз эмас. Чунки истиқлолимиз кашф этган ҳар бир фарзанди ҳақида сўз кетганда, мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли, деганларидек улуғ саркарда боболаримиз билан бир қаторда Тўмарис, Зарина, Нодирабегим, Қурбонжон Додҳо каби орияти улуғ, оловқалб момоларимизнинг номлари ҳам тилга олиниши бежиз эмас. Зеро, қадим-қадимдан Турон элининг нафақат ўғлонлари, балки қизлари ҳам жанг илмидан хабардор бўлишган. Бу сувора қизларнинг эпчил ва чаққонлиги душманларни лол қолдиргани аниқ. Тарих саҳифаларида битилишича, Жаҳонгир бобомиз Амир Темур армиясида аёллардан тузилган бўлинмалар бўлиб, улар жанг пайтида эркаклар билан бир сафда турган, Ватан ҳимоясида қаҳрамонлик ва матонат намуналарини кўрсатган. Бундан кўриниб турибдики, аждодларимиз, момоларимиз қонидаги эркка ташналик, ғайрат ва шижоат юртимиз аёлларида ҳам мужассам эканлиги табиий ҳол.

Халқимизга насиб этган ҳурлик қуёши миллий армиямиз сафларида миллатимиз аёлларининг қад ростлашига ҳам имкон яратди. Ҳозирда юртимизнинг қайси бир ҳудудидаги ҳарбий жамоаларда бўлмайлик, ҳарбий либос кийиб, масъул вазифаларда фаолият юритаётган дилбар қизу аёлларга дуч келамиз. Улар билан суҳбатлашсангиз, сўзларидаги қатъият, фикри теранлик, касбига ҳурмат ва садоқатни ҳар қадамда ҳис этасиз. Биз ушбу мақоламизда мустақиллигимиз кашф этган мана шундек ҳарбий либос маликалари ҳақида тўхталишни лозим топдик.

«Шуҳрат» медали совриндори, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Муҳайё Неъматованинг Қуролли Кучларимиз сафида муносиб ўрни бор. Муҳайё бу шарафга осонликча эришгани йўқ, албатта. Ҳарбий либос кийган опаси Ҳулкарга ҳавас қилиб, ҳарбий хизматчи бўлишга астойдил бел боғлади. Тиббиёт билим юртини тугатгач, алоқачилар курсида касб сирларини эгаллади. Чунки армиямиз сафларида ҳамшира ва алоқачилик касбини ўзлаштирган қизларга эҳтиёж борлигини англаб етганди, у. Бу борада унга ота-оналари Ориф ака ва Барно опалар ҳар томонлама таянч бўлишди. Мана, ваниҳоят орзуси ушалган қиз хизмат давомида 2003 йилда сержантлар тайёрлаш мактабида таҳсил олди. Ҳозирда ҳарбий қисм санитар-йўриқчиси Муҳайё Неъматова ўз соҳасининг энг малакали хизматчиларидан.

Бир қараганда осон кўринган бу касб ҳарбий хизмат билан уйғунликда масъулиятли вазифага айланиши бор гап. «Фориш» полигонида ҳамкорликдаги халқаро ўқув машғулотларида иштирок этган бир ҳамкасбимнинг лавҳамиз қаҳрамони ҳақидаги фикрларини эслайман: «Ҳарбий либосдаги санитар қизни энг замонавий қуроллардан мўлжалга қарата аниқ ва ишончли отишини кўриб, ҳатто йигитларимиз ҳам унга қойил қолишди». Ҳа, бундай эътирофларга шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Муҳайё Неъматова фидойи хизмати билан кўп бора лойиқ бўлган. Шунинг учун у самарали фаолияти давомида Мустақиллигимиз, Қуролли Кучларимиз 10 йиллик тўйлари муносабати билан эсдалик кўкрак нишонлари, 2006 йил Қуролли Кучларимизнинг 14 йиллигида эса Президентимиз Фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Нафақат ҳарбий хизматда, балки оила юмушларида ҳам чеварлигу пазандалиги билан ўзбек қизларига хос чаққон ва зукколикда зиёда бўлган бу дилбар ҳарбий либос маликасига ким ҳавас қилмайди, дейсиз.

Навбатдаги Тўмарис авлодларидан бири – шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Малоҳат Дадабоева. Унинг ҳарбий либос кийишига турмуш ўртоғи офицер Аҳаджон Дадабоев сабабчи бўлгани сир эмас. Бироқ инсон ҳар қандай касбга иштиёқ ила ёндашиб, меҳр қўрини бермас экан, жамоада ўрин топиши қийин. Малоҳат бекалик, оналик вазифасини аъло даражада уддалаш билан бирга, ҳарбий хизмат масъулиятини ҳам ўзи учун шараф деб билди.

– Ватан мустақиллиги, юрт тинчлигини асраш шу заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи, – дейди ҳарбий қисмнинг энг тажрибали алоқачиларидан бўлган Дадабоева биз билан суҳбатда. – Мен эгнимдаги ҳарбий либос, танлаган касбимга ҳар томонлама лойиқ бўлишга ҳаракат қиламан. Менга ҳарбий хизмат ва касб сирларини эгаллашимда устозлик қилган офицерлар – Шавкат Матмуродов, Нодиржон Шокиров, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Елена Гребюклардан жуда миннатдорман.

Оила бошлиқлари ҳарбий хизматчи бўлса, оила муҳити ҳам шунга мос бўлиши табиий ҳол. Яъни бундай хонадон фарзандлари келажакда ота-оналарига издош бўлишади. Аброрбек ва Муштарийга айниқса, ҳарбий либос ярашиб турган оналари Малоҳатнинг таъсири кучли бўлиши турган гап. Само лочинлари билан бир сафда хизмат қилаётган, оналик бахти ва хизмат бурчини кифтида тутиб келаётган исми жисмига монанд малоҳатли лавҳамиз қаҳрамонига омад ёр бўлсин, деймиз юракдан.

Ҳарбий жамоа вакиллари бир овоздан шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Инна Витковскаяни тилга олишганда, тўғрироғи, биз ҳам уни кўришга шошилдик. Мустақиллигимизнинг илк йиллари – 1994 йилдан буён ҳарбий қисмда хизмат қилиб келаётган Иннани ҳарбий жамоа аҳли фахр билан тилга олишида ўзига хос сабаб бор, албатта.

Тошкент ахборот технологиялари университетини тугатган шижоатли қиз офицер дадаси билан елкама-елка хизмат қилишга қарор қилганида Виталий Витковский (ҳозирда истеъфода) қизининг фикрини қўллаб-қувватлади.

– Ўзбекистон менинг она диёрим. Унинг истиқлолини асраш, келажаги учун масъуллик мени ҳарбий хизматга етаклади, – дейди Инна фикрларини баён қилар экан. – Ҳозирда ҳаётимни ҳарбий хизматсиз тасаввур қила олмайман. Сени юртга кераклигинг, севган касбинг, атрофингда меҳрли инсонларнинг жамлиги катта бахт.

Унинг фаолиятига таъриф беришар экан, ҳарбий ҳужжатлар билан ишлашда, ғайрат ва шижоатда, ширинсўзу хушмуомалаликда Инна Витальевнага тенг келиш қийин, деган фикрларга гувоҳ бўлдик. Хизматда эришган ютуқлари Мудофаа вазирлиги ва қўмондонлик томонидан тақдим этилган бир қатор Ташаккурнома ва Фахрий ёрлиқларда акс этиб тургани бежиз эмас, албатта.

Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Зулфия Мирзаҳмедовани хизматдошлари нафақат малакали ходим, балки иродали ва садоқатли ёр, меҳрибон она сифатида ҳурмат қилишади. Зулфиянинг умр йўлдоши ҳарбий учувчи офицер Тўлқинжон Мирзаҳмедовдан айрилганига мана ўн бир йил бўлаяпти. У турмуш ўртоғининг руҳини шод этиш, нафасини ҳис қилиб туриш, ёлғизгина фарзанди Нодиранинг кўнглини ўкситмаслик учун ҳарбий либос кийишга қарор қилди. Сир эмаски, ҳарбий либосннинг масъулияти инсондаги шижоат, жасорат қирраларини юзага чиқаришга қодир. Зулфия ҳам ўзини қайта кашф эта олди. Ҳарбий либосдаги эр йигитлар, ғайратли аёллар сафидан муносиб жой эгаллади.

Ҳужжатлар билан ишлаш хизматчидан билим, иқтидор, ўта эътибор билан ёндашишни талаб этади. Ҳарбий хизмат талаблари эса янада ўзига хос. Эгнингга ҳарбий либос кийдингми, Ватан тинчлигини асрашга қодир бўлишинг шарт. Ҳарбийларга хос қатъият, аёлларга хос ибо ва назокат билан саволларимизга жавоб бераётган Зулфияда миллат аёлларининг орияти улуғ, гўзал сиймосини кўрдим. Садоқат соҳибасининг мустақиллик билан бирга улғайиб, бу йил 16 ёшга тўлган қизи Нодира, юртимиз тинчлиги ва истиқлолимиз барқарорлигини асрашга бахшида этган умри ҳаёти битилган китобнинг зарварақларидир.

Туну кун ҳушёрлик ва зийракликни талаб этадиган соҳалардан бири бу – алоқачилик. Ҳарбийликда бу касбнинг масъулияти янада юқори, дейишга ҳақлимиз. Шартнома бўйича хизмат аскари Фируза Муҳитдинова алоқачиликни чуқур ўзлаштирган ҳарбий хизматчилардан. У офицер Дилмурод Пўлатов каби тажрибали командирлар қўлида касб сирларини мукаммал эгаллади.

Аёлнинг улуғу азизлиги оналик бурчида мужассам. Хизматчи аёлларни вазифасида доимо устувор туриб, фарзандларига ҳар томонлама эътиборли бўлиб, бекалигу рафиқалик масъулиятини кўнгилдагидек уддалаши осон эмас. Бу доимий ҳаракат, интилиш, халқона айтганда, бир жонини қирққа бўлмоқ, демакдир. Фирузадек аёлларимизни бу борада олқишласак, арзийди. Хизматда энг малакали мутахассис сифатида эътироф топиш, ширинсан-шакар уч фарзандни вояга етказиш, оиласига муносиб бека бўлиш унга насиб этган. Албатта, бунга лавҳамиз қаҳрамонининг ҳаракатчан, зукко ва иродалилиги сабаб. Энг асосийси, у мустақил юртимизнинг ҳарбий либос маликаси.

Биз мақоламизда Қуролли Кучларимиз сафидаги юзлаб хизматчи аёлларнинг айримларигагина қисқача таъриф бериб ўтдик. Аслида мустақиллигимиз кашф этиб, Тўмарис момо изидан бораётган шижоатли, жасоратли ишларга қодир миллатимиз аёллари миллий армиямиз сафларида кўпчиликни ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, улар она Ватанимизни, ҳурлигимиз барқарорлигини қайноқ оналик меҳри, қудрати билан ҳам асраётган ҳарбий либосдаги ҳазрати аёллардир.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ИЛМ-МАЪРИФАТДА БИЗНИНГ КУЧИМИЗ

Ўзбекистонимизда истиқлол шарофати билан шаклланаётган таълим соҳасидаги миллий моделимиз ўзига бешта таркибий қисмни қамраб олган. Улар: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш. Аниқроғи, дастуриламал муҳим ҳужжат – Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида шахсга таълим жараёнининг субъектигина эмас, объекти деб ҳам қаралади. Демак, бу шахс таълимнинг истеъмолчисигина эмас, ижрочиси ҳам эканлигини белгилайди.

Давлат ва жамият эса бу ўринда кадрлар тайёрлаш тизимини назорат қилиш, бу борадаги ишларни ташкил этишнинг кафолати сифатида қаралади.

Узлуксиз таълим эса малакали кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмасини ўз ичига қамраб олади.

Юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш, илғор педагогик ва замонавий ахборот технологияларини амалиётга татбиқ этиш навбатдаги таркибий қисм ҳисобланадиган фаннинг зиммасида. Ишлаб чиқариш эса кадрларга бўлган эҳтиёжни, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Мактабларимиз ислоҳотида аввало ташкил этилаётган академик лицей ва коллежларнинг моддий базасини замонавий талаб даражасида таъминлаш, ўқитувчилар, устозларнинг илмий-маънавий савиясини ошириш, ўқув дастурларини янгилаш каби омилларга катта эътибор қаратилмоқда.

«2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармон Юртбошимиз ташаббуси билан тайёрланган дастуриламал ҳужжат – Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини янада муваффақиятли амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Умумтаълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими масканларини намунали битириб, олий ўқув муассасаларига ўқишга киришга интилаётган ёшларнинг қалбларида ҳадемай бошланажак тест синовлари олдидан улкан бир ҳаяжон. Маълумотларга кўра, республикамиз бўйича тахминан 51 минг нафар ёшлар талабаликка қабул қилинаркан. Шундан 38 фоизи давлат гранти, қолгани шартнома асосида ўқиш имконига эга бўлишади.

Бугун шуни қувонч билан таъкидлаш мумкинки, бу борадаги ишларимиз ўзининг самарасини бермоқда. Бугун Ўзбекистон ёшлари, Ўзбекистон фарзандлари миллий маънавият, қадриятларимиз, ота-боболаримиз меросига ҳурмат уйғотадиган, миллий ифтихор ва ғурурни юксалтирадиган, етук мутахассис бўлишини таъминлайдиган дастурлар асосида таҳсил олишяпти.

ВАТАН, СЕНСАН МЕНИНГ БОРИМ!..

Беватан амир зору ҳақирдур, Гадо ўз юртида ўлса, амирдур

Ватан сўзини тилга олар эканмиз, кўпинча уни онага нисбат берамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, Ватан ҳам она сингари биттадир, яккаю ягонадир.

Ватан сўзи маъно жиҳатдан жуда кенг тушунча. Лекин «Ватан остонадан бошланади», деган иборани ишлатганида ҳамма-ҳамма ўз киндик қони томган қадрдон ҳовлисини эслайди. Ўзим ҳам шундай. Қўлимга қалам олиб, Ватан ҳақида бир калима сўз ёздим, дегунча қишлоқдаги ҳовлимиз ёдимга тушади ва вужудимни ададсиз соғинч ҳислари қамраб олади. Ёнидан ариқ оқиб ўтадиган, кўркам чорбоғли бу ҳовли ер юзидан йўқолиб кетганига кўп йиллар бўлди, лекин ҳамон тушларимда кўраман, болалигим тафти келадиган бу гўшани ҳамон қўмсайман, онамнинг «келақол, ўғлим, овқатинг совиб қолади...» деган илтижолари қулоқларим остида акс-садо беради.

Мен ҳозир бошқа ҳовлида яшайман. Унинг ёнидан ариқ оқиб ўтмайди, чорбоғи ҳам йўқ. Лекин йиллар ўтиб, ана шу ҳовли ўғилларимнинг тушига киришини истайман. Агар тушларига кирса, хурсанд бўламан. Зеро, улар учун Ватан тушунчаси худди шу ердан бошланса, не ажаб?

Бир қарич ер... Ватаннинг ҳар қарич ери – муқаддасдир. Бу ўринда туркий миллатлар бобокалони Ўғизхон номи билан боғлиқ бир ривоятни келтирмоқчиман.

Ўғизхоннинг кучли рақибларидан бири ўртада уруш очиш ниятида унга турли-туман талаблар қўя бошлайди. Энг аввало у Ўғизхон яхши кўрган отга оғиз солади. Хон беҳуда қон тўкилмасин дея севимли арғумоғидан воз кечади. Орадан озгина вақт ўтиб, рақиб хоннинг иззат-нафсига тегиш учун унинг ҳусн-жамолида тенги йўқ суюкли хотинини сўраттиради. Оқсоқоллар ҳамиятлари зўрлик қилиб, хондан уруш очишни сўрайдилар. Лекин Ўғизхон беҳуда қон тўкилгандан кўра, гўзал маликадан воз кечишни афзал билади, ўз орномусидан Ватан тушунчасини юқори қўяди.

Ниҳоят, душман Ўғизхон салтанатига қарашли бир ерни инъом этишни сўрайди. Буни эшитган оқсоқоллар «Бер, шу билан даф бўлсин!» дейишади. Аммо Ўғизхон бениҳоя дарғазаб бўлиб, «Аждодларимиз хоки ётган ерни ҳеч қачон душманга бермайман!» дея уруш очади ва душманни ер билан яксон қилади. Қаранг, Ўғизхон ўзининг энг азиз нарсаларидан воз кечди, лекин Ватаннинг бир қарич ерини душманга раво кўрмади!

Биз мустақилликдек энг олий неъматга мушарраф бўлдик. Ва ўзлигимизни англаб етдик, бой маънавий-маданий сарчашмаларимизга қайтдик, улардан тўла-тўкис баҳраманд бўлиш бахтига етдик. Тарихимиз шунчалар бойки, бизнинг тинчлигимизни бузмоқчи бўлган айрим калтабин кимсалар, кимлигимизни билиш учун ана шу тарихга назар ташласалар ёмон бўлмасди.

Рухсатингиз ила туркий халқлар – бобокалонларимиз тарихига яна бир назар ташласак.

Бухоро шаҳри асосчиси Шерри Кишвар эронликларнинг 75 минг кишилик лашкарини тор-мор келтириши мамлакатда катта ваҳима уйғотди. Эрон шоҳи Ҳурмузд Шерри Кишварни жанг билан енголмаслигига кўзи етиб, унга қарши ҳийла ишлатди. Шерри Кишвар қароргоҳига гўёки сулҳ тузиш учун сарой маслаҳатчиси Ҳуррам Бурзинни юборди. Айёр маслаҳатчи қандайдир йўллар билан Шерри Кишварнинг ишончини қозониб, уни ҳужум йўналишини ўзгартиришга кўндирди ва алдов йўли билан қўшинини Ҳирот водийсидаги Баборон аталмиш тангу тор дарага бошлаб борди. Худди шу пайтда эронликларнинг Баҳром Чўбин бошлиқ лашкари Бухоро қўшинининг орқа томонига ўтиб олди. Оққўнгил Шерри Кишвар айёр элчининг ҳалокатли тузоғига тушганди. Унинг лашкари жуда ноқулай аҳволда қолди. Бир томонда осмонўпар тоғлар, бир томонда тезоқар Хирируд дарёси, бир томонда – душман...

Ана шундай оғир шароитда ҳам туркий қўшинлар мардона жанг қилиб, ўзлари учун нажот йўлини очдилар. Лекин эронликлар яна ҳийла ишлатдилар. Баҳром Чўбин душман филларининг кўзига қараб ёй отишни буюрди. Филлар қутуриб кетиб, ўз эгаларини топтай бошлади. Жанг майдонида қиёмат қойим бўлди. Шу аснода Баҳром Чўбин отган ёй Шерри Кишвар кўксига қадалдию, жон таслим этди. Унинг қўшини мағлуб бўлди, лекин таслим бўлмади. Бу жанг жаҳон тарихи саҳифаларига туркий миллат қўшинлари мардлиги, матонати тимсоли бўлиб кирди.

...Араб лашкарлари Бухорони ўраб олдилар. Подшоҳ Бидун Бухорхудот лашкар тўплаб келиш баҳонасида қалъани тарк этди. Лекин унинг хотини малика Қабож саросимага тушмади. Қўлида Тағшода исмли эмизикли ўғли бўлган бу гўзал ва оқила аёл давлат инон-ихтиёрини ўз қўлига олиб, душманни Бухоро ичкарисига йўлатмади. У кези келганда қилич олиб, она шаҳрини ҳимоя қилди, кези келганда мол-дунё эвазига очкўз душман билан сулҳ тузишга муваффақ бўлди. У Бухорога ҳукмрон бўлиб турган 15 йил мобайнида араблар бу муқаддас шаҳарни эгаллай олмадилар. Ёки Марказий Осиёда мўғул босқинчиларига қарши жанг қилган Жалолиддин Мангуберди жасоратини олиб кўрайлик. Унинг қаттол душмани Чингизхон, «Қани энди менинг шундай ўғлим бўлсайди», дея орзу қилган.

Бизнинг миллатимиз ватанпарварлиги ана шундай буюк сарчашмалардан сув ичади.

Мустақиллик туфайли маънавиятимиз ва давлатчилигимизнинг теран ва кучли томирларида яна ҳаёт суви оқа бошлади. Амир Темур ва Улуғбек, Навоий ва Бобур, Имом ал-Бухорий ва ал-Фарғоний, Ат Термизий ва Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Мотуридий... Жаҳон тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган Ибн Сино ва Беруний... Бу рўйхатни чексиз давом эттириш мумкин. Бироқ қайси миллатки, ўз ота-боболари билан фахрланиб юрса-ю, ўзи тараққиёт учун ҳеч иш қилмаса, бундай миллатнинг келажаги йўқ. Бизда эса 15 йил мобайнида асрларга татигулик ишлар қилиндики, буни бутун жаҳон тан олмоқда. Саноат, қурилишда эришаётган ютуқлар, қишлоқ хўжалигидаги зафарлар, хорижда ўқиётган ёшларимиз бунинг исботидир.

Истиқлол туфайли ўзбек тилининг ҳақ-ҳуқуқлари тўлиғича тикланди.

Бу ҳам миллат учун улуғ бир неъматдир.

Истиқлол биз учун идрок этилган зарурат эди. Истиқлол – Ватан озодлиги – ободлигининг, халқимиз бахт-саодатининг кафолатидир. Ушбу сатрларни ёзаяпман-у Амударё соҳилидаги қийғос гуллаган жийдазорлар ёдимга тушади. Май ойи ўрталарида бу ерларда бўлсангиз, жийда гуллари ҳидию, тўқай булбуллари хонишидан маст бўласиз. Она Ватанимизнинг ҳар бир гўшаси биз учун ана шундай бетакрор, гўзал дилтортар...

Ватан, сенсан менинг борим!..

Жўра ФОЗИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Ислоҳотлар самараси

АСКАР ЁТОҚХОНАСИ – ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллар кўпчиликнинг ёдида, албатта. Ана шундай мураккаб бир даврда миллий армиямизга ҳам асос солинган. Унинг шонли тарихи энг буюк неъмат – мустақиллик билан чамбарчас боғлангандир.

Тўқсонинчи йиллардаги мураккаб иқтисодий вазиятга қарамасдан республикамиз раҳбарияти Қуролли Кучларимизни барпо этишга қаратилган улкан ва долзарб масалаларни ҳал қилишга киришди. Ҳарбий қурилиш соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Ўша даврдаёқ ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган моддий ва молиявий манбаларни топиш устида изланишлар олиб борилди.

Айни кунда буларнинг барчаси ўз самарасини берди. Эҳтимол, қаердадир ҳали камчиликлар кўзга ташланар, аммо амалга оширилган улкан ишлар олдида улар ҳеч нарса эмас. Энг муҳими, бугун ҳар томонлама жанговар салоҳияти юксак, тезкор, ихчам, замонавий қурол-яроғлар билан таъминланган, профессионал асосда шаклланган миллий армиямизга эгамиз. Ўзбек миллий армияси сафларида йигитлик бурчини ўташ шу юртнинг ҳар бир фарзанди учун шараф ишига айланган.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов **«Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир»** асарида шундай деган эди: **«Агарчи мендан, янги армиянинг эски армиядан фарқи нимада, деб сўраса, ҳарбий қурилиш соҳасида амалга оширилаётган мутлақ принципиал ўзгаришлар, мақсад ва вазифалар билан бир қаторда Қуролли Кучларимизда ҳукм сураётган соғлом муҳит, тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, машққатли синовлар, ҳарбий машғулотларнинг оғир юкини елкасида кўтариб юрган оддий аскар ва сержантларга бўлган эътибор ва эҳтиромда, деб айтган бўлардим».**

Мазкур мақолада ана шу эътибор ва эҳтиром маҳсули, Қуролли Кучларимизда олиб борилган изчил ислоҳотлар самараси бўлган посбонларнинг яшаш шароитларига тўхталмоқчимиз.

Офицер Бахтиёр Отамирзаевнинг хизмат фаолияти бир неча йилларни ташкил қилади. У миллий армиямизнинг дастлабки шаклланиш босқичларидан ҳозирги кунига қадар фаол қатнашиб келаётган, кўпни кўрган фидойи офицерларимиздан бири.

– Бир вақтлар аскарлар учун ҳозиргидек шароитни тасаввур ҳам қилиб бўлмасди, – дейди у. – Бугунги кун аскарига ҳавасим келади. Кенг ва ёруғ, шинам ётоқхоналар, барча замонавий воситалар билан жиҳозланган спорт заллари ва шаҳарчалар, ўзбек адабиёти дурдоналаридан тортиб, энг сўнгги бадиий нашрларгача мавжуд бўлган бой кутубхоналар, компьютерлашган машғулот заллари – буларнинг барчаси шу кунниг аскари учун.

Азиз ўқувчи, сизга ҳам ўзим кўрган, танишган аскарлар ётоқхонаси ҳақида ҳикоя қилгим келди. Бу ерда дастлаб диққатингизни тортадиган нарса – тозалик ва ҳарбийларга хос саранжом-саришталикдир. Бино замонавий андозалар асосида қурилган ва таъмирдан чиқарилган. Ётоқхона ҳудуди ободонлаштирилган, анвойи гуллар барқ уриб-очилган.

Биринчи галда навбатчининг хонасига эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу ердан навбатчи посбоннинг фаолиятидан тортиб маиший хизмат хоналаригача экран орқали кузатиш мумкин. Аскарлар ётоқхонасига киришингиз билан йўлакни яшнатиб турган чўғдек юмшоқ гилам кўзингизни қувнатади. Шундай ҳолатни ҳар бир ётоқ бўлмасида ҳис қиласиз. Аскарларнинг ҳар бирига алоҳида кийим жавони мавжуд. Пойафзал жавонларида алоҳида оёқ кийимлар тартиб билан терилган.

Бу ерда кишини қувонтирадиган бир жиҳат борки, унга тўхталмасдан илож йўқ. Ҳар бир аскар бундаги жиҳозларни асраб-авайлаб муносабатда бўладилар.

– Кийим-кечагимиз, ётоқхонадаги барча жиҳозларда, емак-ичмагимизда заҳматкаш халқимизнинг меҳнати, меҳри мужассам, – дейди оддий аскар Жаҳонгир Саиджонов. – Халқ эса ота-онамиз, ака-ука ва опа-сингилларимиздир.

Мудофаа вазирлиги хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини ҳам посбонлар ҳаётидан айрича тасаввур қилиб бўлмайди. Вазирликнинг ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан ишлаш бўлимининг бошлиғи Ойниса Нодирова аскарлар ва уларнинг ота-оналари билан учрашувда шуларни таъкидлади:

– Бугун ҳарбий хизмат нафақат ёшларимизнинг, балки улар ота-оналарининг диққат-эътиборини ҳам тортмоқда. Ҳарбий хизмат нуфузининг ошганлиги сабаб, ҳар бир ота-она ўз фарзандини миллий армиямиз сафларида кўришни истайди. Чунки ҳарбий хизмат ёшлар келажагида муҳим омил, мустаҳкам пойдевор яратмоқда. Аскарларга яратилган шароит уларнинг яқинларини ҳам хурсанд қилмоқда.

Аскар оналарининг фикр-мулоҳазаларини юқоридаги сўзларнинг давоми ёки тасдиғи дейиш мумкин.

Нигора Саиджонова, Тошкент вилоятидан:

– Ҳарбий хизматни ўтаётган ўғлимни кўриш учун келгандим. Ўғлимдаги ўзгаришларни кўриб қувондим. Босиқ, мулоҳазали, янада меҳрибонроқ бўлган. Командирлари ҳам бирам хушмуомала, бизни фарзандларимизнинг яшаш шароитлари билан ўзлари таништиришди. Ўғилларимизнинг ҳарбийча ҳаётида давлатимиз раҳбариятининг эътибор, ғамхўрлиги кўзга ташланиб турибди. Мен аскар ўғлимга ишонаман. У бундай эътиборга муносиб жавоб беради.

Донохон Турғунова, Андижон вилояти Балиқчи туманидан:

– Ўғлим Хайрилла ҳарбий хизматга келиб, янада ўктамлашган, улғайган. Бу ерда фарзандларимиз учун яратилган шароитни кўриб, мамнун бўлдим. Шундай шароитда Ватан олдидаги йигитлик бурчини шунчаки ўташ гуноҳ, Ватан ғамхўрлигини фидойиларча оқламоқ зарур. Аскар ўғлимдан умидларим катта. У ҳаётини армия билан боғлаш ниятида. Бундан фақат хурсанд бўламан.

Инобат НОДИРШОҲОВА.

Қонун ва ижро

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органларининг Қуролли Кучларда қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлари ва келгусидаги вазифаларга бағишланган кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республикамиздаги барча қуролли тузилмаларнинг мутасадди раҳбарлари, округ қўмондонлари ҳамда тарбиячи офицерлар қатнашдилар.

Йиғилишда асосий эътибор Президентимизнинг «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги»да қўйилган талаблардан келиб чиқиб, шунингдек, 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлигини ҳисобга олиб, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароити, тиббий хизматдан фойдаланиш масалаларини яхшилаш, жиноятчиликни келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларга қарши муросасизлик билан курашиш ҳамда ҳарбий прокуратура ходимларининг касбий маҳорати ва масъулиятини янада оширишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси бош прокурорининг ўринбосари – Республика ҳарбий прокурори адлия генерал-майори Ш. Узаков ортда қолган ярим йил мобайнида ҳарбий прокуратура ходимлари томонидан амалга оширилган қатор ижобий саъй-ҳаракатлар билан бирга йўл қўйилган айрим хато ва камчиликлар, уларни бартараф этишга оид чора-тадбирлар борасида маъруза қилди.

Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т. Ҳамроқулов Қуролли Кучларимиз шахсий таркиби орасида тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, юртимиз посбонлари онгида мустақиллигимизни муносиб ҳимоялаш, чегараларимиз дахлсизлигини ишончли таъминлаш борасида юксак масъулият ҳиссини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш, уларда маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялашдаги устуворликлар ҳақида тўхталди.

Йиғилиш якунида Республика ҳарбий прокуратура органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича келгусидаги вазифалари белгилаб олинди.

Ҳайъат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси бош прокурорининг ўринбосари Р. Муҳиддинов иштирок этди.

Адлия подполковниги Ў. ҲАМРОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг қонунчилик тарғиботи бўйича ёрдамчиси.

БАҲС-МУНОЗАРАЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига асосланган ҳолда азалий қадриятларимизга мос равишда миллий қонунчиликка асос солинди. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонун ҳужжатларини либераллаштириш борасидаги ислоҳотларни амалга оширишга киришилди. Ҳозирда мамлакатимизда барча жабҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устувор қадрият сифатида эъзозланиб, бу борада амалга оширилаётган эзгу ишларда адолат тамойилларига қатъий риоя этилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Яқинда Республика ҳарбий прокуратураси ва Республика ҳарбий суди мутасадди ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган навбатдаги амалий анжуманни ана шундай саъй-ҳаракатларнинг бири, десак муболаға бўлмайди. Ушбу тадбир Президентимиз томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармонларининг моҳияти ва амалдаги ижроси масалаларига бағишланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси бош прокурорининг ўринбосари – Республика ҳарбий прокурори адлия генерал-майори Ш. Узаков нутқ сўзлаб, юқорида қайд этилган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Жумладан, жорий йил 29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун маъқулланганлиги ва унга биноан Ўзбекистон Республикасининг жиноий жазо тизимидан ўлим жазоси олиб ташланганлиги ҳамда у умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилгани хусусида гапирди.

Республика ҳарбий судининг раиси адлия подполковниги С. Турсунов ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги қабул қилинган қонунда қатъий белгилаб қўйилганини таъкидлади. Шунингдек, маърузачи судларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган ваколатлари кенгайтирилиб, дастлабки тергов жараёнида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестларни кўриб чиқиш ҳуқуқи жиноят ишлари бўйича туманшаҳар судлари ва уларга тенглаштирилган судлар ҳамда апелляция инстанцияси судларига берилгани хусусида алоҳида тўхталди ва тегишли изоҳларни берди.

Амалий анжуман қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Ўз мухбиримиз.

Учебно-методические сборы

ОБОГАТИЛИСЬ НОВЫМИ ЗНАНИЯМИ



В течение нескольких дней в Центральном музее Вооруженных Сил проходили учебно-методические сборы с начальниками отделов (управлений) воспитательной работы военных округов и им равных объединений, офицерами отделений воспитательной работы воинских частей и высших военно-образовательных учреждений.

Целью данного важного мероприятия, проведенного Главным управлением воспитательной работы Министерства обороны, было доведение до офицерского состава задач и основных направлений воспитательной работы в Вооруженных Силах, разъяснение содержания системы воспитательной работы в современных условиях.

Перед участниками сборов выступали представители Академии государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан, Комитета по делам религии при Кабинете Министров Республики Узбекистан, Академии Вооруженных Сил, Центрального аппарата Министерства обороны.

Были также проведены методические занятия, обмен опытом, беседы за «круглым столом» по актуальным вопросам воспитательной работы. Уровень усвоения доведенной информации был подвергнут проверке путем тестирования.

Исходя из особенностей служебно-боевой деятельности различных родов войск, участники сборов высказали свои предложения и дополнения по ряду руководящих документов, регламентирующих организацию воспитательной работы в войсках, по улучшению процесса воспитания личного состава.

Наш корр.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

Вольф БАУЭР:

“ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОҲОТЛАР ЮКСАК САМАРА БЕРАЁТГАНИГА ГУВОҲ БЎЛДИК”

Тошкентда 24 июль куни “Жиноят ҳуқуқи қонунчилигини либераллаштириш ва унинг инсонийлик тамойилларини кучайтиришнинг концептуал масалалари – Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари” мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимининг либераллаштирилиши, “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниши муносабати билан юз бераётган демократик ўзгаришлар жараёни юзасидан фикр алмашишдан иборат.

Тадбирда Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги ва “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармонлари эълон қилиниши ва улар асосида тегишли қонунларнинг қабул қилиниши жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳолангани, ушбу ҳужжатлар суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш жараёнини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Германия Федератив Республикаси Бундестаги депутати, “Германия – Марказий Осиё” парламент гуруҳи раисининг ўринбосари Вольф Бауэр мамлакатимизда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга, суд-ҳуқуқ тизимига оид жаҳон андозаларига мос равишда қабул қилинаётган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга юксак баҳо берди.

(ЎзА).

Ўқув-услубий йиғин

ҚЎШИННИНГ ШАЙЛИГИ ИНТИЗОМ БИЛАН

Ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятда устуворлиги, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлиги ва ҳар жабҳада эришажак ютуқлари бир қатор омилларга – маънавий-ахлоқий тарбия ва ҳарбий интизомга кўп жиҳатдан боғлиқ. Юртбошимиз Ватан ҳимоячиларига байрам табригида бу ҳақда **«Барча бўғиндаги командирларнинг энг муҳим вазифаси – армиядаги тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида мамлакатимиз тақдири учун чуқур масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ватанпарварлик ҳиссиётини кучайтиришдан иборат эканини яхши англаб олишимиз зарур»**, деган эди.

Қуролли Кучларимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳар бир бўғинида тарбиявий ишларга жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Командирларнинг тарбивий ишлар бўйича ўринбосарлари билан доимий равишда ўтказиб туриладиган услубий-ўқув йиғинларида ҳам шу масалага оид янги-янги вазифалар, йўналишлар белгиланаётгани фикримиз далилидир. Бундан кўриниб турибдики, тарбиячи офицерларнинг услубий-ўқув йиғинлари ҳам тарбиявий ишлар борасида катта аҳамиятга эга.

Мана шундай тадбирлардан бири Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига қарашли ҳарбий қисм командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирокида ўтказилди. Ўқув йиғинида дастлаб сўз олган тарбиячи офицер Бахтиёр Отамирзаевнинг тарбиявий ишларнинг ҳолати, жанговар тайёргарлик самарадорлигини ошириш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари, шахсий таркибга Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотларни тушунтириш ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасидаги маърузаси йиғилиш иштирокчилари томонидан эътибор билан тингланди.

Уч кун давом этган ўқув йиғини ўзига хос малака ошириш, тажриба алмашиш, янги-янги вазифалар белгилаш бўйича қизғин баҳс ва мунозараларга бой тадбир бўлди, десак арзийди. Ўқув йиғинининг кун тартибидан жой олган ҳарбий хизматчилар билан тарбиявий ишларни ташкил этишнинг асосий усул ва услублари, улар билан якка тартибда иш олиб бориш, байрамларни муносиб кутиб олиш бўйича ўтказиладиган тадбирлар режаси ва бир қатор мавзулар бўйича маърузалар тингланди. Тарбиявий ишларни юксалтириш борасида услубий, амалий машғулотлар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

– Услубий ўқув-йиғинини ўтказишдан асосий мақсад, тарбиявий ишлар самарадорлигини янада ошириш, – дейди офицер Жамолхон Азамов. – Юртбошимизнинг «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги»да билдириб ўтган фикр ва мулоҳазалари тарбиявий ишлар йўналишидаги долзарб муаммолар ечимини ҳал этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти. Мунозараларга бой ўқув йиғинида тарбиявий ишларнинг янги усул ва услублари бўйича таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқилди. Ўйлайманки, ушбу йиғин тарбиячи офицерлар учун катта аҳамият касб этади.

Сир эмаски, қўшиннинг жанговар шайлигидаги асосий мезонлардан бири бу – ҳарбий интизом. Ҳарбий интизом интеллектуал салоҳиятда устуворлик, маънавий юксаклик демакдир. Шундай экан, Қуролли Кучларимизда тарбиявий ишлар йўналишига эътибор ўз ўрнида эътироф топаверади.

Зарина НИШОНОВА.

Заметки публициста

НЕЗАВИСИМОСТЬ: ВСЕВОЗРАСТАЮЩИЕ ТЕМПЫ РОСТА НАШЕЙ ЭКОНОМИКИ

Опубликованные итоги социально-экономического развития страны за первое полугодие 2007 года убедительны. Они являются наглядным подтверждением правильности стратегического курса реформ, разработанных Президентом Исламом Каримовым, жизненности и силы узбекской модели развития. В их основе – богатейшие, неисчерпаемые возможности, открывшиеся нам с обретением независимости, на базе которых и осуществляются реформы. В независимости – наша сила и наша всевозрастающая мощь. В ней – новое качественное состояние нашего общества, уверенно идущего к намеченной цели – строительству правового, демократического государства, гражданского общества.

Итоги социально-экономического развития страны за первое полугодие текущего года – достойный подарок народа 16-й годовщине независимости, нашему великому и самому дорогому празднику.

Чтобы глубже оценить сделанное, осознать величие совершенного и сделать необходимые выводы, нужно обратиться к цифрам и фактам, прозвучавшим на заседании Кабинета Министров Республики Узбекистан, состоявшемся 18 июля 2007 года. При этом следует подчеркнуть, что **принятые правительством в первом полугодии меры по реализации важнейших приоритетов социально-экономической политики на 2007 год, определенных Президентом на заседании Кабинета Министров 12 февраля этого года, обеспечили устойчиво высокие темпы экономического роста, динамичное развитие всех отраслей экономики и территорий республики. Это дало возможность обеспечить прирост валового внутреннего продукта на 9,7 процента.** Это не просто высокий показатель, а самый высокий за все годы независимости. Он оказался даже выше прогнозных показателей на конец текущего года.

А как обстоят дела в основных сферах развития экономики и в социальной сфере?

В сфере промышленности. Объем промышленного производства вырос на **11,6 процента**. Что обеспечило такой значительный прирост промышленного производства? Прежде всего высокие темпы роста освоенных инвестиций, которые составили 140,2 процента, усиление притока иностранных инвестиций, которые выросли в 1,9 раза, введение в строй действующих 154 новых крупных и малых промышленных производств, в том числе 30 объектов легкой и текстильной промышленности, а также 102 километра линий электропередач. Завершается строительство железной дороги Ташгузар – Байсун – Кумкурган с вводом рабочего движения к сентябрю этого года.

Продолжается широкомасштабная модернизация экономики, техническое и технологическое обновление ее важнейших отраслей. **Приняты и уже заработали программы технического и технологического перевооружения предприятий хлопкоперерабатывающей, масложировой промышленности, промышленности строительных материалов и черной металлургии.**

В результате принятых мер по правовой защите и поддержке малого бизнеса и либерализации условий его функционирования **доля малого бизнеса в ВВП возросла до 38,1 процента**.

В сфере сельского хозяйства. Практически завершен процесс преобразований ширкатов в фермерские хозяйства. **Они стали основной, решающей силой в сельскохозяйственном производстве.**

Как результат этого, 100 процентов выращенного зерноводами урожая в этом году заготовлено исключительно фермерскими хозяйствами, сдавшими **более 6 миллионов 250 тысяч тонн зерна**. С этой замечательной победой зерноводов республики поздравил Президент страны. **«Всех нас переполняют чувства радости и гордости за достигнутые показатели нынешнего года в зерноводстве, особенно за высокую урожайность и эффективность труда»**, – говорится в поздравлении. Сбор зерна на орошаемых землях по стране **в среднем составил 48 процентов с гектара**, превысив прошлогодний показатель на 4 процента. Нельзя не отметить, что средняя урожайность в Андижанской области составила 60 центнеров, в Кашкадарьинской, Самаркандской и Ферганской областях – 50 центнеров и в целом ряде районов – по 55 – 60 центнеров с гектара. Это замечательная победа наших зерноводов. За первое полугодие текущего года, по сравнению с тем же периодом прошлого года, произведено больше картофеля, овощей, бахчевых культур, мяса и коконов.

В социальной сфере. Прежде всего, в первом полугодии текущего года создано 314,8 тысячи новых рабочих мест, в том числе в сфере услуг и сервиса – более 75 тысяч, за счет надомного труда – более 40,2 тысячи мест. За этот же период реальные доходы населения выросли на 21,3 процента.

В рамках реализации Государственной программы **«Год социальной защиты»** в первом полугодии получили пособия 440 тысяч неработающих матерей, занятых уходом за ребенком до 2 лет, а также 880 тысяч семей с детьми в возрасте до 18 лет. Оказана материальная помощь 44 тысячам малообеспеченных семей, 28,5 тысячи малообеспеченных и многодетных семей получили бесплатно крупный рогатый скот.

Создано 2049 рабочих мест для инвалидов. Молодым семьям выдано кредитов на организацию собственного бизнеса на сумму более 10,6 миллиарда сумов.

Говоря о росте экономики, нельзя не отметить, что производство потребительских товаров выросло на 19 процентов, подрядных строительных работ – на 29,5 процента, розничного товарооборота – на 16,8 процента продукции, платных услуг – на 25,1 процента. **Возрос экспорт на 39 процентов, при этом основную долю в нем, свыше 70 процентов, занимает несырьевой экспорт.** Обеспечено положительное сальдо внешней торговли в размере 1,7 миллиарда долларов США.

Государственный бюджет исполнен с профицитом в 1,9 процента к ВВП. Уровень инфляции не превысил прогнозные параметры, составив 2,7 процента.

На высоком форуме Кабинета Министров состоялся откровенный и принципиальный разговор и о нерешенных еще проблемах, отдельных упущениях и недостатках. Мы не боимся о них говорить, потому что исходим из жизненных реалий. На заседании были вскрыты причины имеющихся недостатков, указаны пути их практического решения и тем самым подготовлена организационная база для последующего роста всех составляющих экономики страны и социальной сферы.

Таковы наши успехи к Дню независимости. В чем причины столь значительного взлета экономики?

Прежде всего в том, что с первых дней независимости Узбекистан, ведомый нашим Президентом, входил в рыночную экономику не вслепую, не на ощупь, а придерживаясь четко выверенных ориентиров и приоритетов, глубоко обоснованных главой нашего государства, позволяющих последовательно и эффективно решать задачи создания не просто рыночной, а социально ориентированной рыночной экономики. Мудрость этой политики состоит в том, что удалось избежать «шоковой терапии», социальных потрясений и первыми среди стран СНГ выйти на широкую дорогу прогресса и процветания. А реализация широкомасштабной Программы социально-экономического развития страны на начало XXI века позволила нам в кратчайшие исторические сроки выйти на передовые рубежи в экономике и ежегодно обеспечивать всевозрастающие темпы роста экономики и успехи в социальной сфере.

Во-вторых, на успехи нашей экономики сегодня решающее влияние оказывают **результаты коренной структурной перестройки экономики на базе новых и новейших технологий.** Созданные в первые и последующие годы независимости новые предприятия типа Асакинского автомобильного завода или Бухарского нефтеперерабатывающего уже заработали на полную мощность. Они и подобные им чуда современной науки и техники дают основной прирост промышленной экспортоориентированной продукции и укрепляют экономическую мощь страны. В этом году, например, автомобилестроители Асаки планируют изготовить 170 тысяч автомобилей, из них 111 тысяч – на экспорт. В прошлом году было произведено 140 тысяч автомобилей. Не только автомобилестроители, а каждый гражданин может гордиться тем, что у нас имеется такой современный автогигант, машины которого: «Дамас», «Тико», «Нексия», «Матиз», и «Ласетти» – колесят не только по дорогам нашей страны, но и во многих странах мира. Сегодняшний Узбекистан – крупная автомобильная держава.

В-третьих, успехи экономики объясняются и хорошим притоком инвестиций, и прежде всего иностранных инвестиций. Можно даже сказать так: **изо дня в день растет число предприятий с участием иностранного капитала**. География СП очень обширна. От России и до Китая, от Японии и до США, от Бельгии и Германии до Индонезии и Малайзии. Столь значительное представительство иностранного капитала в стране объясняется очень просто – богатство ресурсов, льготное законодательство и свободный вывоз прибыли. Но не только этим. Хотя разведанные запасы полезных ископаемых оцениваются, по данным зарубежных экспертов, более чем в 3 триллиона долларов, главное, что привлекает инвесторов – **это стабильная общественно-политическая обстановка в стране, мир и согласие**.

В-четвертых, благодаря усилиям главы государства набрали хорошие обороты отрасли, имеющие важное значение для судеб государства. Прежде всего горнодобывающая, нефтегазовая промышленности, электроэнергетика, цветная металлургия, производство химических волокон и удобрений. Принципиальное, непреходящее значение для развития страны и роста благосостояния народа имеют перерабатывающие отрасли, связанные с сельским хозяйством, а также легкая и пищевая промышленности. Ускоренное их развитие, внедрение надомного труда, а также развитие сферы услуг решают и такую жизненно важную проблему, как проблема занятости.

В-пятых, успехи нашей экономики – результат проводимых реформ во всех сферах жизни нашего общества. Именно эти реформы, и прежде всего реализация Национальной программы по подготовке кадров, создали в стране мощный интеллектуальный потенциал, высококвалифицированные профессиональные кадры, высокоразвитую культуру, сплотили общество и укрепили наше уникальное содружество, межнациональное и межконфессиональное согласие, а также правовую защищенность всех слоев населения. Потому что реформы у нас осуществляются во имя человека, его благополучия и расцвета как личности. Осознание каждым гражданином того неоспоримого факта, что реформы в стране проводятся не ради реформ, а ради человека и его блага, является мощным стимулом для вдохновенного труда на благо своей независимой Родины.

Итоги социально-экономического развития страны за первое полугодие 2007 года убедительно свидетельствуют о том, что страна прочно встала на широкую дорогу обновления и прогресса. Она уверенно идет курсом реформ, разработанных Президентом. Мы можем уверенно смотреть в будущее и, не снижая достигнутого ритма в работе, наращивать успехи во имя независимости, свободы и демократии, во имя нашего благополучия и благосостояния, во имя укрепления безопасности страны и мирной жизни народа.

Анфим ХЛЫЗОВ.

2007 год – Год социальной защиты

ВОЗВРАЩАЮТ ВОИНОВ В СТРОЙ

Весомый вклад в дело укрепления здоровья военнослужащих и ветеранов Вооруженных Сил вносит Самаркандский военный госпиталь – одно из старейших лечебных учреждений нашей страны. Дружный коллектив военных медиков успешно справляется с задачей возвращения здоровья воинам.

– За годы независимости Самаркандский военный госпиталь серьезно улучшил свою обеспеченность современной медицинской аппаратурой, – рассказывает начальник госпиталя полковник медицинской службы Баходир Рахимов. – В частности, в отделение реанимации приобретен кардиомонитор, который показывает кардиограмму работы сердца пациента, что позволяет более точно контролировать состояние больных во время операций. Совсем недавно Министерством обороны выделен аппарат «Фабиус» для искусственной вентиляции легких.

Это военное лечебное учреждение имеет богатую и насыщенную событиями историю, в будущем году госпиталь отметит свое 135-летие. В 1923 году здесь был установлен первый рентгеновский аппарат. За годы Второй мировой войны здесь восстановили здоровье более 27 тысяч военнослужащих, подготовлены и отправлены на фронт более 1000 военных медсестер и санитаров.

В настоящее время в госпитале имеется 15 лечебно-диагностических отделений. 8 врачей имеют высшую категорию, 2 доктора наук и 3 кандидата из Самаркандского мединститута дают консультации.

На счету начальника отделения реанимации майора медицинской службы Шухрата Нарзиева не одна спасенная жизнь. Например, однажды поступил военнослужащий в тяжелом состоянии. Пришлось нелегко, но военные медики отстояли его жизнь. Сейчас бывший воин жив и здоров, водит автомобиль, всегда с благодарностью вспоминает военных медиков.

В письмах воинов и ветеранов, присылаемых в госпиталь по итогам лечения, нередко звучат теплые отзывы и о коллективе терапевтического отделения, возглавляемого старшим лейтенантом медицинской службы Суръатом Болтаевым. Офицер сразу же после окончания Бухарского мединститута был призван в ряды Вооруженных Сил, служил в санчасти ТВОКУ, терапевтическом отделении ЦВКГ, с мая сего года здесь. Из медсестер отделения немало добрых отзывов от пациентов имеют Аделя Агамирзаева, Хуршида Мухитдинова, Дилафруз Джаббарова, передающие богатый опыт подругам.

Приезжающие навестить находящихся на излечении воинов близкие родственники и сослуживцы также с чувством глубокой благодарности отзываются о работе военных медиков.

– Мой сын совсем недавно поступил сюда, – говорит мама рядового Аскара Ахмедова Асорат-апа. – Естественно, я сначала встревожилась. И только увидев своими глазами, что он окружен здесь заботой и вниманием и ему оказывается квалифицированная помощь, успокоилась. Хочу от всего сердца поблагодарить военных медиков за отличную работу!

Капитан Тохир Матмусаев и рядовой по контракту Султон Улугов приехали навестить сослуживца рядового Бахриддина Хазраткулова. Уроженец древнего Термеза этой весной призван в армию, уже идет на поправку, с нетерпением считает дни, чтобы поскорее вернуться в родное подразделение.

Помимо качественного лечения, пациентам помогает быстрее поправиться и красивая обстановка на территории: здесь разбиты клумбы с цветами, навевает прохладу фонтан, бьющий на центральной аллее. Военные медики и о поддержании собственного здоровья заботятся серьезно – в часы физической подготовки они активно качают мышцы на тренажерах, увлеченно играют в волейбол.

По словам начальника госпиталя, вопросы укрепления материально-технической базы этого учреждения всегда находятся в центре внимания вышестоящего командования. Так, только в этом году на капитальный ремонт выделены большие средства.

Дежурный по госпиталю подполковник медицинской службы Шухрат Джангиров также является одним из опытных медиков, всегда готовых прийти по первому зову на помощь. При виде его помощника, не отходящего от телефона, вспомнились строки из письма благодарного пациента: «Когда за мной приехала машина «скорой помощи», я попросил только об одном: «Везите меня в военный госпиталь!» Это высокое признание качества работы военных медиков дорогого стоит.

Майор Аблай КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

ИЗ РЕДАКЦИОННОЙ ПОЧТЫ

ВЕТЕРАНСКОЕ «СПАСИБО»

Мы живем под мирным небом, и все помыслы нашего народа направлены на сохранение счастья и свободы в дружной многонациональной семье народов Узбекистана.

Я ветеран Вооруженных Сил, инвалид I группы. 87 лет прожитой жизни, силы и здоровье, отданные во имя процветания Родины дают мне повод сказать, что о ветеранах в нашей стране забота особая. К сожалению, годы берут свое, и все чаще приходится обращаться за врачебной помощью. Так, недавно мне довелось поправлять свое здоровье в Самаркандском военном госпитале.

Смело могу утверждать – здесь работают настоящие кудесники человеческого здоровья. В этом лечебном учреждении прекрасно подобранный коллектив добрых, внимательных, отзывчивых, высокопрофессиональных врачей, медсестер и других специалистов, которые грамотно производят диагностику и организуют процесс лечения больных. На своем опыте убедился, какая здесь создана прекрасная аура, неуловимая, но ощутимая энергия, которую военные врачи отдают излечивающимся пациентам.

Условия, созданные для больных, чистота в помещениях и на территории, зелень, множество цветов – все это способствует прекрасному настроению и вселяет веру в скорое выздоровление.

От всего сердца хочется выразить благодарность замечательному коллективу единомышленников, стоящих на страже здоровья военнослужащих и всех, кто проходит здесь излечение.

Александр БЕРЕЗКИН.

Профессионалларимиз

ТЕХНИКА БИЛАН ТИЛЛАШИБ

Маълумки, ҳамиша яхши қаралган ва ўз вақтида таъмирлаб, кўз қорачиғидай асраб-авайланган техника ҳамда қурол-яроғ ҳеч қачон панд бермайди. Жанговар қурол посбонга мисоли қанот бўлса, жанговар техника тулпор, унинг бошқарувчиси эса пўлат от чавандозидир.

Ҳарбий хизматчи қурол-аслаҳа ва жанговар техникани ҳар томонлама яхши билиши мақсадга мувофиқ. Посбон булардан моҳирона фойдаланиш билан бир қаторда техника ва қурол-аслаҳани сақлаш ва таъмирлашни ҳам уддалай олиши туфайли мамлакатимизнинг тинчлигини сақлашга, бойликларини асрашга, жанговар шайликни оширишга ҳамда тежамкорликка ўз ҳиссасини қўшган бўлади. Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз янги, замонавий техника ва қурол-аслаҳалар билан бутланиб, белгиланган барча таъминот турлари билан таъминланяпти. Замонавий қурол ҳамда жанговар техникалар юрт ҳимоячиларига ишониб топширилган. Уларни асраб-авайлаб, ўз вақтида бутлаб, таъмирлаб, ҳамиша жанговар шай ҳолатда тутиш муваффақият гарови демакдир. Бу борада офицер Толиб Камолов етакчилик қилаётган ҳарбий қисм муҳандислари ҳамда таъмирлаш гуруҳи фидойиларининг меҳнатларини таҳсинга сазовор десак, адашмаймиз. Мудофаа вазирлигига қарашли дала-ўқув майдонларидан бирида бўлиб ўтган муҳандислик қўшинларининг кўргазмали машғулотларида мазкур ҳарбий жамоа посбонлари ҳам фаол иштирок этиб, бир қатор нуфузли натижаларга эришган эди. Жумладан, ҳарбий техникани ҳамма вақт жанговар шай ҳолатда тутиб, яхши таъмирлаб, ўз хизмат бурчини маҳорат билан уддалаб келаётган бир қатор офицер, сержант ва муддатли хизмат оддий аскарлари Қуролли Кучларимиз раҳбариятининг миннатдорчилигига сазовор бўлиб, эсдалик нишонлари, қимматбаҳо совғалар ҳамда бошқа мукофотлар билан тақдирланишди. Ана шундай моҳир ва ўз ишининг устаси бўлган офицерлардан бири Азамат Маматқуловдир.

– Аввало, жанговар техниканинг ҳар томонлама созлиги муҳим, – дейди фидойи офицер биз билан суҳбатда. – Ҳеч қандай нуқсони бўлмаган, барча мурватлари мукаммал ишлаётган техника билан муваффақиятга эришишга шубҳа йўқ. Шу боис техникаларни сифатли бутлашга алоҳида аҳамият қаратамиз. Бунга ўз ишининг профессионали бўлган шижоатли ва малакали офицер, сержант ва Қуролли Кучлар хизматчилари жалб этилган. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар эса уларга бириктирилиб, хизмати давомида бу соҳада билим ва малака тўплашади. Сафдошларимдан офицерлар Умид Казаков, Дўстбек Сафаров, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилардан сержантлар – Ғани Каримов, Алижон Юлдошев, кичик сержантлар – Отабек Одинаев, Ўрол Муродов, Дилшод Эрматов, Валижон Ярбеков ҳамда Мусулмон Ражабовлар билан барчамиз фахрланамиз.

«Жанговар техника ва қуролни мукаммал билиш, уларни эҳтиётлаб сақлаб ва асраб-авайлаш ҳамда бошқа мол-мулкни эҳтиётлаш масаласи экипаж, расчёт, бўлинманинг ўзаро мусобақа давомидаги асосий вазифаларидан бири бўлиши керак. Ҳарбий хизматчи учун жанговар техника ва қурол-аслаҳани маҳорат билан қўллаш бўйича мусобақаларда фаол иштирок этиш жуда муҳимдир. Чунки айнан шундайин соғлом рақобат уста мерганлар, ҳайдовчилар, аълочи мўлжалга олувчилар, алоқачилар, десантчиларни кашф этади. Худди шундай инсонлар мустақил юртимизга ҳар доим ҳам зарурдир», деган эди офицер Бекбўта Ҳамидов газетамизда чоп этилган мақолаларидан бирида.

Дарҳақиқат, қайси йўналиш ёки соҳада бўлмасин, мусобақалар тажриба ҳамда маҳорат сайқалланишида асосий омил вазифасини ўтайди. Ушбу ҳарбий қисмда хизмат қилаётган сержант Ғани Каримов ҳамда кичик сержант Валижон Ярбековларни ҳам ана шундай ўзаро мусобақадош посбонлар сифатида эътироф этсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Механик-ҳайдовчи вазифасида хизмат қилаётган ҳар иккала профессионал посбон ишга ғоят масъулият билан ёндашиб, топшириқни сифатли уддалаб келишади. Айниқса, хизматлари муносиб баҳоланиб, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг буйруғига биноан сержант Ғани Каримов қўл соати билан тақдирланиши ва кичик сержант Валижон Ярбеков эсдалик нишонига сазовор бўлгани ҳар иккаласини ҳам беҳад руҳлантириб юборди.

– Ушбу эътибор бизга билдирилган ишонч демакдир. Камтарин хизматларимиз эътироф этилиб, Қуролли Кучларимиз раҳбарияти томонидан юқори баҳоланиши бизни янаям ғайрат-шижоатли бўлишга ундайди, муваффақиятларга илҳомлантиради, – дейди сержант Ғани Каримов. – Ютуқли натижаларимиз истиқлол тўйига ҳадя бўлсин.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ, «Ватанпарвар» мухбири. Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

АҲИЛЛИКНИНГ ЎЗИ БИР БАХТ

Оилани бежиз тарбия ўчоғи, деб таърифлашмайди. Ахир инсоннинг камолотида у ўсиб улғайган оиланинг ўрни беқиёс. Шу боис қадимдан шарқликлар оилани муқаддас билиб, унга катта аҳамият беришган.

Эътибор беринг-а, бизда азалдан ота-она ўғлига келин изламоқчи бўлса, аввало маҳаллада ҳар томонлама намуна бўлган оиланинг қизларини суриштиришади. Қиз узатишаётганда ҳам худди шундай.

Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманида пиру бадавлат хонадонлар кўплаб топилади. Лекин улар орасида собиқ ҳарбий Тоҳир ака Обидовнинг хонадони алоҳида тилга олинади. Айниқса, ушбу хонадонда улғайиб вояга етган фарзандларга кўпчилик ҳавас қилади.

Оила бошлиғининг шарафли касбига етти фарзанд ичидан Нурулло кўпроқ меҳр қўйди. Мактабни аъло баҳоларга якунлагач, ҳарбий билим юртига ўқишга киришга қарор қилди. Тоҳир ака ўғлидаги иштиёқни кузатаркан, унга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб, қўллаб-қувватлади.

Нурулло Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида таҳсил олди. Бўлғуси офицер бу ерда тажрибали устозлардан ҳарб илмини мукаммал ўрганиб, ўз касбининг устаси бўлиб етишиб чиқди.

Тўғри, эндигина билим юртини битирган ёш офицер ҳарбий қисмда профессионаллардек хизмат қилиши учун тажрибаси камлик қилади. Ана шундай бир пайтда унга офицерлар Исроил Мирзаев, Акбарали Усмоновлар яқиндан ёрдам беришди. Уларнинг беминнат маслаҳат ва ўгитлари интилувчан ёш офицерга гўёки қанот бўлди.

Ота-онанинг эндиги мақсади, ҳаётда ўз ўрнини топган ўғлини уйлантириш эди. Фақат фарзанди хизмати туфайли бағридан олисдалиги боис унинг дам олиш таътилини кутишдан ўзга чоралари йўқ. Кутилган вақт ҳам етиб келди. Шунда улар келинликка бир қиз топишганини таъкидлаб, агар маъқул келса, унга уйлаб қўйишларини айтишди. Лекин Нурулло мактабда ўқиб юрган пайтлари Шаҳноза исмли қизни ёқтириб қолганини айтди. Ҳаётда доимо тўғри қарор қабул қилиб, ўз тақдири учун курашувчи йигитнинг сўзлари ота-онани ранжитмади. Қайтанга улар хурсанд бўлиб қизникига совчиликка йўл олишди. Бўлғуси қуда тараф гарчи оила бошлиқларини яхши танишсада, 17 ёшидан буён маҳалладан четда яшаган йигитга дарров қизларининг тақдирини топширишни исташмади. Уни ҳар томонлама синаб суриштиргач, ҳақиқатдан ҳам йигитнинг эслиҳушли ва муҳими отасидек юртпарвар, фидойи эканлигини билиб, тўйга розилик беришди.

Ушбу ёш оилани шаҳарчада бугун кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Тўғри, ҳарбийнинг аёли бўлишнинг ўзига яраша қийинчиликлари мавжуд. Оила бошлиғи хизмат юзасидан ҳамма вақт уйда бўлавермайди.

– Ҳарбийнинг рафиқаси эканлигимдан ниҳоятда хурсандман, – дейди Шаҳнозахон Тожибоева. – Кўчада айланганимизда атрофимиздагиларнинг бизни кузатишаётганини ҳис қилар эканман, ўзимча ўйлаб қоламан, «демак, ҳарбийнинг аёли бўлиш кўпчилик қизларга ёқса керак». Фақат ҳарбийнинг эмас, балки ҳар қандай оилада ҳам турмуш ташвишлари, тушунмовчилик бўлади. Бундай пайтда ўзингиздаги ирода ва сабрга таянсангиз, барчаси ортда қолади.

Қуёш уфққа бош қўйиб, аста-секин атрофни қоронғулик эгалларкан, барча хонадонларнинг бирин-кетин электр чироқлари ёниб, оила аъзолари дастурхон атрофига жам бўлишади. Кечки овқатни тайёрлаб, умр йўлдошининг йўлига кўз тиккан Шаҳнозахон деразадан боқиб, ҳар бир кишини кузатаркан, негадир турмуш ўртоғининг кечикаётганига бетоқатлана бошлади. Бу орада уч яшар ўғли Диёрбекни овқатлантираркан, «Нега бунча кечикаяптикан?» деган хавотир кўнглига тинчлик бермасди. Охири, ўғлининг қўлидан ушлаб кўчага чиқишди. Унинг икки кўзи шаҳарчага кириш дарвозасида эди. Орадан анча вақт ўтгач, узоқдан эрининг шарпасини кўриб, кўнгли таскин топди. Отасининг дарвозадан кириб келаётганини кўрган Диёрбек хурсандлигидан у томонга чопқиллаб югурди. У эркаланиб отасининг бўйнидан осилиб оларкан, «Эртага ишга бормайсизми? Биз сизни роса кутдик», дея янада маҳкамроқ қучди.

Бу ҳолатни завқ билан кузатаркан Шаҳнозахоннинг кўнглидаги хижиллик бирпасда тарқаб, турмуш ўртоғининг қучоғидан ўғлини олиб, унга юзланаркан, «кеч қолдингиз?» деди.

– Иш кўпайиб бироз ушланиб қолдим. Мана энди ёнингиздаман, – деди унга жавобан Нурулло.

Одатда, Шаҳнозахон оила бошлиғининг бунақанги кечикишига кўникиб қолган. Лекин ҳар гал кечикканда у яна барибир хавотир олиб, интизорлик билан йўлга кўз тикиб туради.

Кун давомида машғулотлар, шахсий таркиб билан ишлаш каби масъулиятли вазифалардан толиққан капитан Нурулло Обидов ўзи учун қадрдон бўлган оиласига келаркан, барча чарчоқларни бирпасда унутади. Янги кунда эса яна янги куч, ғайрат билан хизмат жойига ошиқади. Ахир уни бу ерда яна масъулиятли вазифалар кутиб турибди. Хизмат жойига келиши биланоқ у машғулотларга шўнғиб кетади. Аслида офицернинг хизматда янги-янги ютуқларни қўлга киритишида оиласининг ҳам ҳиссаси салмоқли. Буни кўзлари бахтдан чақнаган Нуруллонинг хизмат фаолиятида ҳам кузатишимиз мумкин.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

МЕҲР ВА МУҲАББАТ ЖАВОҲИРЛАРИ

Оила — юрт, жамият ривожи, маънавиятининг асоси. Агар эр ва хотин қўш устун бўлиб оила мустаҳкамлиги учун курашса, уни ёмон кўзлардан асраб, оғир-енгил кунлардан мардона олиб ўтса, юрт ривожига муносиб ҳисса қўшадиган ўғил-қизлар вояга етади.

Шу маънода олиб қараганда, таниқли файласуф, фалсафа фанлари доктори, ёзувчи ва драматург Тилаб МАҲМУДОВ ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Дилбар МАҲМУДОВАларнинг оиласи ана шундай ибратли оилалардан ҳисобланади. Сценарийси бу икки ижодкор томонидан биргаликда ёзилган ва Ўзбек миллий академик театри саҳнасидан тушмай келаётган, кишиларни ўйлашга, фикрлашга ундовчи, эзгуликка чорловчи "Умр шомидаги бахт" ҳамда "Омонат дунё" спектакллари, шунингдек, Дилбар Маҳмудованинг "Ярим аср ёнма-ён" деб аталувчи адабий-биографик қиссасини халқимиз маънавиятини бойитиш йўлидаги катта ишлардан бири дейиш мумкин.

Заҳматкаш ижодкор Дилбар Маҳмудова билан ана шу асарларнинг яратилиш жараёни, уларнинг ёзилишига сабаб бўлган воқеалар, оила мустаҳкамлиги ҳақида суҳбатлашдик.

— Дилбар опа, аввало «Умр шомидаги бахт» ҳақида гаплашсак. Бу асарнинг ёзилишига нима туртки бўлди?

– 2002 йилнинг баҳори. Тошкент шаҳари ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова мени йўқлаётганини айтиб қолишди. Борсам, унинг хонасида ҳамкасб сингилларим Қутби Носирова билан Муқаддас Абдусаматовалар ҳам бор экан. Салом-аликдан сўнг: "бир муҳим масалада ёрдамингиз керак бўлиб қолди. Сизларни маслаҳатга чақиргандим, – деди Фарида Абдураҳимова. – Ўзларингизга маълум, шаҳар ҳокимлиги янги истеъдодларни кашф этиш масаласига катта аҳамият беряпти. Яқинда ўтказилган ёш талантлар кўригида ана шундай ўғил-қизларимиз кўп эканлиги ҳаммамизни мамнун этди. Бизга драматик асарлар керак. Яхши сценарий, пьесалар, режиссёрлар бўлса яхши бўларди. Нима дейсиз, Дилбар опа?!" "Бу борада сизга ёрдам беришим қийин, — дедим хижолатлик билан. — қолаверса, бу соҳанинг ўз одамлари бор... Яхши режиссёр керак бўлса, Қаҳрамон Саъдуллаев билан яқинлигимиз бор. Хоҳласангиз, у кишининг телефонини беришим мумкин".

Эртасига Фаридахон Қаҳрамон акага телефон қилиб, нима иш билан бандлигини сўраганида, у менинг "Ёлғизнинг ёри" публицистик мақолам устида ишлаётганини айтибди ва мақолани олиб келибди. Мақола Фарида Абдураҳимовага маъқул тушган.

Орадан икки-уч кун ўтиб, Фаридахон мени йўқлаб қолди. "Ёлғизнинг ёри"ни ўқидим. Ажойиб мақола ёзган экансиз, – деди у. – Шуни пьесага айлантириш ҳақида ўйлаб кўринг".

Икки-уч кун ҳаракат қилиб кўрдим. Чиқмади. Бу ишга Тилаб акамни жалб қилгач, ишларимиз юришиб кетди. Ва иймон, диёнат ҳақидаги, меҳр-оқибат ҳар нарсадан қимматлигини ўзида акс эттирувчи асар дунёга келди. Унинг элга манзур бўлишида фикримизни тўлиқ халққа етказа олган санъаткорлар – Аваз ота ролини маҳорат билан ўйнаган Пўлат Носиров, Хадичабону ролини қойиллатиб ижро этган Гулчеҳра Иброҳимбековалардан миннатдормиз.

— «Омонат дунё»ни ҳам бирга ёзганмисизлар?

– Боя айтганимдай ажойиб режиссёр Қаҳрамон Саъдуллаев билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Бир куни Қаҳрамон ака Тилаб акамнинг "Имтиҳон" ҳикояси жуда ёққанлигини, ҳикоядан ёшлар тарбиясига оид, замонавий мавзудаги драматик асар чиқариш мумкинлигини айтиб, шу ишга ундай бошлади. Тилаб Маҳмудовнинг бу иш устида қийналган, сиқилган кунлари ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Одатда, у киши ёзган асар ўзларига ёқмагунча, кўнгиллари тўлмагунча ёзаверадилар, ёзаверадилар. Ижод "тўлғоғи" қийнаб ташласа-да, мақсадларидан қайтмайдилар. Икки бетлик бу ҳикоянинг 42 бетлик драма даражасига етишида ҳам шундай бўлди. Пьесани ўзлари ўқиб берганларида, қувонганимдан ўзимни қўйгани жой тополмай қолдим. Тўғриси, пьесанинг муваффақиятли чиқишига бошда у қадар ишонмаган эдим. Драмани кейинчалик яқин танишларимизга ўқиб бериб, улар фикри асосида яна тўлдирдилар. Бир куни хоналарига кирсам, ўша драма солинган папка устига "Қилмиш-қидирмиш" деб ёзиб қўйибдилар. Менинг ажабланиб қараганимни кўриб, бу шартли сарлавҳа, ҳақиқийси чиқиб қолар, дедилар. "Пайсалга солиб нима қиласиз, – дедим кулиб. – Ҳозир қўйиб қўя қолинг". Сўнгра "Омонат дунё" ҳикоялар тўпламига ишора қилдим. Ахир, сарлавҳа манаман, деб турибди-ку! "Омонат дунё" денг... – дедилар ўйланиб. – Хечқиси йўқ. Ўз ўрнида ишлатилган сўзни минг бор такрорлаш меъдага тегмайди, бу ном пьесада кўтарилган муаммога жуда мос тушади."

Шу тариқа қувониб, асар муаллифи учун қолдирилган жойга иккимизнинг исм-шарифимизни ёзиб қўйдилар. Табиийки, мен бунга қаршилик қилдим. Лекин кўнмадилар. "Бу пьесанинг ёзилишида хизматингиз катта, – дедилар Тилаб акам. – Сиз мен учун ойнасиз. Бу ойнада мен ўзимни кўраман. Гап ёзишда эмас. Фикр ҳам, маслаҳат ҳам, муаллифни тинглаш ҳам, тинглаётгандаги кайфият ҳам ёзувчига таъсир қилади".

— «Ярим аср ёнма-ён» китобида нафақат турмуш ўртоғингиз, балки жуда кўп таниқли инсонлар, рассомлар, санъаткорлар ҳақида ҳам ёзибсиз. Китобга нима асос бўлган?

– Бу китоб аслида менинг 20-30 йил давомида ёзиб юрган кундаликларим акс-садоси. Бир ижодкор сифатида турмуш ўртоғимнинг Тошкентда, Москвада ўқиган, 25 йил Ўзбекистон рассомлар уюшмаси раис ўринбосари бўлиб ишлаган, номзодлик, докторлик диссертациялари ҳимояси, қатор бадиий асарларини ёзиш жараёнидаги кузатувларим, шунингдек, у кишининг юртимизнинг таниқли кишилари билан мулоқотларидан олган таассуротларимга бир нечта дафтар тўлди. Уни аввало фарзанд ва невараларим учун китоб қилмоқчи бўлдим. Китобни ёзиб битиргач, ўқиб чиқсам, у ўзбек маданияти, санъати, драматургияси учун керакли нарсага ўхшаб қолди. Шу тариқа ушбу китоб пайдо бўлди. Китоб чиққанидан бери кунора учрашув. Одамлар бундай асарларга нақадар ташна экан-а, дейман ўзимча. Ва меҳнати қадр топадиган шундай дориломон кунларга етиб келганимиздан фахрланаман ҳам.

— Дилбар опа, турмуш ўртоғингиз билан ярим асрдан ортиқ бирга яшадингиз ва бир-бирингизга бўлган муносабатга кўпчилик ҳавас қилади. Сизлар каби ўзаро иззату ҳурматда нуронийлик остонасига қадам қўйиш учун нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?

– Оила юритиш ҳам санъат. Жамият равнақи оилалар мустаҳкамлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ота-оналар фарзандларини нафақат касб-корга, балки оила тебратиш маҳоратига ҳам ўргатиб боришлари лозим. Ўғил болалар мустақил иш юритадиган, рафиқаси, фарзандлари соғлиғи, фаровон яшаши учун масъулиятни ҳис қиладиган бўлиб вояга етишса, қизларимизни қўлидан иш келадиган, тежамли, саранжом-саришта қилиб тарбияласак, улар келажакда қийналишмайди. Ва энг муҳими, ўзаро муносабатда ҳурматни сақлай билиш лозим. Шунда қолгани ўз-ўзидан яхшиланиб кетаверади.

Суҳбатдош
Муборак МИРКАМОЛОВА.



Комолиддин ТУРАЕВ суратга олган.

Мағзи мевасидан ширин новвотим,
Умрим давомчиси — ўчмас ҳаётим,
Донги дунёларни туттувчи отим,
Орзум рўёбида бор бўл набирам.

Бугун атрофингда барчамиз пойдор,
Эрта Ватан юкин тутмоғинг даркор,
Босган изларингдан этай ифтихор,
Эр йигитлар аро нор бўл набирам.

MAQTANCHOQ AYIQ

(Ertak)

Bir bor ekan, bir yo‘q ekan. Badahshon degan joyda, qalin o‘rmonzorda katta qo‘ng‘ir ayiqpolvon yashar ekan. U juda kuchli,epchil ekan, lekin u doimo men «polvonman», deb maqtanar ekan. Bir kuni u do‘stlarini to‘plab:

– Meni shu yerda kutinglar, sizlarni bir mehmon qilaman! – debdi do‘rillab. Do‘stlari uning saxiyligidan sevinib:

– Nima bilan mehmon qilasan, polvon? – deyishibdi.

– Olib kelganimda ko‘rasizlar, hayratdan og‘zingiz ochilib qoladi, – debdi maqtanib ayiq. Do‘stlarini uzoq kutishibdi. Qorinlari juda ochibdi.

Bir vaqt yuz-ko‘zi shishgan, yunglari hurpayib ketgan «polvon» qup-quruq qaytib kelibdi. Do‘stlari voqeani surishtirishibdi. U bo‘lsa, sir boy bermay:

– Qo‘shni qishloqda bo‘ri qo‘ylarga hujum qilayotgan ekan, men ularni qutqardim, – debdi.

Farosatli ayiqlar uning yolg‘on gapirayotganini bilib, «nega yuz-ko‘zing shishgan?» – deb so‘rashibdi. Ayiq nima deyishini bilmay turgan ekan, birdan bir to‘da ari galasi g‘uvillab uchib kelib, «polvon»ni talay boshlabdi. Do‘stlari voqeaga tushunib, uning qilgan ishidan or qilib o‘rmonga kirib ketishibdi. «Polvon» esa uzoq vaqt arilarga talanib, oxiri o‘zini suvga tashlab zo‘rg‘a qutulibdi va qilgan ishiga pushaymon bo‘lib, do‘stlaridan uzr so‘ragani o‘rmonga kirib ketibdi.

АЁЛИГА ЭЪТИБОРЛИ ЮРТ ФАРЗАНДИМИЗ

Шаҳло Ўринбоевна Аҳророва Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси ғайратли, ташаббускор раҳбар ва ҳассос ижодкор ҳам.

— Ҳурматли Шаҳло Ўринбоевна, бугунги Жиззах, жиззахликлар ҳақида шу тупроқ фарзандининг фикрларини билгимиз келди.

– Ватан – остонадан бошланади, дейдилар. Аслида жиззахликмизми, тошкентликми ёки водийдан, қаерлик бўлишимиздан қатъи назар, биз учун Ватан битта – она Ўзбекистон! Ватанга бўлган муҳаббат, фахр туйғуси – ўз уйингни, маҳалланги, вилоятингни севиш, фахрланишдан бошланади. Тўғриси, Жиззахда бўладиган ҳар бир ўзгаришлар, шу вилоят фарзандларининг ҳар бир ютуғи юрагимни ғурурга тўлдиради.

Мустақиллик байрами арафасида, қолаверса, вилоятимизнинг далатга ғалла топшириш бўйича режасининг бажарилиши муносабати билан ҳамюртларини табриклаш мақсадида ташриф буюрган жиззахлик ижодкорлар кичик гуруҳларга бўлиниб, воҳамизнинг ҳар бир туманида ижодий сафарда бўлдилар ҳамда юртдошларимизнинг қувонч ва ташвишлари билан ўртоқлашдилар.

Шунингдек, вилоятимизда спорт соҳасида эришилган ютуқларга назар ташласак, бугун жаҳон шахмат маликаларидан бирига айланган Юлдуз Ҳамрақулованинг номини эътироф этишнинг ўзи кўнгилга фахр ҳиссини солади. Негаки, Юлдуз Осиё чемпиони деган шарафли ютуқни қўлга киритганида атиги 11 ёшдагина эди холос!

Бир сўз билан айтганда, жиззахликлар лабзи ҳалол, меҳнаткаш ва ғурурли халқдирлар. Ўзбекистон деган гўзал диёрнинг гуллаб-яшнашида жиззахликларнинг ҳамиша ўз ўрнилари бўлишига ишонаман.

— Она, аёл — миллатнинг боши. Юртпарвар, миллатпарвар, ўғлонлар тарбиячиси аёлга эътибордан қониқасизми?

– Дунёнинг ҳеч бир юртида бизнинг мамлакатдаги каби аёлга эътибор йўқ десам муболаға бўлмайди. Биргина мисол, хотин-қизлар қўмитаси раисига ҳоким ўринбосари мақоми берилишининг ўзи – аёлларнинг ҳукумат даражасидаги мавқеи ошганлигидан далолат эмасми? Яна аёлларга сайловларда квота ўринларининг ажратилиши, тадбиркорлик борасида имтиёзли кредитларнинг берилиши, бола парваришида таътил муддатининг узайтирилганлиги, соғлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани – буларнинг бари аслида миллатга бўлган эътибордир. Аёлларга давлатимиз томонидан шу қадар эътибор, имтиёзлар берилаётган экан, бунга нисбатан биз ҳам оила қўрғонининг бекаси, миллат тарбиячиси сифатида муносиб жавоб бера олишимиз керак. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Яқиндагина вилоятимиз пиллакор аёлларининг кам таъминланганларидан 100 нафарига Фориш туманидаги «Бирлашган» сиҳатгоҳида 10 кун мобайнида соғлиқларини тиклаш учун бепул йўлланмалар берилди. Эндиликда эса мазкур сиҳатгоҳга халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган 100 нафар хотин-қизларнинг соғлиқларини тиклаш учун бепул йўлланмалар берилиши режалаштирилмоқда.

— Ҳаммани бахтли қилиш қийин. Аммо фаолиятингиз давомида сиз кўнглингиз ёришиб, кўнглингиз тўлиб, бир инсон тақдирини яхшилик ўзанига бурган ҳолатлар борлигига, кўплигига ишонамиз. Шулар ҳақида сўзлаб беринг.

– Фаолиятим давомида қабулимизга аёллар шунчаки муаммолари билангина эмас, балки дарду сирлари билан ҳам келишади. Уларни минг бир мулоҳазаю, минг истиҳола билан айтишади. Демак, биз уларга сирдош, кўнгилдош бўлишимиз лозим. Бир воқеани сўзлаб берсам. Аниқ эсимда, ҳафтанинг шанба куни, соат 17 лардан ошган. Шу куни кечга мактабда бирга ўқиган синфдошларимиз ва ўқитувчиларимиз билан учрашувимиз бор эди.

Ҳокимиятнинг бир ходими ёнимга келиб, бинога ёнбош ҳовлининг бурчагида бир неча соатдан бери бир қиз турганини, саволларга жавоб бермаётганини ва жуда тушкун ҳолатда эканини айтди. Мен бунга бефарқ бўлолмасдим ва биз у қизни хонага базўр етаклаб кирдик. Гаплашгиси йўқ ёки ичидагини айтолмай қийналаётгани шундоққина сезилиб турарди. Тўғриси, унинг кўнглига йўл топишга бир неча соат вақт кетди. Бу ёқда эса синфдошларим кўнгироқ қилиб чақиришдан чарчашмасди. Мен улардан узр сўрадим-да, ҳалиги қиз билан дилдан суҳбатлашдим. Аниқ бўлишича, қиз қишлоқда бир йигит билан гап-сўз бўлган. Бояқишнинг ота-онаси уни қаттиқ қойишган. Ҳам муҳаббатидан айрилган, ҳам ота-она, қишлоқдошларининг таъна-дашномига чидолмаган қиз уйидан аралаб чиқиб кетибди.

Қизни руҳий тушкунликдан олиб чиқиш ва оиласига қайтаришнинг ўзи бўлмади. Муҳими, қаршимдаги қиз тутган йўли нотўғри эканлигини англади ва уйига қайтди. Мен унга: «Сен ўз одобинг, меҳнатинг, чеварлигинг билан қишлоқда шундай ном қозонгин-ки, ҳалиги йигит сендек қизга уйланмагани учун афсуслар қилсин. Сен эса шаҳзодаларга муносиб бўлгин», – дедим. Орадан уч ой вақт ўтиб, ўша қиз олдимга келди. Айтишича, тикувчилик билан шуғулланаётган ва тиккан буюмларини бозорга олиб чиқаётган экан. Яхши бир йигитга унаштирилибди ҳам.

— Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳарбийларимизнинг яқин ҳамкоридир. Бу ҳамкорлик ҳақида сизнинг мулоҳазаларингиз?

– Ҳарбийларимиз – бизнинг яқинларимиз, иниларимиз, бизнинг жондан азиз фарзандларимиздир. Яна бир томони улар ота-оналаридан йироқда. Уларга она бўлиб, опа ё сингил бўлиб ёнларида турмай бўладими? Бундан ташқари оилали ҳарбийлар бор. Хотин-қизлар қўмитаси эса жойлардаги вакиллари орқали ҳар бир оилага кириб боришлари лозим. Чунки уларнинг кўпчилиги ёш оилалардан иборат бўлиб, қайноналаридан, оналаридан узоқда, гоҳида эса маслаҳатга муҳтож бўлишади, гоҳида ёрдамга, гоҳида эса назоратга. Шу боисдан ҳам хотин-қизлар қўмитаси ва ҳарбийлар ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

— Энг улуғ, энг азиз байрам остонасида амалга оширилаётган эзгу ишлар ҳақида гапириб беринг.

– Вилоят хотин-қизлар қўмитаси республикамиз мустақиллигининг 16 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўз дастурини ишлаб чиққан. Ушбу дастурни ижро этишда хотин-қизлар қўмитасининг давлат ва нодавлат ташкилотлар, тадбиркор, ижодкорлар билан ҳамкорлиги кўзда тутилган. Жумладан, бир туманда «Дўстлик» фестивалини ўтказишни режалаштирган бўлсак, бошқасида «Миллий қадриятлар – мустақиллик пойдевори» мавзусида халқ ўйинлари, яна бирида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижроси юзасидан «Ватан – оиладан бошланади» мавзусидаги тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Айни пайтда тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари 20 нафар кам таъминланган оиланинг никоҳ тўйларини нишонлаш, ёшлар учун июль-август ойларининг шанба кунларида «Шанба оқшомида» байрам концерт дастурларини уюштириш, бадиий гимнастика бўйича вилоят биринчилигини, ўқитувчи аёллар ўртасида «Муаллима – эзгулик элчиси» мавзусида кўрик танловлар ўтказиш каби ишлар режалаштирилмоқда.

«Ватанпарвар» мухбири
Инобат ИБРОҲИМОВА
суҳбатлашди.

30 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Тахлилнома».
8.50 Олтин мерос.
8.55 1. «Бор экан-да, йўқ экан».
2. «Қундуз амакининг қиссалари».
10.45 «Ҳаёт манзаралари».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тилларанг рипталар жозибаси».
11.30 «Одами эрсанг...»
11.50, 12.55 «Пири коинот». Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли.
13.45 Вилоят наволари.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Ватанпарвар».
16.10 «Самарқанд — 2750».
16.15 «Юрт меҳри».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Ўзбекистон қўриқхоналари». 1-қисм.
17.50 «Марғилон — 2000».
17.55 «Оҳанглар оғушида».
18.05 «Фанга бахшида умр». О. Акромхўжаев. 1-қисм.
18.25 «Ошин». Телесериал
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Юртим кишилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси (Туркия).
21.00 «Ахборот».
21.40 «Шарқ тароналари».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Телесериал премьераси (Корея).
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Кавингтон Кросс». Сериал.
24.00 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури.
00.30 «Чемпион сирлари».
00.50 «Самарқанд — 2750».
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.35 «Гариблар». Спектакль.
03.35 «Шарқ тароналари».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ-анонс.
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 Миллий сериал: «Жалолиддин Хоразмшоҳ». 1-қисм.
05.45 Тонги наволар.

ЁШЛАР

12.55 Дастурнинг очилиши.
13.00 «Давр ҳафта ичида».
13.30 Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига: «Сеҳрли қўллар».
14.00 Миллий кино: «Шум бола».
15.30 «Ватаним!»
15.35 «Чемпион сирлари».
15.55 «Иқлим».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Якшанба нонуштаси».
16.40 «Journal» (инглиз тилида).
17.00 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
17.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: «Истиқбол тимсоллари».
18.00 Миллий сериал: «Увайсий».
18.45 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида).
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
20.10 «UzEX хабарлари».
20.15 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
20.20 «ТВ-банк».
20.30 «Ёшлик наволари».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Сериал.
21.40 Ижтимоий ҳимоя йилига: «Матонат».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Сериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.25, 20.15 «ТВ-юрист».
19.30 «Мусиқа-SMS».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 Голубая планета: «Побережье».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Уйларим».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 «Открытый простор». 1-я серия.
23.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин». Информационно-таҳлилий кўрсатув.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
9.55 «Анонс».
10.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
10.30 «15-А» (Академия тенниса). Сериал.
10.55 «Мониторинг».
11.10 Спортивная гимнастика. Этап Кубка мира.
18.00 «Болалар спорти».
18.20 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Жди меня».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.45 «ПрофРИНГ».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Футбол шарҳи.
22.10 Спортивное кино: «Экстремалы». Художественный фильм.
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

31 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 1. «Ўйла! Изла! Топ!»
2. «Қундуз амакининг қиссалари».
9.45 «Эзгулик».
10.05 «Самарқанд — 2750».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Кавингтон Кросс». Сериал.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 «Шахсий фикр».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45, 17.15 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Шарқ тароналари».
15.30 «Заковат».
16.20 «Ўзбекистон қўриқхоналари». 2-қисм.
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.25 «ИИВ хабарлари».
17.40 «Марғилон — 2000».
17.50 «Ҳудудлар ҳаёти».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Фанга бахшида умр». О. Акромхўжаев. 2-қисм.
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Ошин». Телесериал. (Якунловчи қисм).
19.10 «Банк ва бизнес янгиликлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Бунёдкорлик».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Кавингтон Кросс». Сериал.
24.00 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Бухоролик чемпионлар».
00.30 «Қишлоқ ҳаёти».
00.50 «Самарқанд — 2750».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Янги кун».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «KINOMANIYA».
03.40 «Истеъдод».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 «Жалолиддин Хоразмшоҳ». 2-қисм.
05.45 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Болалар табассуми».
9.20 «Муҳаббат ва эҳтирос».
9.55 «Иқлим».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: «Истиқбол тимсоллари».
10.30 «Камолот» хабарлари.
10.40 «Интерфутбол».
12.10 «Ишкомли уй». Сериал.
12.50 «ТВ-банк».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Сериал.
15.55 «Иқлим».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Таълим ва тараққиёт».
16.35 «Замонлар оша келажак сари».
16.40 «Меъёр — соғлик гарови».
17.00 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
17.50 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
18.00 Миллий сериал: «Увайсий».
18.45 «Мумтоз наво».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.20 «Ҳаёт сўқмоқлари».
20.40 «Ватаним!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Сериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «Пиратские острова». 1-я серия.
9.55 «Аёл қалби».
10.10, 11.35, 19.25 «ТВ-юрист».
10.40 «Уйларим».
10.45 «Интервью».
10.55 «Саломат бўлинг».
11.05 «Туризм ҳақида».
11.45 «Открытый простор». 1-я серия.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.50 «Ҳимоя».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Природа Австралии».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Уйларим».
22.10 «Моржўр изидан».
22.50 «Открытый простор». 2-я серия.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «15-А» (Академия тенниса). Сериал.
10.45 «Болалар спорти».
11.00 Велоспорт. Тур де Франс.
11.30 Халқаро спорт: «Теннис».
18.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. 1/4 финал «Қурувчи» — «Андижон». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Хабарлар» (рус тилида).
19.50 «Мусиқий тайм».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 «Тумарис». Послесловие.
21.10 «Спорт — менинг ҳаётим».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 На экране детектив: «Подруга особого назначения». Художественный фильм. 1-я серия.
23.20 Еврофутбол. Эмирейтс кубоги. «Арсенал» — «Пари Сен Жермен».
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

1 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 1. «Олтин тож». Телеўйин.
2. «Қундуз амакининг қиссалари».
9.55 «ИИВ хабарлари».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Самарқанд — 2750».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Кавингтон Кросс». Сериал.
12.05 «Одамлардан бири».
12.25 «Дунё манзаралари».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45, 17.15 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Бунёдкорлик»
15.30 «50/50». Ток-шоу.
16.20 «Шарқ тароналари».
16.30 1. «Бизнинг кутубхона».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Марғилон — 2000».
17.45 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Мен туғилган юрт».
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Аёл эрки». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Ватан фидойилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека».
21.00 «Ахборот».
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Бунёдкорлик».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.10 «Кавингтон Кросс». Сериал.
24.00 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури.
00.30 «Бунёдкорлик».
00.50 «Самарқанд — 2750».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Янги кун».
03.00 «Ватанпарвар».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 Миллий сериал. 3-қисм.
05.35 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Болалар табассуми».
9.20 «Муҳаббат ва эҳтирос».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 Таътил туҳфаси: «Такилар оиласи».
11.45 «Самарқанд — 2750 ёшда!»
11.50 «Эрта сўнган юлдузлар».
12.10 «Ишкомли уй». Сериал.
12.50 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Сериал.
15.55 «Иқлим».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Матонат».
16.35 «Тасвир ва таассурот».
Александр Волков.
16.50 Ижтимоий ҳимоя йилига: «Мурувват».
17.00 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
17.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: «Истиқбол тимсоллари».
18.00 Миллий сериал: «Увайсий».
18.45 «Мумтоз наво».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
20.10 «СПОРТЛОТО».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Ватаним!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Сериал.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «Пиратские острова».
9.55 «Ҳимоя».
10.05, 10.50, 19.25 «ТВ-юрист».
10.30 «Репортаж».
10.45 «Уйларим».
11.00 «Открытый простор». 2-я серия.
17.55 Мультфильм.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Природа Австралии».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Уйларим».
22.10 «Беллашув». Телефильм.
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 «Отскок».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «15-А» (Академия тенниса). Сериал.
10.45 «Болалар спорти».
11.00 «Спортклуб».
11.15 Пляжный волейбол. Чемпионат мира. Женщины. Полуфинал.
11.45 Автоспорт. Гран-при.
17.30 «Тет-а-тет».
17.45 Футбол. Ўзбекистон кубоги. 1/4 финал «Пахтакор» — «Самарқанд-Д». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Хабарлар» (рус тилида).
19.30 «Мусиқий тайм».
19.45 «Гейм-Сет-Матч».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 «Иқтидор».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Подруга особого назначения». Художественный фильм.
23.20 Еврофутбол. Эмирейтс кубоги «Арсенал» — «Интер».

2 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Бинафшаранг шар». Фильм.
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Кавингтон Кросс». Сериал.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.10 «Самарқанд — 2750».
12.15 «Қоядаги расмлар».
12.25 «Замонавий ўзбек мусиқаси». Н. Гиёсов.
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45, 17.15 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Бунёдкорлик».
15.30 «Оҳанрабо».
16.10 «Тарих кўзгуси».
16.30 1. «Болалар дунёси».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.20 «Имконият».
17.40 «Шифокор қабулида».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Марғилон — 2000».
18.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Мен туғилган юрт».
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Аёл эрки». Телесериал.
19.15 «Юртим кишилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Кавингтон Кросс». Сериал.
24.00 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Шаҳрихон».
00.35 «Муқаддас қадамжолар».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Янги кун».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «Одамлардан бири».
03.30 «Назм ва наво».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот».
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 Миллий сериал: «Жалолиддин Хоразмшоҳ». 4-қисм.

ЁШЛАР

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Болалар табассуми».
9.20 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
9.55 «Иқлим».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 Таътил туҳфаси: «Бемби-1».
11.30 «KINOMANIYA».
12.00 «SMS-мусиқа».
12.10 «Ишкомли уй». Сериал.
12.50 «Латофатли Бухоро». Ҳужжатли фильм.
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Сериал.
15.55 «Иқлим».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Автопатруль».
16.40 «Чемпион сирлари».
17.00 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
17.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: «Истиқбол тимсоллари».
18.00 Миллий сериал: «Увайсий».
18.45 «Мумтоз наво».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
20.10 «Рўзғор мактаби».
20.40 «Ватаним!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Сериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «Пиратские острова».
9.55 «Муқаддас қадамжолар».
10.05, 10.50, 19.25 «ТВ-юрист».
10.30 «Интервью».
10.45 «Уйларим».
11.00 «Отскок».
17.55 Мультфильм.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.50 «Иқтисод-ревю».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Природа Австралии».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Уйларим».
22.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига: «Келажакка интилиб».
22.50 «Обмануть всех». Фильм.

СПОРТ

Супер Гран-при.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Вилоят спорти» (Самарқанд вилояти).
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 Футбол. Ўзбекистон кубоги. 1/4 финал. «Насаф» — «Нефтчи».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 «Путешествия натуралиста».
21.15 «Шарқ яккакурашлари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 На экране комедия: «Кто когда ест». Художественный фильм.
23.20 Еврофутбол.
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

3 АВГУСТ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Қундуз амакининг қиссалари».
9.40 «Табаррук замин».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Самарқанд — 2750».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Кавингтон Кросс». Сериал.
12.05 «Навбаҳор».
12.25 «Рақснинг сеҳрли олами».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45 «Зилол». Фольклор қўшиқлари.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 Жаҳон опера санъати юлдузлари. М. Раззоқова.
16.00 «2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили». «Эъзоз».
16.20 «Меҳр кўзда».
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: «Саломатлик» дастури.
17.35 «Зомин илҳомлари».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Минг бир ривоят».
18.20 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
18.40 «Аёл эрки». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Ватан фидойилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Янги оҳанглар».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Кавингтон Кросс». Сериал.
24.00 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.20 «Фасли ёз».
00.30 «Дунё таомлари».
00.50 «Самарқанд — 2750».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Янги кун».
03.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 Миллий сериал.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Болалар табассуми».
9.20 «Муҳаббат ва эҳтирос».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 Таътил туҳфаси: «Бемби-2».
11.25 «Самарқанд — 2750 ёшда!»
11.30 «Имом ал-Бухорий». Ҳужжатли фильм.
11.45 «Замонлар оша келажак сари».
11.50 «SMS-мусиқа».
12.10 «Ишкомли уй». Сериал.
12.50 «Мурувват».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Сериал.
15.55 «Иқлим».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Интерфутбол».
17.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: «Истиқбол тимсоллари».
18.00 Миллий сериал: «Увайсий».
18.45 «Сифат белгиси».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
20.10 «Радиодан кўрсатамиз!»
20.20 «Ёшлик наволари».
20.40 «Ватаним!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Сериал.
21.35 «Дунё таомлари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 Жаҳон киноси: «Қилмишқидирмиш».
00.30 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «Пиратские острова».
9.55 «Келажакка интилиб».
10.10, 11.05, 19.25 «ТВ-юрист».
10.40 «Уйларим».
10.45 «Иқтисод-ревю».
10.55 «Интервью».
11.15 «Обмануть всех».
17.55 «Афиша».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Природа Австралии».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Уйларим».
22.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига: «Маърифат фидойилари».
22.50 «Бесшумно летящий воин».

СПОРТ

11.45 «Спорт салтанати».
12.05 «Аптека слушает».
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Поле чудес».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 Енгил атлетика. Супер Гран-при.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Майкл Дутлас в остросюжетном фильме «Игра».
24.00 Футбол. Кубок РЖД. «Локомотив» (Москва) — «Реал» (Мадрид). Прямая трансляция.
2.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

4 АВГУСТ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Шифокор қабулида».
9.20 «Ҳидоят сари».
9.40 1. «Чинсен». 2. «Маўрит».
10.20 «Уч бека». Телесериал.
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Кавингтон Кросс». Сериал.
12.10 «Интеллектуал ринг».
12.55 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.50 «Дил таронаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Хонадон».
14.45 «Мимино». Бадиий фильм.
16.10 «Меҳр кўзда».
«Болалар сайёраси»:
16.50 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.45 «Минг бир маслаҳат».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Саломатлик сирлари».
18.40 «Аёл эрки». Телесериал.
19.10 «Минг бир ривоят».
19.15 «Сутурта оламида».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.00 «КиноТеатр».
22.25 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.35 «Лола лақабли шуңқор». Бадиий фильм.
00.10 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.20 Кўрсатувлар дастури.
00.25 ТВ-анонс.
00.30 «КиноТеатр».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
03.00 «Оҳанрабо».
03.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кўпкари».
03.50 «Самарқанд — 2750».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ-анонс.
04.35 Миллий кино: «Насриддиннинг саргузаштлари».
05.50 Тонги наволар.

ЁШЛАР

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Болалар табассуми».
9.20 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
9.55 «Иқлим».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 Таътил туҳфаси: «Лэсси».
11.50 «SMS-мусиқа».
12.10 «Ишкомли уй». Сериал.
12.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: «Истиқбол тимсоллари».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Ер сайёраси». Илмий-оммабоп фильм.
15.55 «Иқлим».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 Таътил туҳфаси: «Терабития мамлакати сари».
17.45 «Ёшлар симфонияси».
18.00 Миллий сериал: «Увайсий».
18.45 «Каталог».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Эверест». Интеллектуал ток-шоу.
20.10 «Дилроз». Дилшод Раҳмонов.
20.40 «Ватаним!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Сериал.
21.40 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
21.50 «Оқшом кўшироқлари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 Жаҳон киноси: «Учар ханжарлар макони».
00.35 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 Дни детских каникул.
10.55 «Уйларим».
11.00, 12.55, 19.25 «ТВ-юрист».
11.05 «Маърифат фидойилари».
11.40 «Нима учун?»
12.25 «Саломат бўлинг».
12.35 «Репортаж».
12.45, 17.55 «Афиша».
13.05 «Бесшумно летящий воин».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Природа Австралии».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Уйларим».
22.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига.
22.50 «С глаз — долой, из чарта — вон».

СПОРТ

Ярмольник в фильме «Перекресток».
18.00 «Жасур болалар».
18.30 Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Военное дело».
19.10 «Файзли ошхона».
19.35 «Мусиқий тайм».
19.50 Фоторевю.
20.10 «Юлдузли матч».
20.25 «Стиль».
20.40 «Розыгрыш».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 SMS-РИНГ.
22.20 SMS-комедия.
23.45 Еврофутбол.
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

5 АВГУСТ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Кўк қуш». Бадиий фильм.
10.25 «Саломатлик сирлари».
10.45 «Уч бека». Телесериал.
11.25 «Бозор кўрмаган йигит». Видеофильм.
12.45 «Оҳанрабо».
13.25, 14.35 «Табиб».
15.35 «Қорақалпоқ наволари».
15.50 «Минг бир ривоят».
15.55 «Тугилган кун». Видеофильм.
16.20 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
17.10 ТВ-анонс.
17.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
18.15 «Одами эрсанг...»
18.40 «Оҳанглар оғушида».
18.50 «Мозий сирлари».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 ТВ-анонс.
20.10 Олтин мерос.
20.20 «Денгиздан томчи».
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ-анонс.
21.50 «Кўҳна оҳанглар». Тожибар Азизова.
22.10 «Заковат».
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.15 «Бердель». Бадиий фильм.
00.35 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.45 Кўрсатувлар дастури.
00.50 ТВ-анонс.
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур (рус.).
01.30 Олтин мерос.
01.40 «Замона дурдонаси».
02.10 «Заковат».
03.05 «Денгиздан томчи».
03.35 «Кўҳна оҳанглар».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур.
04.40 ТВ-анонс.
04.45 Миллий кино: «Интеграл».
05.50 Тонги наволар.

ЁШЛАР

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 Миллий кино: «Суюнчи».
8.10 «Дунё таомлари».
8.30 «Болалар давраси».
9.00 «Якшанба нонуштаси».

ЖАННАТ ЮРТНИНГ ФУҚАРОСИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аслида ҳар бир давлат ўз фуқароларининг манфаатларини ҳатто, бошқа юртда бўлган тақдирда ҳам ҳимоя қилиши, ҳомийлик қилиши лозим. Ўз навбатида фуқаролар давлат қонунлари ва қоидаларига риоя қилишлари керак.

Дунё тажрибасига кўз ташлайдиган бўлсак, фуқароликка икки йўл билан қабул қилинади. Булар филиация ва натурализация дейилади. Туғилиш асосида, яъни филиация асосида фуқароликка қабул қилишда икки хил қоида мавжуд. Уларни «қон ҳуқуқи», «тупроқ ҳуқуқи» дейишади. «Қон ҳуқуқи» дея номланувчи қоида шу давлатнинг фуқароларидан туғилганларга нисбатан қўлланилади. Таъкидлаш лозимки, бунда фуқаронинг қайси давлат ҳудудида туғилгани муҳим эмас. Содда қилиб айтганда, она Ватани, ота юрти қалбида юраги билан уриб тургани учун ҳам у шу замин фарзанди, шу давлат, юрт фуқароси. «Тупроқ ҳуқуқи» эса фуқаролигидан қатъи назар, агар шахс мазкур давлат ҳудудида туғилган бўлса, унда у ўша давлатнинг фуқароси сифатида тан олиниши мумкин.

Натурализация эса мамлакатда яшаб келаётган шахснинг фуқароликни олиш тўғрисидаги шахсий илтимоси билан боғлиқ.

Яхши биламиз, Бош Қомусимиз бўлган Конституциянинг олтинчи боби «Фуқаролик» дея номланган. Жумладан, мазкур бобнинг 21-моддасида шундай ёзилган: «Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларга эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир».

Ёки бўлмаса 22-моддада «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди», дейилади.

Хўш, давлатимиз ўз фуқароларини ҳимоялаш учун қонуний асослар яратиб қўйган экан, бизнинг бунга жавобимиз, масъулиятимиз қандай бўлмоғи керак? Келинг, шу ўринда фуқаролик масъулияти борасида бироз фикрлашиб олайлик.

Ҳар бир балоғатга етган онгли фуқаро қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, Асосий Қонунимизда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланар экан, унга жавобан фуқаролик масъулиятини ҳам ҳис этиши керак. Фуқароларимизда фуқаролик масъулияти қанчалар устувор бўлса, мамлакатимиз ривожланади, халқлар ўртасидаги дўстлик, жипслик ришталари шунчалар мустаҳкамланади. Аниқ мисолларга юзлансак.

Танишим ўз вақтида дунёга номи машҳур бўлган спортчиларимиздан бирига катта маблағ эвазига хорижликлар «харидор» бўлишганини, уларнинг фуқаролигини қабул қилиб, мамлакати шарафини ҳимоя қилишини таклиф қилганини айтди. Қаранг, бу ўғлон миллати ўзбек бўлмаса-да, Ўзбекистон фуқароси номига, жаннатмакон юртига содиқ қолган. «Мен Ўзбекистонда туғилиб, ўсганман. Ўзбекистонимни Ватаним деганман. Унинг шони-шарафини ҳимоя қилиш мен учун фарз», қабилидаги жавобни берган. Ёки бўлмаса Ўзбекистон номини дунёга янада кенг ёйган боксчимиз Руслан Чагаевни олайлик. Ватанини севган, Ўзбекистон фуқароси деган юксак номни баланд кўтариб юргани оламшумул ғалабасида намоён бўлди. Бундайин ватанпарварларимизнинг қалбида «Мен ўзбекистонликман, Ўзбекистон фуқаросиман», деган юксак ғурур, шараф устувор. Мана фуқаролик масъулияти, мана миллий ғурур. Ана шундайин руҳда камол топадиган авлод, миллат ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.

«Ватаний ахлоқнинг юксак бўлиши миллий бирликнинг асосидир. Чунки Ватан деб устида ўтирганимиз оддий бир тупроқ эмасдир. Ватан, миллий маданият деган нарса шундайки, устида ўтирганимиз тупроқ унинг ёпинчиғидир. Ва у ёпинчиқ бўлгани учун ҳам муқаддасдир. Демак, Ватаний ахлоқ миллий мафкуралардан, миллий вазифалардан таркиб топган бир ахлоқдир», деган эди тарихчи олимлардан бири. Эътибор бериб қарасангиз, бу гапларнинг замирида ҳам таъкидланаётган фуқаролик масъулияти ётади. Биз фуқаролигини олган давлатга садоқат билан хизмат қилиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, бу билан фахрланиш кераклигига даъват бор, бу гапларнинг замирида. Ҳа, айнан миллий бирдамликни кучайтиришимиз учун фуқаролик масъулиятини, демакки, ватаний ахлоқни шакллантириш талаб этилади.

Истиқлолга эришилгандан сўнг Президентимиз бошчилигида одилона ва оқилона ички миллий сиёсат юритилаётгани сабабли халқимизда фуқаролик масъулияти ҳам ривожланиб бормоқда. Бу айниқса, раҳбар кадрларга бўлган талабларда яққол кўзга ташланяпти. Яъни миллатига қараб эмас, давлат ва халқ манфаатини устувор қўйиши, сиёсий ва маънавий етуклиги каби омилларга урғу берилмоқда. Бир сўз билан айтганда, фуқаролик масъулияти кучли инсонларга эътибор қаратиляпти.

Шу ўринда фуқароларимизнинг Конституциямиз, қонунларимиз билан белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва мажбуриятларига ҳам тўхталсак. Хусусан, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишлари, бошқа кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашларига, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари, қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишлари кераклиги айтиб ўтилган. Юрт ҳимояси йўлида ҳаттоки, жонини фидо қилган ўғлонларимиз – Бобуржон Ғаниев, Сайёр Садинов, Алишер Салимов, Маъруфжон Ражабов каби марду майдонларимизни кўз олдимизга келтирар эканмиз, улардаги юксак фуқаролик масъулияти– ватанпарварлик туйғуси бизни янада улуғвор ишларга чорлайди.

Токи «мен шу юрт фарзандиман, шу юрт фуқаросиман», деган фахр, ғурур қалбимизда уйғоқ экан, дунёга Ўзбекистон бўлиб айтадиган сўзларимиз ҳали кўп.

Майор Алижон САФАРОВ.

АВИАКОМПАНИЯ ЁРҚИН УФҚЛАРНИ КЎЗЛАМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бунинг учун ҳаво кемалари парки янгиланди, Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатишнинг замонавий базаси ташкил этилди, аэропортлар реконструкция қилинди ва бутун Ўзбекистон ҳудудида МДҲда ҳаво қатновини бошқаришнинг энг яхши тизимларидан бири ҳисобланган навигация тизими такомиллаштирилди. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича компаниянинг ўз базаси яратилди, авиация хавфсизлигининг самарали тизими ишлаб чиқилди. Ушбу долзарб вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши Ўзбекистоннинг жаҳон авиатранспорт тизимига қўшилиши ва унинг тенг ҳуқуқли аъзоларидан бирига айланиши учун имкон яратди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» ўз фаолияти давомида парвозлар хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлаш соҳасида бир неча бор нуфузли мукофотларни қўлга киритди. Бу, аввало, Ўзбекистоннинг фуқаро авиацияси соҳасида танлаган стратегиясининг тўғрилигини исботлайди. Истиқлолимизнинг 16 йиллик тўйи арафасида ўтказилган, 2007 йил биринчи ярим йиллиги натижалари сарҳисоб қилинган йиғилишда шулар ҳақида батафсил гапирилди.

Авиакомпания матбуот хизматининг маълумотларига кўра, ўтган олти ой мобайнида 11069 та ҳаво қатнови амалга оширилган. Бу 2006 йилнинг шу даврига қараганда 409 тага кўпдир. Йўловчиларни ташиш 16, юк ташиш 19,4 фоизга ўсди.

Янги йўналишларни очиш бўйича аниқ йўналтирилган ишлар ҳам давом эттирилмоқда. Масалан, 2007 йилнинг олти ойида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Сочи ва Қоҳирага мунтазам парвозларни амалга ошира бошлади. Нью-Йорк, Тель-Авив, Бангкок, Бишкек, Санкт-Петербург, Самарқанддан Санкт-Петербург ва Москвага парвозлар сони кўпайтирилди. Термиздан Москвага ҳаво қатнови йўлга қўйилди. Тошкент-Ашхабод, Тошкент-Киев ва Тошкент-Симферополь авиайўналишлари бўйича парвозлар сонини кўпайтириш имкониятлари кўриб чиқилмоқда. Яқин вақт ичида Тошкент-Милан (Италия) йўналиши бўйича илк парвоз амалга оширилади.

Бундан ташқари, электрон чипталар тизимини жорий этиш истиқболдаги муҳим вазифа ҳисобланади. Авиакомпания 2008 йил бошида электрон тикетингни жорий этишни режалаштирмоқда. Бунинг учун ҳозир жаҳон авиаташишларни сотиш тизимларида «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг тўғридан-тўғри йўналишлари бўйича мавжуд барча тарифлар чоп этилган.

Жорий йилнинг биринчи ярим йили "Uzbekistan Airways Technics" авиакорхонаси учун ҳам самарали бўлди. Италиянинг "Air Italiy" авиакомпаниясига тегишли Боинг-757 самолётига илк бор техник хизмат кўрсатилди. Таъмирлаш ишлари сифати ва муддати италиялик мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Буни бемалол авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича Ғарбий Европа бозорига кириш дея ҳисоблаш мумкин. 2007 йилнинг биринчи ярмида "Uzbekistan Airways Technics" Ғарбда ишлаб чиқарилган техникага техник хизмат кўрсатиш маркази ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини 102,7 фоизга бажарди.

Жорий йил миллий ташувчилар учун аҳамиятли бўлди. Май ва июнда "Боинг" авиация-космик корпорацияси билан иккита "Driamliner" Боинг-787 самолёти ва "Эрбас Индастри" консорциуми билан олтита А-320-200 лайнерини сотиб олиш тўғрисида шартнома имзоланди. Миллий авиакомпания ҳаво кемалари паркини унификация қилиш дастурини амалга ошириш борасида ҳам дастлабки ишлар бажарилди. Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётлардан ташқари ўзимизнинг Ил-114-110 лайнерларини сотиб олиш режалаштирилмоқда. Йил охирида «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти авиакомпанияга "Коллинз" фирмасининг энг янги авионикаси ўрнатилган дастлабки иккита машинани етказиб беради.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бош директори Валерий Тяннинг сўзларига қараганда, авиакомпания парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз халқ хўжалиги ва аҳолисининг йўловчилар ҳамда юкларни ташиш борасидаги эҳтиёжини тўлиқ ва ўз вақтида қондиришга жиддий эътибор қаратишни давом эттиради. Шу билан бирга, техник ва таъмирлаш базасини яхшилаш, авиакомпаниянинг жаҳон авиаташишлар бозорида эгаллаган ўрнини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, юқори малакали кадрлар тайёрлашга ҳам катта аҳамият беради.

Истеъмолчилар эҳтиёжини тўлиқ қондириш ҳар қандай авиаташувчининг устувор вазифаларидан биридир. Авиакомпаниямиз йўловчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатишни кафолатлайди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" жамоаси Ўзбекистон авиациясининг эртанги уфқлари ҳақида қайғурмоқда. Бу борада компанияни 2010 йилгача ривожлантириш бўйича махсус режа қабул қилинди. Йўловчилар учун қулайликлар ва парвозлар хавфсизлигини оширишга қаратилган кенг кўламли таклиф ҳамда хизматларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

ТАДБИРКОРЛИК – ҚУДРАТИМИЗ, ЗАКОВАТИМИЗДАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу айни ҳақиқатдир. Мамлакатимиз ривожига улкан ҳисса қўшиб келаётган мана шундай йўналишлардан бири бу – тадбиркорлик. Давлатимиз раҳбари 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш лозимлигини энг муҳим устувор масала сифатида қайд этиб ўтганлиги бежиз эмас.

Ўз даврида ота-боболаримиз ҳар жабҳада тадбиркорликлари билан асрлар давомида дунёга танилиб келишган. Айни дамда бу юртнинг нафақат эрлари, балки зукко ва меҳнаткаш аёллари ҳам ишбилармон ва тадбиркор эканликларини дунёга намойиш этишмоқдаки, ушбу мақоламизда шу хусусда тўхталишни лозим топдик.

Суҳбатимиз тадбиркорлик ҳақида экан, келинг, аввало унинг моҳиятига қисқача таъриф бериб ўтайлик.

Тадбиркорлик ғоятда мураккаб йўналиш бўлганлиги учун махсус истеъдод, тайёргарлик ва тажрибани талаб этади. Балки шу сабаб, ер юзида тадбиркорлик билан аҳолининг 8-10 фоизигина шуғулланади, холос. Ўзбекистонда ушбу жабҳа тарихан кўҳна ҳодиса ҳисобланса-да, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ўтказилган ислоҳотлар натижасида 1990 йиллардан бошлаб хусусий тадбиркорлик ривожлана бошлади. Шубҳасизки, бу жараёнга мустақиллигимиз, яъни ўз эркимиз, ўз мулкимизга ўзимиз эгалик қилишимиз кенг йўл очиб берди. Шунга асосан мамлакатимизда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичидан бошлаб тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантириш тўғрисида қабул қилинган бир қатор қонунлар, Президентимизнинг 2003 йилда «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони республикамизда бозор иқтисодиётининг асосий таянчи бўлган тадбиркорлар тоифасини шакллантиришга асосланган ҳуқуқий базани яратди. Мана шу улкан жараёнда юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мустақил юрт иқтисодиётини оёққа қўйиш, тиклаш учун элимизнинг ишбилармон аёллари ҳам тадбиркорлар сафидан муносиб жой эгаллай бошлади. Шу муносабат билан 1991 йилда «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси (ЎзИАА) ташкил этилди.

У Марказий Осиёдаги дастлабки аёллар нодавлат нотижорат ташкилотларидан бири ҳисобланиб, унинг мақсади мамлакатимиздаги аёлларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда ҳимоялаш, уларнинг тадбиркорлик ва жамоат ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, молиявий, таълим ахборот ресурсларидан фойдаланишни таъминлашга кўмаклашишдир. ЎзИААнинг олдига қўйган вазифаларига тўхталадиган бўлсак, бу эзгу вазифалар юртимиз аёлларининг яратувчанлик, ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқариш, тадбиркорлик жабҳасида фаол иштирок этишлари учун ҳақиқий таянчдир. Бу вазифалар: аёлларнинг бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш; ўзаро ишонч ва ишбилармонлик ҳамкорлиги иқлимини мустаҳкамлаш; инновация таълим дастурларини жорий этиш; қайта ўқитиш ва малакасини ошириш йўли билан аёлларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш; аёлларнинг иқтисодий-ижтимоий имкониятларини яхшилашнинг институционал юридик механизмини барпо этиш; тадбиркор аёлларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш; Марказий Осиё ва МДҲда аёллар, бизнес, нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида иқтисодий ва маданий интеграцияга кўмаклашиш каби юксак мақсадлардан иборат.

> МУСТАҚИЛ ЮРТ ИҚТИСОДИЁТИНИ ОЁҚҚА ҚЎЙИШ, ТИКЛАШ УЧУН ЭЛИМИЗНИНГ ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАРИ ҲАМ ТАДБИРКОРЛАР САФИДАН МУНОСИБ ЖОЙ ЭГАЛЛАЙ БОШЛАДИ.

Ҳозирда ЎзИААнинг фаолияти кенг қулоч ёйган бўлиб, барча вилоят, шаҳар ва туманларда ўз бўлимлари катта ўрин тутди. Ҳозирда ташкилотимизга 12 минг тадбиркор аёл аъзо сифатида бирлашган бўлиб, улар шу кунга қадар 200 дан зиёд халқаро конференцияларда, ривожланган давлатларда ўтказилган 13 дан ортиқ кўргазмаларда иштирок этишди. ЎзИААнинг вазифаси фақатгина тадбиркор аёллар билан ишлаш эмас, балки юртимиздаги ҳар бир аёлнинг жамиятда ўрин топишида, иқтидорини юзага чиқаришда таянч бўлишдир. Бу борада ўзига хос ютуқларга ҳам эришиб улгурдик. Ҳозиргача 40 минг нафар аёл касбий кўникмаларга ўқитилиб, 80 фоизи ишга жойлаштирилди, кўплари касаначилик меҳнати билан банд. 30 минг нафар аёл бизнес кўникмаларига ўқитилди. Мана шулардан 75 фоизи ўз бизнесига эга. Тўрт минг нафар аёлга эса етакчиликдан таълим берилди. Умуман олганда, биз ўттиздан ортиқ йўналиш бўйича касбга ўқитиш имкониятига эгамиз. Энг асосийси, булар бепул амалга оширилади. Биз 2001–2006 йиллар давомида ЎзИААни барқарор ташкилот сифатида шакллантириш, аёлларни муҳим қарорлар қабул қилиш даражасигача кўтариш ва уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш орқали бизнесни ривожлантириш учун барқарор иқтисодий муҳитнинг шаклланишига эътибор қаратдик.

Шу йиллар ичида ташкилотимиз халқаро эътирофга ҳам эга бўлиб улгурди. 2000 йилда «Энг яхши шериклик лойиҳаси» номинацияси бўйича БМТнинг UNIFEM халқаро мукофоти, 2005 йилда «Касбга ўқитиш ва микрокредитлаш орқали аёлларнинг иқтисодий мақомини оширишга кўмаклашиш бўйича HABITAT халқаро мукофоти, 2006 йилда «Иш ўринларини ташкил этиш ва касбий таълим бериш» номинацияси бўйича AGFUND мукофотларини олишга муваффақ бўлдик.

Ташкилотимиз фаолияти тўғрисида узоқ тўхталиш мумкин. Айни дамда турли давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ўсмир ёшларининг касбий ва бизнес таълим олишини таъминлаш йўли билан имкониятларини кенгайтиришга, уларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий мақомини оширишга кўмаклашиш, аёлларни касбий ва бизнес кўникмаларига ўқитиш, уларга молиявий ресурслар бериш, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда аёлларнинг ролини ва мақомини оширишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳар бир ҳаракат, ҳар бир интилишимиз миллатимиз аёлларининг иқтидори, яратувчанлик қобилиятини юзага чиқариш орқали мустақил Ватанимиз ривожига ҳисса қўшишдир.

Ҳа, ҳозирда ЎзИААнинг республикамизда 14 та минтақавий, 96 та туман бўлимлари мавжуд бўлиб, булар барча соҳаларда, турли жабҳаларда фаолият юритиб келаётган тадбиркор аёлларга ҳар томонлама таянч бўлиб келмоқда. Тадбиркорларнинг халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, юксак эътирофга сазовор бўлишганини эшитиб, дилдан фахрландим. Ўзбек аёлларининг улкан ишларга қодирлиги қалбимни ғурурга тўлдирди. Бу – ишбилармон, тадбиркор аёлларимизнинг, уларга етакчилик қилиб келаётган ЎзИААнинг эришиши лозим бўлган юксак муваффақиятларининг дебочаси, албатта.

Зулфия НОСИРОВА.

НАРКОМАНИЯ – ВРАГ ЗДОРОВЬЯ

Стремительное распространение наркомании во всем мире, особенно в последнее десятилетие, вызывает сегодня весьма серьезные опасения. Вовлечению в процесс потребления наркотиков и различного рода одурманивающих веществ в последнее время стало интенсивно подвергаться не только городское, но и сельское население. Как показывают проведенные социологические исследования, более половины потребителей наркотиков – это подростки и молодежь в возрасте до 25 лет, возрастной порог наркотизации которых постепенно снижается.

Возможность решения любой проблемы предполагает прежде всего знание ее изнутри, наличие достаточной и достоверной информации обо всех ее аспектах. Давно известно, что один потребитель наркотиков причиняет вред и страдания 10 – 12 окружающим его людям и до 8 – 10 человек за год вовлекает в потребление наркотиков.

Наркомания – это заболевание, возникающее вследствие хронического (систематического) потребления наркотических веществ и средств с целью достижения изменения своего психического состояния, получения эйфории (блаженства), галлюцинаций и т.п. Проявлениями наркомании являются нарушения работы различных органов и систем человеческого организма, психические расстройства и зависимое от наркотиков поведение.

Основными признаками потребления различных наркотиков являются: изменение внешнего вида и поведения, напоминающее алкогольное опьянение, но при отсутствии запаха алкоголя; изменение сознания; нарушение контакта с внешним миром; беспричинное веселье; агрессивность, не соответствующая данной ситуации; изменение речи: ускорение, подчеркнутая выразительность, невнятная речь («каша во рту»); изменение цвета кожных покровов; блеск глаз или их «мутность», сильно суженные или сильно расширенные зрачки; нарушение координации движений, неустойчивость при ходьбе и т.д.

При лишении наркотиков у лиц, зависимых от них, возникают следующие проявления: чувство недомогания, дискомфорта, снижение работоспособности, вплоть до ее утраты, раздражительность, злобность, тревога, неусидчивость, возбуждение, боли во всех частях тела, нарушение работы всех органов и систем. В тяжелых случаях у лиц, злоупотребляющих наркотиками, могут развиться психозы в виде галлюцинаторных и бредовых расстройств. В этих случаях больные испытывают «видения» устрашающего характера, слуховые обманы приказывающего или угрожающего характера, появляются бредовые мысли преследования, воздействия, страх и тревога, на фоне которых больные нередко могут совершать суицидальные попытки.

Проблема наркомании осложняет эпидемиологическую ситуацию по ВИЧ/СПИДу, так как основным путем передачи остается парентеральный – через инфицированные шприцы и иглы при совместном употреблении.

Хроническая интоксикация наркотиками приводит к функциональному общесистемному истощению – прогрессирующему падению активности, влечений, потребностей, интеллектуальной деградации. Все это обуславливает определенные медико-социальные последствия наркомании – утрату личностных и общественных интересов, профессионализма и трудоспособности, нарушение здоровых микросоциальных связей, привязанностей, семейных отношений. В том случае, если болезнь не будет приостановлена лечением или длительной изоляцией, она кончается смертельным исходом. Начиная с первых недель болезни смертность в среде наркоманов выше, чем среди здоровых лиц соответствующего возраста и пола.

В системе мероприятий по профилактике наркомании наибольшее значение имеет санитарно-просветительная работа, направленная на разъяснение отрицательных последствий употребления наркотических веществ. Существенную роль в борьбе с этим негативным явлением призваны сыграть общественность и семья.

Задача массовой профилактики наркомании – соблюдение и развитие условий, способствующих сохранению и укреплению здоровья, пропаганда здорового образа жизни, предупреждение возникновения и развития заболеваний путем воздействия на неблагоприятные факторы окружающей природной и социальной среды и вредные привычки. Необходимо принимать меры для как можно более раннего обнаружения нарушений адаптации к условиям внешней среды и проявлений заболевания для проведения коррекционных мероприятий.

Задачей каждого дня является скорейшее выявление всех тех, кому мы можем и должны помочь. И мы им поможем.

Альфия КАИПОВА,
главный нарколог
Министерства обороны
Республики Узбекистан.

Шифокор маслаҳати

ЗАҲАРЛИ ИЛОНЛАРДАН САҚЛАНИНГ

Илон заҳари – мураккаб биологик фаол бирикма бўлиб, асосан ферментлардан, гидролаза, заҳарли полипептидлар, ўзига хос биологик хусусиятли оқсиллар ҳамда баъзи ноорганик бирикмалардан ташкил топган бўлади. Илон чаққанда заҳарланиш даражаси илоннинг турига, унинг катталигига, организмнинг қўзғалиш даражасига, чақиш натижасида организмга тушган заҳарнинг миқдорига, ёшга, тана массаси, чақиш жойига, ҳамда тиббий ёрдамнинг ўз вақтида ва тўғри кўрсатилишига боғлиқ бўлади.



Ўрта Осиё кўзойнакли илони. Кўзойнакли илон мамлакатимизнинг чўл ва қир-адирларида яшайди. Унинг узунлиги 2 метргача етади. Ташқи кўриниши кулранг, жигар ранг ёки тўқ сариқ рангларда бўлиб, тажовузкор эмас, агар хавф сезса, бўйин мушаклари қалинлашиб шишади ва гавдасини ердан 25-35 см баландликда кўтариб, ҳужум ҳолатига ўтади. Ушбу илон чорасиз қолгандагина ҳужумга ўтади. Йилнинг иссиқ вақтларида фаол бўлади.

Ўрта Осиё кўзойнакли илони чақиши қуйидаги клиник аломатлар билан кечади: дастлабки дақиқаларда илон чаққан жойда кучли оғриқ ва увишиш пайдо бўлади, сўнгра эса бутун танага тарқала бошлайди. Орадан 15-20 дақиқа ўтгач, бирламчи коллапс ҳолати рўй бериб, 2-3 соатдан сўнг қон босими нормаллашади, аммо кейинроқ юрак фаолиятининг сусайиши натижасида шок ва ўпка шишиши юз бериши мумкин.

Таянч-ҳаракат мувозанатининг бузилиши (гандираклаб юриш, мувозанат сақлай олмаслик) эрта бошланиб, ҳаракатланиш мушакларининг фалажланиши, кўзни ҳаракатлантирувчи ва ҳалқум мушакларининг, ҳамда тил функциясининг бузилиши (эшитиш, ютиниш функцияларининг бузилиши) тез авж олиб, нафас ритмининг бузилишига олиб келади. Кейинчалик юрак ритми бузилиб, тана ҳарорати 38-39° кўтарилиши кузатилади. Илон чақишидан кейинги дастлабки 12-18 соат вақт оралиғи энг оғир ва хавфли давр ҳисобланади.

Чўл илони чаққан жойнинг атрофида тери остида қон қуйилиши юз беради ва юмшоқ тўқималар шиша бошлайди (оғир ҳолатларда тана аъзоларига тарқалиши мумкин). Дастлабки 20-40 минут оралиғида шок белгилари: тана увишиши, бош айланиши, кўнгил айниши, қайт қилиш, қон босимининг пасайиши, ҳушдан кетиш аломатлари пайдо бўлади. Геморрагик қон қуйилиши ва шишлар тез ривожланиб, ички қон қуйилиши ва плазма йўқотишгача олиб келади. Ушбу жараёнлар томирларда қон қуюқлашуви оқибатида келиб чиқади. Илон чаққан жойда сув алмашинуви бузилади, бу белгиларнинг ҳаммаси ички қон қуйилишини кучайтиради. Заҳарланган тана соҳасида тери кўкариши, тери юзасида геморрагик тошмалр пайдо бўлиши, тўқималарнинг ўлиши, гангрена (асосан жгут қўйилганда) пайдо бўлиши кузатилади. Юқоридаги аломатлар асосан заҳарланишнинг биринчи куни охирида юзага келади.

Чўл илони бизнинг тоғли ҳудудлардаги энг заҳарли илон ҳисобланади. Ушбу илон елка қисмида жойлашган қорамтир ромб шаклидаги ўрамасимон чизиқлар билан ажралиб туради. Бу илон тажовузкор бўлмасдан, балки одам билан дуч келганда яширинишга ҳаракат қилади, фақатгина илон безовта қилинганда ёки унга бехосдан тегиб кетилганда ҳамла қилади. Бўғма илон чақиши оқибатида заҳарланиш асосан чақиш жойи, заҳар миқдори ва йил фаслига боғлиқ бўлади.

Бўйин ва бош соҳасидан илон чақиши жуда хавфли ҳисобланади. Чўл илони чаққанда танада кучли оғриқ сезилиб, бутун танага тарқалиши билан кечади. Илон чаққан жойда унинг тишлари ботган иккита алвонсимон нуқта соҳасида конталаш ва шишлар пайдо бўлади, ҳамда ушбу соҳада қон кетиши билан кечади. Организмнинг умумий заҳарланиши (бош айланиши, лоҳаслик, кўнгил айниши, қусиш, нафас қисиши, юрак уриши тезлашуви) илон чаққач 15-20 минутдан сўнг ривожланади. Ўлим камдан-кам ҳолатларда қайд этилган.

Республикамизнинг баланд тоғли ҳудудларида судралиб юрувчиларнинг яна бири қалқонсимон (шитомордник) илон ва қирларда яшовчи эфа қорақум илонлари кўп учрайди. Қалқонсимон илон 35- 65 смгача узунликда бўлиб, елкаси ромб шаклида нақшинкор, икки ёнида қизил ёки сариқ чизиқлари бўлади, ранги тоғ ҳудудига ўта мослашган, уни тошлар орасида пайқаш қийиндир. Улар тажовузкор эмас, унга тегилса ёки сезмасдан босиб кетилса, ҳамла қилиши мумкин.

БИРИНЧИ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

Илон чаққанда биринчи ёрдам, асосан тананинг илон чаққан жойини оғиз ёрдамида заҳардан халос этишдан иборат бўлиб, бунда тўқималар тишлар ёрдамида сиқилиб, яра ичидаги заҳар сўриб олиб, тезда туфлаб ташланади. Ушбу муолажа 15-20 минут давомида қайтарилиши лозим.Унутманг: агар оғиз бўшлиғида ёриқлар, ярачақа бўлса заҳарни сўриш ман этилади. Заҳарни сўриш билан организмдан 28дан 46 фоизгача заҳарни чиқариб юбориш мумкинлиги исботланган. Шуни унутмаслик лозимки, бу усул илон чаққандан сўнг 20-30 дақиқа ичида ўз самарасини беради. Кейин эса ярага кўкдорй (зелёнка), йод ёки одекалон суртилиб стерилл боғлам қўйилади.

Жабрланувчига тўлиқ тинчлик талаб этилади. Беморга кўпроқ суюқлик ичириш лозим, асосан аччиқ чой, маъданли сув, сут, кофе берилиши шарт.

Кўрсатма бўйича дори-дармонлардан кордиамин, кофеин қўлланилади. Биринчи ёрдам кўрсатилгандан сўнг беморни ётқизилган ҳолатда яқин-атрофдаги тиббиёт бўлимига олиб бориш лозим. Беморга спиртли ичимлик ичирилиши мумкин эмас, чунки у заҳарнинг сўрилиш жараёнини ва токсиклик хусусиятини оширади. Тери ёриқлари орасидан, илон тили теккан жойдан илон заҳрини сўриш мумкин:

Илон чаққан ярага эркин турадиган (бўш ўралган) боғлам қўйиш тавсия этилади. Қаттиқ боғлам қўйилса веналарда қон димланиши ва лимфа оқими тезлашишига олиб келади.

ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ

Биринчи навбатда шахсий таркиб дала-ўқув машғулотларига чиқарилган жойларни, дам олиш масканини кўздан кечириб чиқишимиз лозим. Ерга ўтиришдан олдин таёқ ёрдамида буталарни,ўтлар орасини кўздан кечириш керак. Тоғ шароитида таёқ ёрдамида ёриқлар орасини кўздан кечириш талаб этилади.Шахсий таркибнинг нотаниш майдонларда оёқ-яланг юриш қатъиян ман этилади. Шимлар кенгроқ шаклда этик ичига киритилган ҳолатда бўлиши керак.

Шахсий таркиб жойлаштирилиши режалаштирилган жойлардан қўйлар подасининг ўтиши илон ҳамда заҳарли ўргимчакларни ҳайдаши мумкин.

Агар сизга ҳамла қилмоқчи бўлиб турган илонни кўрсангиз ёки яқинида бўлиб қолсангиз тез ҳаракат қилмасдан ортга чекининг.

Тиббий хизмат подполковниги
Вячеслав ХЕГАЙ.

Ҳарбий техника шарҳи

SLD400 – СНАЙПЕРЛАРГА ҚАРШИ ВОСИТА

Франция мудофаа вазирлиги снайперларнинг позициясини аниқловчи воситаларни яратиш ва такомиллаштириш бўйича фаол ишларни олиб бормоқда. Ушбу воситалар жанговар ҳаракатлар олиб боришда қуруқликдаги қўшин ва махсус операция кучлари шахсий таркибидаги йўқотишларни камайтириш, шунингдек, террорчилик ва қўпорувчилик актлари вақтида муҳим ҳарбий ва фуқаро объектларининг, мамлакат аҳолисининг хавфсизлигини ошириш мақсадларида яратилмоқда.

Хусусан, CILAS француз фирмаси снайперларни аниқловчи SLD400 лазер қурилмасини яратиб синовдан ўтказди. Қурилма снайпер жойлашиши мумкин бўлган ҳудудларни лазер нурлари ёрдамида сканерлаш ва оптик сатҳлар (қурол прицели ва оптоэлектрон қурилмаларнинг линзалари)дан қайтган нурланишларни қайд қилишга асосланган.

SLD400 мажмуасининг тузилиши уни кўтариб юриш ёки автомобилга, бронетанк техникасига ўрнатган ҳолда ишлатиш имконини беради. Мажмуа таркибига оптоэлектрон блок, маълумотларни бошқариш ва қайта ишлаш блоки, айланма-таянч қурилмаси (транспортга ўрнатилганда) ёки уч оёқли кўчма таянч киради.

Оптоэлектрон блок лазер нурларини шакллантириш, ҳудудни сканерлаш, ҳосил бўлган ахборотни қабул қилиш ва маълумотларни бошқариш ва қайта ишлаш блокига узатиш вазифаларини бажаради.

Маълумотларни бошқариш ва қайта ишлаш блоки дисплейда қидирув натижаларини (нишон координаталарини) реал вақт масштабида акс эттириш ва нишонни йўқ қилишга тайёрлик сигналини узатиш имконини беради. Блок интерфейси разведканинг турли инфрақизил, телевизион, товуш воситалари ва қуролларни йўналтириш мажмуалари билан биргаликда ишлаши мумкин. Бу эса вазиятни назорат қилиш имкониятини, нишон координаталарининг аниқлигини, қуролни нишонга йўналтиришни ва ўт очиб нишонни самарали йўқ қилиш имкониятларини оширади.

Мажмуанинг бир неча иш режимлари: автоматик ҳолда ва операторнинг иштирокида (бунда оператор маълумотларни бошқариш ва қайта ишлаш блоки билан ишлайди) амалга ошириладиган режимлари мавжуд. Иккала режим ҳам функционал вазифаларни бошқаришнинг бир неча алгоритмларини ўз ичига олади. Жавоб ҳаракатлари (ўт очиб йўқ қилиш) дарҳол амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлмаган баъзи ҳолларда, масалан, одамлар кўп тўпланган жамоат жойларида снайпер борлиги аниқланганида тревога сигнали берилади ва нишоннинг координаталари қўмондонлик пунктига узатилади. Иккинчи режим реал вақт масштабида автоматик ҳолда ўт очишга мўлжалланган.

SLD400 мажмуасининг асосий тактик-техник тавсифлари қуйидагилардан иборат:

Рақибни аниқлаб олиш масофаси:
кундузи 500 метр, тунда 2000 метргача;

Ишчи ҳарорат диапазони: – 20 дан +55 С гача;

Истеъмол қуввати: оптоэлектрон блоки – 35-85 Вт, маълумотларни бошқариш ва қайта ишлаш блоки – 45-70 Вт, айланма-таянч қурилмаси – 40-110 Вт;

Истеъмол кучланиши (ўзгармас токда): – 24 В;

Ўлчамлари: оптоэлектрон блоки – 140x340x260 мм, маълумотларни бошқариш ва қайта ишлаш блоки – 220x600x500 мм, айланма-таянч қурилмаси – 285x300x240 мм;

Массаси: оптоэлектрон блоки – 9,7 кг, маълумотларни бошқариш ва қайта ишлаш блоки – 17 кг, айланма-таянч қурилмаси – 10 кг.

Франция мудофаа вазирлиги мутахассисларининг фикрича SLD400 мажмуаси билан жиҳозланиш жанговар операцияларнинг самарадорлигини оширади, рақиб аниқ мўлжалга олиш ёки кузатиш учун оптоэлектрон воситалардан фойдаланганида жавоб чораларини ўз вақтида қўллаш имконини беради, шахсий таркиб ва аҳолини қўпорувчилик ва террорчилик ҳаракатларидан сақлайди.

Подполковник
Абдуқодир АБДУЖАМИЛОВ.
(«Зарубежное военное обозрение» журналидан).

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Угроза экологической катастрофы

Небывалая жара на юге и юго-востоке Европы и вызванные ею пожары грозят обернуться настоящей экологической катастрофой. Территории Болгарии, Сербии, Италии, Греции и Франции охвачены пожарами, сотни людей погибли, тысячи госпитализированы, экономический ущерб исчисляется миллионами евро, сообщает РИА Новости.

Новый законопроект о выводе войск

Демократическая партия внесла в палату представителей новый законопроект о выводе американских войск из Ирака, поддерживая прекращение этой крайне непопулярной войны. Голосование по этому вопросу состоится уже на следующей неделе. На случай неудачи нынешней инициативы демократы готовят новый удар по иракской стратегии Буша – отказ в выделении средств на ведение военных операций в Ираке.

Из-за жары взорвался военный склад

В Сирии произошел мощный взрыв в учебном комплексе сухопутных войск близ города Алеппо в 355 км от Дамаска. Погибли, по меньшей мере, 15 человек, 50 получили ранения. Из-за жары произошло воспламенение на складе взрывчатых веществ, что и привело к взрыву. Происшедшая трагедия не стала следствием террористического акта.

Землетрясение силой 7,4 балла

На востоке Индонезии зарегистрировано землетрясение мощностью 6,6 балла по шкале Рихтера, сообщили местные специалисты. Однако, по данным геофизического агентства США, в эпицентре подземные толчки достигали 7,4 балла, сообщает «Sky News». Сообщений о жертвах или разрушениях пока не поступало.

Талибы не отпустили заложников

Официальный Кабул и представители талибов опровергли распространенную ранее информацию о том, что восемь из 22 заложников были переданы афганским властям после того, как похитители получили за них крупный выкуп. По некоторым данным, талибы забрали заложников обратно, когда увидели, что к месту передачи пленников афганским властям приближается бронетранспортер. После этого переговоры прервались, сообщает ИТАР – ТАСС.

Испытана ракета дальнего радиуса действия

Пакистан провел успешные испытания крылатой ракеты «Hatf VII Babur», сообщают пакистанские телеканалы со ссылкой на военные источники. По их данным, ракета способна с высокой точностью поражать цели на расстоянии до 700 километров и нести различные виды боеголовок, в том числе ядерную. Это уже второе испытание ракеты «Babur» в этом году – предыдущее состоялось в марте.

Потери от пробок на дорогах

По оценке федерального правительства Германии, пробки на автобанах нанесли в прошлом году ущерб экономике страны размером от 10 до 12 миллиардов евро. Основной причиной переполненных автобанов является наличие большого числа автомобилей в Германии. В 35 процентах случаев пробки были вызваны ремонтными работами, а в 26 процентах – авариями, сообщает «DW-WORLD».

В фильмах не будет сцен курения

Киностудия «Walt Disney» в рамках борьбы с курением вырежет сцены курения из своих фильмов. Пока же 90% американских фильмов выходит с эпизодами курения, что повышает риск пристраститься к вредной привычке в три раза. Киностудия снабдит все компакт-диски с фильмами, где есть сцены с курением, антитабачной социальной рекламой. Также компания отныне станет побуждать владельцев кинотеатров показывать такую рекламу перед демонстрацией фильмов, сообщает ИТАР– ТАСС.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Жисмоний тайёргарлик – жанговар шайлик асоси

НАМУНАЛИ ПОСБОННИНГ ЮТУҚЛАРИ

Ҳеч кимга сир эмаски, бугун Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган изчил ислоҳотлар сабаб, ёшларимизнинг миллий армиямиз сафларида хизмат қилишга бўлган иштиёқлари янада жўш урмоқда. Эл-юрт корига камарбаста бўлиб, мустақил она Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш эр йигитларимизнинг эзгу мақсадига, орзусига айланиб улгурди.

Оддий аскар Бобомурод Ваҳобов ҳам мана шундай эзгу ниятли ўғлонларимиздан биридир. У муддатли ҳарбий хизматга Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани мудофаа ишлари бўлими томонидан чақирилган.

– Мен мустақил Ватанимнинг миллий армиясида хизмат қилаётганимдан жуда фахрланаман, – дейди оддий аскар. – Армия ҳаёт мактаби деганларича бор экан. Бу ерда жанговар ва жисмоний тайёргарликлардан ташқари, келажакда комил инсон бўлиб етишиш учун зарур таълим-тарбияни олар экансан.

Посбон йигит ёшлигидан спортга меҳр қўйиб, миллий кураш билан мунтазам шуғулланиб келган. Вилоятда ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақада ўз вазни бўйича иккинчи ўринни эгаллаган.

– Оддий аскар Ваҳобов гуруҳимдаги энг илғор посбонлардан биридир, – дейди кичик сержант Жасур Умаров. – У жанговар, жисмоний, ижтимоий-сиёсий ва бошқа тайёргарликлар бўйича доимо олдинги сафларда. Айниқса, жисмоний машғулотларда унинг ўз ўрни бор. Миллий кураш сир-асрорларини сафдошларига ҳам ўргатиб келмоқда. У ҳарбий қисмда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган турли тадбирларда ҳам фаол қатнашиб келади. Шунингдек, 15-оммавий спорт ишлари кўригида ҳам юқори натижаларни эгаллади.

Бобомуроднинг спортга бўлган меҳри чексиз. У кураш сирларини дастлаб тоғаси Илҳом Даминовдан ўрганган бўлса, кейинчалик мураббийи, дунёга донғи кетган полвон Панжи Тўраевга шогирдликка тушган.

У Термиз давлат университетининг жисмоний маданият факультетини аъло баҳоларга тугатиб, ўз йигитлик бурчини ўташга отланган эр йигитлардан. Катта мўлжалга олувчи вазифасида хизмат қилаётган посбон ҳарбий соҳа сир-асрорларини офицер ва сержантлардан мукаммал ўрганишга ҳаракат қилиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, университетдаги ўқиш фаолиятида ҳам спорт мусобақаларида фаол қатнашган ўғлон 73кг вазнда тўрт йил мобайнида биринчиликни қўлдан бермай келган.

– Армия менга кўп нарсани ўргатди, – дейди у. – Сабрли, метин иродали бўлиш, инсонни доимо ғалабага бошлайди. Курашда ҳам худди шундай. Хизмат давомида мана шундай туйғуларни ўзимда ҳис қилмоқдаман. Мақсадим, намунали хизмат қилиб, ўзимга билдирилган ишончни оқлаб, ота-онам олдига ёруғ юз билан бориш ва спорт соҳасида илғор натижаларга эришиш орқали, юрт байроғини янада юксакларга кўтаришдир.

Ҳа, Бобомуроддек эзгу мақсадли ўғлонларимиз миллий армиямиз сафларида кўплаб топилади. Шундай йигитларимиз бор экан, Ватанимиз осойишта, элу юрт фаровондир.

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Участники IV Всемирных военных игр

АНАСТАСИЯ СВОЕ СЛОВО СКАЖЕТ...

Мастер спорта международного класса по легкой атлетике рядовой по контракту Анастасия Журавлева – знаменитая спортсменка, и не только в нашей стране. Ее имя широко известно во многих странах мира и на Азиатском континенте. Достаточно вспомнить ее яркие победы на международных турнирах из серии Гран-при в Стамбуле (Турция), Париже (Франция), Греции и ее успешное выступление в декабре прошлого года на XV Азиатских играх в городе Доха – столице Катара, где она завоевала серебряную медаль с «золотым» отливом. Кстати, наставник Анастасии заслуженный тренер Республики Узбекистан Валерий Казаков до сих пор с сожалением вспоминает о тех главных соревнованиях прошлого года:

– В большом спорте есть такое понятие, как спортивное везение или удача. Но фортуна на XV Азиатских играх на финальном этапе отвернулась от моей воспитанницы. К великому сожалению, именно во время ее выхода на дорожку для разбега подул сильный встречный ветер, и это отразилось на результате.

Она показала в тройном прыжке результат 14 м 26 см, что всего лишь на 10 см меньше результата главной ее соперницы из Китая, которая является рекордсменкой Азии. Все специалисты и тренеры высоко оценили серебряную медаль Анастасии.

– Сейчас мы оттачиваем и шлифуем свое мастерство и постараемся прийти в пике спортивной формы к предстоящим IV Всемирным военным играм в Индии, – с оптимизмом утверждает тренер. – Уверен, что моя воспитанница Анастасия Журавлева свое веское слово на этих главных соревнованиях года еще скажет...

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Уч кун давомида таэквандо спорт турининг асосчиси ҳисобланмиш Жанубий Корея таэквандочиларидан иборат терма жамоа юртимизда меҳмон бўлди.

Пойтахтдаги «Туркистон» санъат саройининг ёзги биносида кореялик спортчилар томонидан кўргазмали чиқишлар намойиш этилди. Кореялик таэквандочилар ўзбекистонлик спортчилар билан учрашувлар ўтказиб, ўзаро тажриба алмашишди. Бу эса ёш спортчиларимизни нафақат мамлакат чемпионатларида, балки халқаро мусобақаларда ҳам муносиб иштирок этишларига замин яратади.

●

АҚШнинг Бостон шаҳрида теннис бўйича хотинқизлар халқаро теннис турнири ўзбекистонлик Варвара Лепченко ғалабаси билан якунланди.

Турнирнинг финал учрашувида Варвара Лепченко Ирландия шарафини ҳимоя қилган Келли Лигганга қарши кортга чиқди. Кескин ва муросасиз курашларга бой бўлган сўнгги учрашувнинг биринчи сетини 6:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган ҳамюртимиз кейингисида рақибасига 5:7 ҳисобида имкониятни бой берди.

Ниҳоят, ҳал қилувчи – учинчи сетда 0:5 ҳисобида ортда қолаётган Келли Лигган ўзбекистонлик Варвара Лепченконинг яққол устунлигини тан олиб, учрашувни давом эттирмайдиган бўлди ва бош соврин ҳамюртимизга насиб қилди.

●

Келаси йили Хитой пойтахти Пекин шаҳрида бўладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларининг футбол беллашувларида иштирок этиш учун ўтказилаётган саралаш турнирининг сўнгги босқичига пухта тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Германияда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғини режасидаги ўртоқлик учрашувларини якунлади.

Футболчиларимиз Германияда бешта ўртоқлик учрашуви ўтказиб, улардан тўрттасида ғалаба қозонишди. Энди ҳамюртларимиз жорий йилнинг 22 август – 21 ноябрь кунлари Осиё қитъасининг энг кучли 12 олимпия терма жамоаси иштирокида ўтказиладиган Олимпиада ўйинларининг сўнгги саралаш босқичида тўп суради.

●

Қозоғистонда триатлон бўйича Осиё очиқ кубоги баҳслари бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон, Монголия, Сурия, Жанубий Африка Республикаси, Австралия ҳамда Ўзбекистон терма жамоалари иштирок этишди.

Ҳамюртларимиздан Александр Литвинов 16–19 ёшлилар гуруҳида олтин медалга, Иван Морозов эса катталар гуруҳи баҳсларида кумуш медалга сазовор бўлишди. Павел Растригин ва Евгений Алексеев кучли бешликдан жой олишди.

●

Канадада 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати якунланди. Финал учрашуви Аргентина ва Чехия терма жамоалари ёшлари ўртасида бўлиб ўтди. Учрашувнинг биринчи бўлимида томошалар қандай бўлмасин биринчи бўлиб ҳисобни очишга интилдилар. Қизиғи шундаки, йўл қўйилган қўполликлар учун испаниялик ҳакам Альберто Унджано Мальенка олти марта сариқ карточка кўрсатишга мажбур бўлди. Ўйинда эса ташаббус аргентиналиклар томонида экани кўзга ташланиб турди. Аввал чехиялик Мартин Фенин тўп урган бўлса, орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас Серхио Агуэро ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Учрашувнинг 86-дақиқасида Мауро Зарате яна чехлар дарвозасини аниқ нишонга олиб, ғалабани таъминлади. Шундай қилиб, Аргентина футболчилари чемпионатлар тарихида олтинчи марта ғалаба завқидан баҳраманд бўлишди.

Армейский спорт

КАК ПОДОБАЕТ ВОИНУ-СПОРТСМЕНУ

В подразделении, где служит офицер У.Айнакулов, отлично поставлена спортивно-массовая работа среди воинов. В данном подразделении каждый воин стремится через регулярные занятия различными видами спорта поддерживать свою физическую подготовленность, которая так необходима для выполнения учебно-боевой задачи.

Вот почему здесь каждые предвыходные и выходные дни соревнования по различным видам спорта стали уже правилом.

В минувшее воскресенье проходили интересные и захватывающие состязания на личное первенство подразделения по подтягиванию на перекладине и гиревому спорту.

Как и предполагалось, острая борьба за призовые места развернулась, в основном, между воинами-спортсменами, обладателями нагрудных значков «Харбий спортчи», и отличными специалистами рядовыми Санжаром Сулаймановым, Авазом Азизкуловым, Алишером Абдураимовым, Акбаром Хамидовым, Шухратом Умурзаковым.

При определении первого места даже опытные судьи несколько затруднились. Дело в том, что рядовые С.Сулайманов и А.Хамидов показали одинаковые результаты: подтягивание на перекладине – 42 раза, жим гири – 65 раз. Но выход из трудного положения был справедливо найден: рядовой Сулайманов оказался на 850 г легче своего соперника. Так, рядовой С.Сулайманов стал победителем личного первенства подразделения по подтягиванию на перекладине и гиревому спорту, а рядовой А.Хамидов занял второе место.

Третье место с минимальным преимуществом завоевал рядовой Аваз Азизкулов. Чуть-чуть до призового места «не дотянули» рядовые Алишер Абдураимов и Шухрат Умурзаков. Но они нисколько не отчаиваются.

– Мы знаем, чего нам не хватило,– говорят Абдураимов и Умурзаков.– Выносливости и психологического настроя. Это нас побуждает заниматься спортом регулярно и серьезно.

Майор З. ХАЙРИТДИНОВ.

КЎПКУРАШДА КУЧЛИЛАР ҒОЛИБ БЎЛАДИ

Мамлакатимиз ёшларининг ҳар томонлама чиниқиб, жисмоний қобилиятини шакллантиришида Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг алоҳида ўрни бор. Кейинги пайтда ташкилотнинг Бухоро вилояти кенгаши томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаяптики, бу ҳақда тўхталмасликнинг сира иложи йўқ.

– Ҳар бир курсантнинг касб маҳоратини шакллантириб, юқори натижаларни қўлга киритишида спортнинг ўрни беқиёсдир, – дейди биз билан суҳбатда МК «Ватанпарвар» ташкилоти Бухоро вилояти кенгаши раисининг ўринбосари – ҳарбий техник тайёргарлик бўлими бошлиғи Тўхта Баротов. – Шу боис уларнинг спортга бўлган қизиқишини мунтазам равишда рағбатлантириб борамиз. Жумладан, вилоятда спорт мусобақаларининг тез-тез ўтказилиши, бунинг ёрқин далилидир.

Яқинда кенгашнинг ташаббуси билан Бухоро ва Ғиждувон автомобилчилар тайёрлаш мактаби курсантлари ўртасида вилоят биринчилиги беллашувлари ташкиллаштирилди. «Касб-маҳорати» спорт мусобақаси номини олган ушбу турнирда энг сара ўғлонлар куч синашишди. Спортнинг 10 та тури бўйича уюштирилган баҳсларда матонатли йигитлар ғолиблик учун ўз имкониятларини синовдан ўтказишди. Йигитлар йўл ҳаракати қоидаси, автомобилни бошқариш каби шартларда касбий маҳоратини намоён қилишган бўлса, тўсиқли йўлакчадан ўтиш, граната улоқтириш, турникда тортилиш, милтиқдан ўқ отиш, узунликка сакраш, сузиш, 100 метр ва 3 километрга югуриш баҳсларида эса ўзларидаги эпчиллик ва чаққонликни кўрсата олишди, деб бемалол таъкидласа бўлади. Мазкур кўпкурашда Бухоро автомобиль мактаби курсанти Анвар Қодиров рақибларига ҳеч қандай имкон қолдирмай, умумий ҳисобда 751 очко жамғариб, биринчи ўринга сазовор бўлди. 691 очко жамғарган ушбу мактабнинг яна бир курсанти Юсуф Раҳматов иккинчи поғонадан жой олди. Учинчи ўрин эса ўз ҳисобида 686 очко қайд этган Ғиждувон автомобилчилар тайёрлаш мактаби курсанти Ҳамза Рустамовга насиб этди.

Хуллас, республика биринчилигига йўлланма берувчи ушбу мусобақада курсантлар бор маҳоратини кўрсатишди. Энди юқори натижаларни қўлга киритишган йигитлар август ойида пойтахт вилоятида бўлиб ўтадиган республика биринчилигида куч синашади.

Карина ҚУРБОНОВА.

Футбол. Осиё кубоги – 2007

ОМАД КУЛИБ БОҚМАСА...

XIV Осиё чемпионатининг чорак финал ўйинлари: Япония – Австралия – 1:1 (пенальтилар бўйича 4:3), Ироқ – Вьетнам – 2:0, Эрон – Жанубий Корея – 0:0 (пенальтилар бўйича 3:4), Саудия Арабистони – Ўзбекистон – 2:1.

Шубҳасиз, юртимиз футбол мухлислари терма жамоамиз иштирок этган учрашувни сабрсизлик билан кутишган эди. Хитойликлар билан ўтказилган ўйинда ажойиб ғалабани қўлга киритган футболчиларимиз бу сафар ҳам ғалаба иштиёқида майдонга тушишлари аниқ эди.

Ўтказилган гуруҳ ўйинлари ва чорак финал учрашувлари ичида энг қизиқарлиси деб топилган Саудия Арабистони – Ўзбекистон терма жамоалари баҳси деярли тўлиқ ҳамюртларимиз устунлиги остида ўтди десак, муболаға бўлмайди. Ўйиннинг 3-дақиқасидаёқ ҳимоячиларнинг қўпол хатолари туфайли «тезкор» гол ўтказиб юборган Р.Инилеев шогирдлари кейинчалик ташаббусни тўлиқ ўз қўлларига олишди. Ўйиннинг 28-дақиқасида кореялик ён ҳакам М.Шацких томонидан киритилган ҳаққоний голни «ўйиндан ташқари вазиятдан урилди», деб ҳисобга олмади. Бу ҳолат эса футболчиларимизга руҳий таъсир ўтказгани ҳам шубҳасиз. Футболда «сен гол урмасанг, сенга уришади» деган қоида бор. 75-дақиқада кам сонли қарши ҳужумлардан бирини уюштирган араблар яна бир марта дарвозабонимизни доғда қолдиришга эришишди – 2:0. Руҳан тушкунликка тушмаган футболчиларимизнинг саъй-ҳаракатлари охир-оқибат ўз натижасини бериб, 82-дақиқада П.Соломин ҳисобдаги фарқни қисқартиришга муваффақ бўлди – 1:2. Қолган дақиқалар ҳам футболчиларимиз устунлигида ўтган бўлса-да, ўйиндаги ҳисоб ўзгармади.

Хулоса қилиб айтганда, гарчи терма жамоамиз мусобақадаги ўз иштирокини якунлаган бўлсада, йигитларимиз кўрсатган ўйинлар мухлисларимизда яхши таассурот қолдирди, дея оламиз. Ҳозир жамоамизда авлодлар алмашинуви юз бермоқда. Тажрибали футболчилар ўрнини ёшлар эгалламоқда. Терма жамоамиз кўрсатган ўйин мухлисларимиз кўнглида эртанги кунга ишонч уйғотди.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

Универсальный бой

УСПЕХ НАДИРЫ

В минувшую неделю в городе Баку (Азербайджан) прошел первый чемпионат мира по «универсальному бою» среди женщин. В соревнованиях приняли участие спортсменки из 27 стран. Нашу республику достойно представляла чемпионка мира по кикбоксингу, неоднократная чемпионка Азии и республики, победительница многих первенств и турниров Надира Казакова. Выступая в весе 63 кг, она смогла проявить свои бойцовские качества. Несмотря на то что она впервые выступает в этом виде единоборств, Надира не растерялась и в бою с болгарской спортсменкой одержала уверенную победу. В полуфинале ей противостояла именитая дзюдоистка принимающей стороны. Сначала наша спортсменка удерживала напор азербайджанки сильными, точными ударами ног и рук. Но затем сопернице удалось провести борцовский прием, к чему Надира не была готова; так наша соотечественница завоевала бронзовую медаль.

– Не в моих правилах отчаиваться. Сразу же после поединка я уже знала, что мне нужно восполнить и наверстать. Во-первых, необходимо ознакомиться с приемами борьбы. Во-вторых, надо выработать определенную тактику против соперницы, занимающейся именно борьбой. И тогда обязательно стану чемпионкой мира! – говорит Надира.

ОСНОВАТЕЛЬ АЙКИДО – У НАС В ГОСТЯХ

«Реальное айкидо – это духовное, умственное и физическое совершенствование в течение всей жизни», – сказал знаменитый боец, основатель реального айкидо, гранд-мастер, обладатель 10-го дана Любомир Врачаревич-Люба.

И вот этот известный человек, пропагандирующий восточные единоборства, стал гостем нашей столицы. А пригласила его Федерация реального айкидо Узбекистана, которая организовала Первый Международный семинар. В данном семинаре принял участие и Любомир Врачаревич- Люба. Сначала он ответил на вопросы собравшихся журналистов. Затем были обсуждены тенденции развития этого вида айкидо в Узбекистане. Популярность реального айкидо возрастает. Естественно, есть и проблемные аспекты, по решению которых и были даны рациональные советы. После плодотворного обмена мнениями мастер боевого искусства совместно с Александром Ульяновым из Санкт-Петербурга провел показательные выступления, в которых отразилась вся мощь и одновременно красота этого вида единоборств. В конце Любомир Врачаревич-Люба отметил высокий уровень подготовки наших «реалистов» и добавил, что у узбекистанцев высокий потенциал, который необходимо развивать.

НА ПУТИ К ОЛИМПИЙСКИМ МЕДАЛЯМ

С каждым днем приближаются предстоящие Олимпийские игры-2008 в Пекине. Эти соревнования всегда были номером один по значимости. Завоевать олимпийскую медаль – мечта каждого спортсмена.

В сентябре сего года в городе Манчестере (Великобритания) состоится Международный квалификационный турнир. К участию в этом турнире активно готовится сборная таэквон-до WTF страны. В данное время спортсмены находятся на учебно-тренировочных сборах. Акмал Иргашев (+80 кг), Рашид Ахмедов (68 кг), Зайнобиддин Назаралиев (58 кг), Ирина Кайдашова (57 кг), Евгения Каримова (+67 кг) под руководством старшего тренера проходят первый этап тренировок. Второй, главный этап, пройдет в Южной Корее. И это, несомненно, будет хорошим подспорьем спортсменам Узбекистана перед турниром. Если нашим спортсменам удастся завоевать с первого по четвертое места, то лицензии, дающие право на участие в Олимпийских играх, будут обеспечены. Пожелаем им побед!

Аброр ЕСХОДЖАЕВ.

Наше здоровье

ТРЕНИРОВКА НОГ И ГОЛЕНИ

СГИБАНИЕ НОГ В ТРЕНАЖЕРЕ ЛЕЖА

Переходим к бицепсу бедра. Разгибание ног выполняется в четырех подходах по 10 – 12 повторений в каждом, вес можно не менять. И в заключение – о тренировке мышц голени.

Подъем на носки в гакк-тренажере лицом к каретке

На тренажере устанавливается брусок, чтобы лучше растягивалась голень. При выполнении упражнения колени надо сводить вместе, ступни на ширине плеч, при сокращении основная нагрузка должна приходиться на большой палец.



ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

Абитуриент – 2007

МАСЪУЛИЯТЛИ ОНЛАР ОЛДИДАН

Абитуриентлар учун 1 август ниҳоятда аҳамиятли. Чунки уларнинг ушбу кундаги муваффақияти ҳаётида кескин бурилиш ясаши ҳеч гап эмас. Йил давомида олий ўқув юртига кириш учун тайёргарлик кўрган абитуриент ўзидаги билимга ишонса-да, токи у тест саволларига жавоб ёзиб бўлгунга қадар ички бир ҳаяжонда бўлади. Ахир улар ҳаётларида муҳим аҳамиятга эга бўлган масъулиятли бир паллада туришибди-да. Имтиҳонга кириб, тест варақасини қўлига олган абитуриентни фақат битта савол безовта қилади. У ҳам бўлса, «Талаба бўлиш бахтига муяссар бўла олармиканман?» Ўзига ишончи баланд, қатъиятли ёшлар учун эса бу нарса унча аҳамиятли эмас. Улар ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда имтиҳонга тайёргарлик кўришади.

Биз айни масъулиятли бир паллада абитуриентларнинг имтиҳонларга қай алфозда тайёргарлик кўришаётганини аниқлаш мақсадида пойтахтда жойлашган баъзи олий ўқув юртларига ташриф буюриб, уларни суҳбатга тортдик.

Ўзбекистон миллий университети юртимиздаги энг нуфузли илм масканларидан бири саналади. Шу боис бу ерда таҳсил олишни ихтиёр этганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Маълумотларга кўра, кейинги йилларда университетга ўқишга кириш истагида ҳужжат топширганлар ўрта ҳисобда ҳар бир ўринга 10 нафардан тўғри келса, жорий йил бу кўрсаткич 13 тага етди. Абитуриентлар сони университетнинг иқтисод, тарих, журналистика, ҳуқуқшунослик ҳамда филсафа факультетларида нисбатан кўп. Шуниси қувонарлики, улар орасида тавсиянома соҳиблари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Мана шундай ёшлардан бири андижонлик Дилшод Одиловдир.

– Армия ҳаёти ҳар бир йигитнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди, – дейди суҳбатдошим. – Йигитлар юрт осойишталиги йўлида хизмат қилиши баробарида, ҳаётга теран нигоҳ ташлашни ўрганади. Муҳими, чиниқади. Айни пайтда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар учун ҳукуматимиз томонидан жуда кўплаб имкониятлар яратилган. Шулардан бири олий ўқув юртларига киришда қўшимча имтиёз берадиган тавсияномадир. Мен ҳам мана шундай тавсияномани қўлга киритиб, ЎзМУга ҳужжат топширдим. Боз устига, университет ҳузурида ташкил қилинган бепул курсга қатнаб, ўз билимларимни янада оширдим. Ўйлайманки, эгаллаган билимларим тест синовларида етарли балл йиғишимда асқотади.

Хоразмлик Элёр Аллаберганов ҳам тавсиянома соҳибларидан бири ҳисобланади. У университетнинг иқтисод факультетига ҳужжат топширган.

– Бугун иқтисод соҳасига мамлакатимизнинг кўплаб ёшлари қизиқишади, – дейди у. – Шунга яраша мазкур йўналиш бўйича етук мутахассисларни тайёрлаб берадиган олий ўқув юртларига абитуриентлар кўпроқ ҳужжат топширишган. Ҳисоблаб кўрсам, ҳар бир ўринга 20 нафардан талабгор тўғри келаяпти. Ушбу факультетнинг талабаси бўлишни орзу қилиб, пухта тайёргарлик кўраяпман. Соҳага доир янгиянги адабиётларни ўқияпман. Яна тўрт кундан сўнг тест синовларига кирамиз. Очиғи, бироз ҳаяжонланаяпман. Насиб қилса, келажакда етук иқтисодчи бўлиб, мамлакатимизнинг тараққиётига ўз улушимни қўшишни истайман.

Самарқандлик Хуршид Мадаминов авиация йўналиши бўйича билим олиб, келажакда малакали мутахассис бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Армия сафларида чиниқиб тобланган бу йигит ҳам муддатли ҳарбий хизматдаги эришган ютуқлари учун тавсияномани қўлга киритиб, ота-онасининг олдига ёруғ юз билан қайтганди. Бугун талаба бўлиш илинжида махсус тайёрлов курсида таълим олиб, ўз билимларини бойитмоқда.

– Армия менинг ҳаётимда муҳим ўрин тутади, – дейди у. – Йигитлик мактаби менга ҳаётда қийналмасдан яшашни ўргатди. Бунинг учун бугун командирларимдан ҳар қанча миннатдор бўлсам арзийди. Айни пайтда мен учун ҳаётимдаги энг масъулиятли дамлар. Ўз имкониятларимни ишга солиб, талаба деган номга сазовор бўлиш ниятида ўз билимларимни мустаҳкамлаяпман. Яна саноқли кундан сўнг тестга кирамиз. Ўйлайманки, ўз саъй-ҳаракатим билан ота-онамни хурсанд қиламан.

Холида БЕКНАЗАРОВА.

Эртамиз давомчилари

ЮКСАК САЛОҲИЯТ СОҲИБАСИ

Ўзбекистон жаҳонга юз тутаётган бир пайтда ёшларимиз ўртасида тил ўрганиш иштиёқи кундан-кунга ортиб бормоқда, десак муболаға бўлмайди. Тўғри, тил билган хор бўлмайди. Бунинг учун эса инсонда кучли хоҳиш-истак, куч-ғайрат бўлса бас. Биз учун энг қувонарлиси ҳам тенгдошларимиз орасида тил ўрганишга қобилиятли ёшларнинг кўпаяётганлигида. Ана шундай шижоаткор ёшларимиздан бири Дилдора Туроновадир.

Дилдоранинг корейс тилига бўлган қизиқиши, уни кучлироқ ва мукаммалроқ ўзлаштиришга ундади.

– Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетига ўқишга кирганимда ўз хоҳишим билан корейс тилини танлаганман, – дейди биз билан суҳбатда Дилдора Туронова. – Ўша пайтда кўпчилик, шу жумладан, ота-онам ҳам, «бекорга бу тилни танлабсан қизим, инглиз тилини ўрганганг бўларди. Ҳозир аксарият ёшлар инглиз тилини ўрганаяпти», дейишганди. Йўқ, мен бу тилни астойдил ўрганишга киришдим. Албатта, шу тилни мукаммал эгаллаб, Кореяда таҳсил оламан, деб ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. 4 йил университетда корейс тилидан сабоқ олдим. Университет мазкур тилни кучли ўрганишим учун дебоча бўлди. Бундан мен жуда хурсандман. Чунки университетда бизга асосан Кореядан келган ўқитувчилар дарс беришган. Эҳтимол, шу сабаб, корейс тилини мукаммалроқ эгаллашга эришдим. Биз корейс ўқитувчиларимиздан тилнинг луғавий маъносини, тўғри талқинини пухта ўзлаштирдик. Корейс тили дарсида ўқитувчиларимизнинг ташаббуси билан турли саҳна кўринишлари тайёрлар эдик. Бу эса билимимизни янада мустаҳкамлади.

Биласизми, корейслар жуда маданиятли халқ бўлиб, худди ўзбекларга ўхшаб кетадиган урф-одатларга эга. Сўзлашув оҳанги, ўзаро муносабати, муомала маданиятининг юксаклиги, тинглаш санъати кишини ўзига маҳлиё қилади. Айниқса, уларнинг одатлари, анъаналари шарқликларга жуда ҳамоҳанг. Мен корейслардаги кўп жиҳатларни халқимизга қиёслайман. Корейс халқида ҳам худди бизнинг халқдек уят, ор-номус, диёнат, меҳр-оқибат жуда кучли. Кореяда 4 ой таҳсил олиб қайтган Муҳаббат исмли дугонам шундай деган эди: «Кореяда ўқиганимда, бу халқнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари жиҳатидан халқимизга ўхшаш томонларини кузатдим. Оиладаги муносабатлар, фарзанд тарбияси ўзбекларда қандай бўлса, корейсларда ҳам шундай экан. Бизда ҳам оилада меҳр-оқибат кучли. Катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўламиз. Корейс оилаларида ҳам оиладаги тартиб-интизом худди шундай. Шу сабабли бўлса керак, бу мамлакатда ўзимни унчалик бегона сезмадим».

Университетимизда корейс тилини ўрганувчи талабалар ўртасида нутқ маданияти бўйича кўрик-танлов ўтказилиши анъанага айланган. Танловда талабалар фақат корейс тилида шеър, қўшиқ ёки бирор-бир мавзу бўйича эркин ҳикоя қилади. Голибларга Корея Республикаси элчихонаси ва «Koica» ташкилоти томонидан турли эсдалик совғалари топширилади. Мен ҳам ушбу танловда қатнашиб, фахрли II ўринни эгаллаганман. Бу мен учун жуда кўп имкониятлар эшигини очди. Чунки шундан сўнг ўзимга бўлган ишонч ортди. Демак, инсон ҳаракат қилса, ҳамма нарсага эришиши мумкин экан. Шу боис, корейс тилини чуқурроқ ўрганишга киришдим. Университетдаги дарслардан ташқари тилни чуқурроқ ўргатувчи курсларга қатнадим. Чунки энди менда Кореяда магистратурани тамомлаш иштиёқи пайдо бўлган эди. Жаҳон тиллари университетини битирганимдан сўнг Кореядаги университетлар ҳақида интернет орқали тўлиқроқ маълумот олишга киришдим. Ана шундай кунларнинг бирида корейс тили курсига бирга қатнаган ва кейинчалик магистратурада ўқиш учун Кореяга кетган Меҳринисо деган дугонамдан хат келиб қолди. У мени ўзи ўқиётган Чоннам университетига ўқишга таклиф қилиб, университет ҳақидаги барча маълумотларни юборган эди. Жуда ҳам хурсанд бўлдим. Лекин бахтга қарши университетда магистратурани давом эттириш учун инглиз тилини чуқур билиш талаб қилинаркан. Чунки Чоннам Кореядаги энг нуфузли университет ҳисобланади. Бу масканда ўқиш учун дунёнинг турли бурчакларидан талабалар келишади. Тушкунликка тушган кезларимда опам менга далда бўлди: «Кореяда ўқиш имконияти туғилганда инглиз тилини билиш керак экан, деб ортга чекинма. Имкониятинг бор. Инглиз тилини ўрган», деб юрагимга умид уруғларини солди.

Шундан сўнг икки йил мобайнида инглиз тилини ўргандим ва 2006 йилда Чоннам университетида магистратурани ўқиш шарафига муяссар бўлдим. Мен бундан жуда хурсандман. Магистратурани битириб келиб, халқимга муносиб фарзанд бўламан. Мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши учун ўз ҳиссамни қўшаман, деган умиддаман. Ёшларга тилагим, доимо эзгу мақсад йўлида олға интилиб яшашсин. Интилганга толе ёр, дейишган.

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.

Mehr Nuri Fondi

КОНКУРС ПРОДОЛЖАЕТСЯ

Лето. Беспощадная жара. Все мечтают об отдыхе. В том числе и студенты, которые после трудной сессии вполне заслужили передышку. Хотя некоторым из них приходится снова проходить «внеплановые» экзамены. О чем речь? Да все дело в конкурсе, объявленном Общественной организацией «Fond Forum», 2-й тур которого состоялся на днях в новом филиале фонда.

FUND FORUM. UZ

Все вызванные студенты, прошедшие во второй тур конкурса, явились в полном составе.

За время ожидания все участники перезнакомились друг с другом. Понятное дело: студент студента, как и рыбак рыбака, видит издалека. Но вот, наконец, стали вызывать кандидатов. Все переполошились, и прибавилось волнения. Прошло 10 минут, вышла первая претендентка. На лице у нее было написано удивление: «И это все?»

Да, ничего сложного, нет очень трудных заданий. А были лишь вопросы общего плана, направленные на выявление дальнейших стремлений и действий. Все происходило в дружелюбной и располагающей к общению обстановке. Опытные специалисты, преподаватели подробно интересовались каждым студентом. Некоторым приходилось показывать свои способности прямо перед ними. Так, например, одна девушка прекрасно исполнила классическую песню из «копилки» богатого наследия нашего народа.

Одни из-за волнения сначала не могли отвечать, но затем ясно и точно отвечали на вопросы интервьюеров. И все отличались активностью, умом и сообразительностью. Например, Александра Конанова, студентка 3-го курса биолого-почвенного факультета (направление – экология) Национального университета Узбекистана, тоже пришла в этот день на собеседование.

– Экология планеты нуждается в заботе, – говорит она, – в частности экология нашего региона. Именно над этим я сейчас работаю. У меня есть проекты, которые должны реализоваться. Эти проекты я и представила на суд организаторов данного конкурса. Через собеседование я прошла легко, поскольку разговаривали на мою любимую тему – об экологии. Если мне улыбнется удача и я выиграю стипендию, то она в той или иной мере будет способствовать осуществлению моих планов и проектов.

Отрадно, что соискатели стипендий «Fond Forum» готовы направить свой молодой задор и получаемые в высшем образовательном учреждении знания на процветание нашей Родины.

Ерлан АБРОРОВ.

ХАФТА ГЎЗАЛИ

Рукнимизнинг бу галги меҳмони мафтункор Азиза Турақулова бўлади. Азиза асад буржи остида, спортчилар оиласида таваллуд топган. Тошкент юридик коллежини «аъло» баҳоларга тугатиб, ҳозирда Қуролли Кучлар хизматчиси сифатида фаолият юритиб келмоқда. Бўш вақтларида спортнинг сузиш, шоҳмот ва теннис турлари билан шуғулланади. Шунингдек, ширин ва мазали таомлар, пиширикдар тайёрлаш унинг жону дили. Азизанинг ҳаётдаги шиори – доимо ғалабага эришиш.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Аёлнинг қўли сеҳргар – ҳаракатга тушган заҳоти атрофга гул сочилаверади. Уни кузатиб турсанг, кайфиятинг куйга айланади! Юрагинг сайраётганга ўхшайди! Сеҳрли ойим, сен ҳеч қачон қўлларингни қизғонма, қўйиб юбор! Қўйиб юбор уни, унинг дастидан бу дунёда хунук нарса қолмасин!

Қўллари гул ойим, илоҳим, қўлларинг ғунчалайверсин, тўрт фаслингда бирдай сўлимай юр!

Сен эса, биродар, уйингизга, ҳовлингизга ва бутун оламга синчиклаб қаранг ва кўринг, ҳамма чиройли нарсаларга Аёлнинг дастхати битилганди!

Турсуной СОДИҚОВА.

ЎН САККИЗГА КИРМАГАН КИМ БОР

ИШҚ ДАРДИДАН ЧОРАСИЗ ТАБИБ

Бутун дунёга машҳур, табобат илмининг султони Абу Али ибн Синони ким ҳам билмайди, дейсиз. У ҳақда қанча китоблар ёзилган, фильмлар ишланган, турли афсоналар, ривоятлар бор. Аммо унинг муҳаббати ҳақида ҳеч нарса билмаймиз. Буюк ҳаким кимни севган, унинг муҳаббати қандай бўлган?

Бухоронинг Афшона қишлоғида туғилган Ҳусайн ҳаким сифатида анча танилиб қолди. У барчани бирдек даволай бошлади ва тезда машҳур бўлиб кетди. Унинг довруғини эшитган қандолатпазнинг қизи Санам ибн Синони ғойибона севиб қолади. Кечаю кундуз Аллоҳдан сўрайдигани ёш ҳакимнинг севгиси бўлиб қолди. Ёш ҳаким эса илм олиш билан банд. Машҳур алломаларнинг китобларини мутолаа қилади. Аммо Яратган қизнинг илтижоларини қабул қилдими ёки тақдирда шундай бўлиши кераклиги битилганмиди, икки ёш ниҳоят учрашадилар. Бу шу зайл юз беради: ибн Сино бир куни бозор айланиб савдогардан битта китоб сотиб олади. Китоб жуда ноёб ва қизиқарли бўлади. Китобфурушга раҳмат айтиш учун бозорга боради. У эса бу китобни бир аёл сотиб бериш учун берганини, миннатдорчиликни ўшанга билдириш кераклигини айтади. Ибн Сино аёлнинг қаерда яшашини билгач, уни қидириб топади. Аёлга ноёб китоб учун яна пул беради. Санам эса ўша аёлнинг қўшниси эди. Ёш ҳаким бу гўзал қизни илк бор шу хонадонда кўриб, ошиқи беқарор бўлиб қолади. Уларни тақдири азал ана шундай таништиради. Ҳар иккала ёш бир-бирларига узоқ тикилиб қолишади. Бир-бирларидан ҳеч ажралгиси йўқ эди. Аммо начора, бегона уйда узоқ туриш одобдан эмаслигини билган ёш ҳаким бу уйни тарк этади. Биринчи танишув ана шундай бошланганди. Шундан сўнг Ҳусайннинг тинчи бузилди, фикри-ёди Санамда бўлиб қолди. Улар бор-йўғи бир неча бор учрашдилар, холос. Бироқ бу учрашувлар кейинчалик бир умрга армонга айланди.

Ибн Сино ўша қизни учратганидан сўнг бутунлай ўзгарди. Бу ҳақда у шундай ёзганди: «Исми жисмига монанд экан ўша мастуранинг, сарвдек... Санам... чарос кўзлари, қарашлари, табассумию тараҳҳуми бир чўғдек тушди қалбим тўрига, унинг оташ нигоҳи... энди ўртанурмен эртаю кеч, висоли умиди бирлан. Эй оламни яратган, не савдоларни солдинг бу бошимга. Тинч, осойишта юрган эрдим илму ҳикмат дардида, анга назарим тушдию, руҳиятимда бемисл пўртана рўй берди. Энди на уйқум бор, на тушим, на тинчлигим, ҳаммаси йўқолди, иродамни эгаллади, муҳаббат деган бир туйғу, бир дард. Қайдан келди ўзи бу ё менга иноят қилдингму, Аллоҳ?»

Навқирон даҳонинг юрак дардларидан насрий оқ шеърлар битилмоқда. Улуғ инсонга бу муҳаббат деган нарса қайдан келди. Улуғларнинг муҳаббати ҳам мураккаб ўтаркан. Ўша куни, ўша ғариб аёл кулбасида лобар қизнинг жамолини кўриб, шундай улкан ақл-заковат соҳиби лол бўлиб қолди. Бўлмаса у аёл зотига қарамас эди. Энди ҳар тун тонг оттунча ғазал битади:

Сўрдимки: – Нечун шикаста, нолондурмен?

Айди: – Сабаби мен, гули хандондурмен.

Сўрдимки: – Нечун кўйингда, гирёндурмен?

Айдики Санам: – Сен тану, мен жондурмен.

Уларнинг юлдузи бирга туташиб қолгандай, гўё бир-бирларини қидириб юрган эдилар. «Мен энди қай йўл билан сенга етишадурмен? Кимга дардимни сўйлай, юзимни сидириб ташлаб, шарму ҳаёни улоқтириб ташлайму? Не юз билан айтай, хасталигим дардин, эй менинг табибим?» деб ёзганди, у.

Балоғат ёшида қанча ғавғо бошида. Илм мулкида унга тенг келадиган ҳеч кимса йўқ. Дунё танийди, қадрлайди, севади. Ёзган рисолалари билан дунёга танилди. Кимсан файласуф, мунажжим, табиатшунос, шоир, адиб, табиб – Абу Али ибн Сино.

Хўш, ишқ дарди-чи?... Бедаво дардга йўлиқди-қолди. Уни қандай, ким даволайди? Бу дардга у чидаб туролмади. Маъшуқасини излаб борди. Аммо одамлар кўриб қолса, нима деб ўйлашади. Начора, бошқа илож ҳам йўқда. Ўша китоб сотувчисининг уйига бориб, юрак дардини тўкиб солди. Санамни чақириб келишини тушунтирди. Қизнинг отаси билиб қолса, балога қолишларини айтди. Бир баҳона топинг, дея илтижо қилди Ҳусайн. Баҳонани бирга топишди. Бироқ Санам уйда йўқ экан. Балки уни излаб кетгандир. Табиб билмас унинг дардин, балки буникидан-да оғирроқдир. Нима бўлса ҳам қиз бола-да, истиҳола қилур. Балки китоб растаси ёнида кутиб тургандир?

Иззат АҲМЕДОВ тайёрлади.
(Давоми бор).

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН

Перед вами неожиданно могут открыться новые перспективы, ваш авторитет заметно возрастет, и вы будете пользоваться уважением у окружающих людей. Выходные посвятите отдыху.

ТЕЛЕЦ

У вас наблюдается подъем активности. Пожинайте лавры и собирайте плоды своих трудов. Ваши дела улучшатся благодаря партнерству. Может произойти смена места жительства.

БЛИЗНЕЦЫ

Перестаньте постоянно сравнивать себя с окружающими. Учитесь любить и уважать себя. Желательно разобраться с накопившимися делами. Вас могут пригласить на новую работу.

РАК

Ваша способность находить верные решения может очень пригодиться. Подумайте об ответственном шаге по карьерной лестнице. Удачное время для поездок, путешествий и командировок.

ЛЕВ

Поставленные перед вами жизненные вопросы потребуют ясности в мыслях. Вам придется найти новые варианты развития ситуации и улучшения отношений с коллегами.

ДЕВА

Удачное время для поездок и командировок. Вам необходима внимательность. Доверяйте, но проверяйте. В семье все складывается неплохо, но постарайтесь больше бывать дома.

ВЕСЫ

Наберитесь терпения. Вам понадобятся дипломатичность и уравновешенность. Не забывайте о доме. Желательно больше времени посвятить наведению порядка.

СКОРПИОН

Ваши планы постепенно начинают реализовываться. Постарайтесь завершить накопившиеся дела. Не забывайте о наведении порядка и создании уюта в доме.

СТРЕЛЕЦ

Постарайтесь не только слушать, но и слышать. Вы рискуете растратить слишком много сил. Ваша активность находится на пределе. Вероятны неожиданные, но интересные поездки.

КОЗЕРОГ

Стоит заняться укреплением партнерских отношений. Лучше с достоинством уступить начальству, а не препираться и упрямствовать. Выходные дни окажутся удачными.

ВОДОЛЕЙ

Удача улыбается вам все шире. Держитесь вашей точки зрения и не уступайте никому. Стоит серьезно отнестись к вопросам карьеры. Будут удачными любые начинания.

РЫБЫ

Вы станете легче на подъем, активнее и более нетерпеливы, чем обычно. Повысится общий тонус, и улучшится настроение. Постарайтесь выкроить достаточно времени для отдыха.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

ИЛҲОМ НОРОВ ШУҲРАТИ

ЭЗГУЛИКНИ КУЙЛАЙДИ БАХШИ

Бахшичилик санъати ҳақида сўз кетганда асосан, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳасида яшаб ижод этган ва этаётган буюк бахши ва оқинларни беихтиёр ёдга оламиз. Зеро, бахшилар қадим маънавий қадриятларимиз бўлган достон, миллий терма қўшиқ ва яллалар тарғиботчиси ва уларнинг ҳозирги кунгача сақланишида улкан ҳисса қўшаётган ижодкор инсонлардир. Уларнинг ижодида кишиларни эзгуликка чорлаш, мардлик, жасурлик каби фазилатларни тингловчилар онгига сингдириш муҳим ўрин тутади. Эътибор берадиган бўлсак, достон ва термаларда доимо эзгуликнинг ёмонлик устидан ғалабаси, севги, вафо, садоқат ва Ватанга бўлган муҳаббат каби улуғвор туйғулар куйланади. Шу жиҳатдан ҳам бахшилар ва уларнинг ижоди халқимиз қалбидан чуқур жой эгаллаган бўлса, не ажаб.

Бугунги кунга келиб бахшичилик санъати янада ривожланиб, сайқал топаяпти. Бунда бевосита кўпни кўрган машҳур бахшилар билан бир қаторда ёш бахши ва оқинларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлаяпти, деб айтишимиз мумкин. Ушбу саҳифамиз меҳмони ҳам ёш бўлишига қарамай таниқли бахшилар қаторидан жой олаётган ва айнан мана шу йўналиш бўйича ўтган йили «Ниҳол» давлат мукофотини қўлга киритган Илҳом Норовдир.

Илҳом Норов 1985 йилда Сурхондарё вилоятидаги Музробот қишлоғида туғилиб ўсди, улғайди. Унда болалигиданоқ ҳар бир нарсага ва ҳодисага қизиқиш ва улардан таъсирланиш ҳисси кучли эди. Шу боисми, шоир-табиат бўлиб вояга ета бошлади. Ундаги бу хислатни кўрган ота-онаси фарзандларини келажакда албатта шоир бўлиб етишади, деб ўйлашарди. Чунки уларнинг аждодлари орасида шоир ва ғазалнавислар ўтган эди.

Лекин вақт ўтиб, Илҳомда шоирликка эмас, бахшичиликка бўлган қизиқиш пайдо бўлди.

– Ўшанда ўн икки ёшда эдим, – деб эслайди қаҳрамонимиз. – Бобом билан қўшни қишлоқдаги тўйга бордик. Роса ўйин-кулгу бўлди. Тўй тугаганидан кейин эса тўйга келганлар ҳовли этагида махсус тайёрланган қурга йиғилишди. Ҳамма тўпланганидан кейин эса қўлига дўмбира кўтарган бир отахон даврага чиқди-да, «Алпомиш» достонидан парча куйлай бошлади. Теварак-атрофга сув қуйгандек жимжитлик чўкди. Барча йиғилганлар бахши куйлаётган достонни сел бўлиб тинглашмоқда эди. Мен эса ўшанда биринчи марта дўмбира жўрлигида ижро этилган достон ва термаларни берилиб тингладим ва дўмбиранинг сеҳрига мафтун бўлдим. Гўёки бутун оламни унутдим. Ўзимни ўша бахши ўрнида кўриб, вужудимга ажиб бир илиқлик югурди. Анча вақтгача ана шу ҳиссиёт таъсирида юрдим. Шу сабаб бўлди-ю, менда бахшичилик санъатига қизиқиш уйғонди. Ёш бўлсам ҳам тўй-ҳашамларда бахшилар ижро этаётган достон ва термаларни катта кишиларнинг ёнида ўтириб, жон қулоғим билан тинглай бошладим. Чунки мени бу санъат тури ўзининг сирли домига тортиб бораётган эди. Бу ҳақда анча вақт ўтганидан сўнг бобомга айтдим. Бобом менинг гапимни эшитиб, жуда хурсанд бўлди ва бозордан дўмбира сотиб олиб берди. Қаерда тўй ёки йиғин бўлса, мени ҳам ёнларида олиб борадиган бўлди. Кейинчалик достон ва термаларни ёдладим ва уларни бахшиларнинг ижросига тақлид қилиб, дўмбирада мустақил ижро эта бошладим. Аста-секин мактабдаги турли байрам кечаларида достонлардан парчалар куйлайдиган бўлдим. Ўн беш ёшга қадам қўйганимда бобом мени туманимиздаги машҳур Қорабахши Умировга шогирдликка олиб бордилар. Бу вақтга келиб, мен кўплаб бахшиларнинг ижодларини, уларнинг достон айтиш услубларини мустақил кузатганим туфайли бахшичилик санъати ҳақида, умуман, уларнинг ижро маҳоратлари тўғрисида тушунча ва оз бўлса-да, тажрибага эга эдим. Шу боис устозим бераётган сабоқларни қийналмасдан ўзлаштира бошладим. У киши билан тўйларга, катта-катта йиғинларга бориб, ижодимни бойитдим.

Биласизми, бахшилар ижро этаётган достон ва термаларда овозни айтиладиган сўзга мослаб йўналтириш жуда катта аҳамиятга эга. Масалан, достонларда қайғу ва хурсандчилик акс эттирилган ижро қисмлари кўп. Шунинг учун ҳам достонда овоз тез-тез ўзгариб туради. Термалар эса асосан, бир оҳангда: бошидан охиригача шўх ёки ғамгин насиҳатомуз тарзда ижро этилади. Бахшичилик санъатининг ўзига хос томони ҳам товуш ўзгаришига катта аҳамият бериш ҳисобланади. Сабоқ давомида устозим мана шу қоидаларни ботбот уқтирган. Мен у кишининг қўлида уч йил дўмбира чалиш сирлари, достон айтиш йўлларини ўргандим ва бахши бўлиб шаклландим. Яна менинг энг катта ютуғим – халқимиз орасида маълум ва машҳур «Алпомиш», «Гўрўғли» каби достонлар туркумининг айтилиш сир-асрорларини ўзлаштирдим. Ўзим мустақил равишда халқона термаларни бойитиб куйлашни ўргандим. Буларни тўй-ҳашамларда ижро эта бошладим...

Шу орада у шаҳарда ёш бахшилар кўрик-танлови бўлаётгани ҳақида хабар топиб, ана шу танловда қатнашишга ўз номзодини қўяди. Шундан сўнг Илҳом Норов ижро маҳоратини янада сайқаллаштириш учун тинмай ўз устида ишлади. Ниҳоят, танлов бўлиб ўтди. Унда Илҳом Норов «Алпомиш» достонидан парча ва миллий термалардан ижро этиб, фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди. Ушбу танлов ёш бахши учун жуда кўп имкониятлар эшигини очди ва энг асосийси, халқ назарига тушишига сабабчи бўлди. Негаки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан «Бойсун баҳори» ва Қозоғистон Республикасида ўтказилган «Шабет» халқаро бахши, оқин ва шоирлар кўрик-танловларида ҳам иштирок этиб, лауреат бўлади. 2003 йилда эса Термиз шаҳрида ўтказилган бахшилар танловида фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

– Ушбу танловларда қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритишим менга янада куч-қувват, ғайрат-шижоат бағишлади, – дейди у. – Аслида ижодкор учун озгина эътиборнинг ўзи кифоя. Чунки эътиборгина инсонни юксакликка олиб чиқади. Мен ҳам халқимиз эътибори туфайли мана шундай мавқега эришдим. Давлат мукофотини қўлга киритдим. Бунда энг аввало устозларимнинг ҳиссаси беқиёсдир. Шундай экан, устозларимнинг ва санъатсевар халқимизнинг менга билдирган ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА суҳбатлашди.

Қўшиқларда Ватан мадҳи

Туғилиб ўсган юртга бўлган муҳаббатни тараннум этиш ҳар бир шоирнинг юрагидаги олий мақсаддир. Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев ҳам мазкур шеърида ана шу муқаддас туйғуни сатрларга тизган.

ВАТАН МУҲАББАТИ

Оллоҳнинг назари тушган ҳур Диёр,
Озодлик нуридан мунаввар ўлкам.
Еру осмонида тинчлик барқарор,
Ҳавас кўзи билан боқар кенг олам.

Заррин шафақ ёниб, тонглар кулажак,
Сўнмас юракларда Ватан ғурури.
Ардоқлар бағрида бизни келажак,
Тиллардан тушмагай ҳаёт сурури.

Ватан муҳаббати қалбларда машъал,
Йўлимиз ёритгай ишқ бўлиб ёғду.
Жоним Ўзбекистон камол топ, юксал,
Истиқлол қуёши порласин мангу!



Байраминг муборак, тўйинг муборак,
Тўймайман ҳеч қачон дийдорларингга.
Қуёшли жамолинг, бўйинг муборак,
Жон элим, жўр бўлай алёрларингга.

ТУРОН МАЛИКАЛАРИ

(Тарихий ҳикоя)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида).

Массагетлар Крезни иззат-икром билан кутиб олишди. Крез тўрт нафар ҳашаматли либос кийган форс зодагонлари билан малика Тўмарис чодири томон йўл олди. Чодир олдида уларни бир гуруҳ одамлар қарши олишди.

Крез уларнинг орасида 35-40 ёшлар чамасидаги хушрўй аёлни кўриб, у Тўмарис эканлигини билди. Ёнида навқирон ёшдаги йигит. Бу унинг ўғли эканлиги чеҳралардаги ўхшашликдан кўриниб турар эди.

– Совчиликка келдим, – деди элчи таъзимга эгилиб, – шаҳаншоҳ Кирёвуш сизга ўз қалбини таклиф этмоқчилар.

Крез ёнидаги форс зодагонлари қимматбаҳо тортиқларни малика ёнига қўя бошладилар. Совғалар чиндан ҳам ноёб ва қимматбаҳо эди. Турли эллар подшолари хазиналарини қўлга киритган Кирёвуш улардан энг сараларини танлаган ва «ёввойи малика»ни ҳайратга солмоқчи бўлган эди.

Тўмарис олмосу гавҳар, олтину кумушлар, зийнат буюмлар ва тақинчоқларга бир назар ташладию, сўнг нигоҳини элчига қаратди.

– Коса тагида ним коса қилмасдан гапираверинг, биз тўғрисўз элмиз. Ялтироқ, жимжимадор сўзларни унча тушунмаймиз.

– Шаҳаншоҳ сизга эр, ўғлингизга эса ота бўлмоқни ният қилдилар, маликам.

Тўмарис суҳбатни тинглаб турган ўғлининг авзойи бузилганини пайқади.

– Эшитдингми, ўғлим. Нима дейсан? Кирёвуш ҳам тўй қилмоқчи эмиш. Қани, элчи жанобларини ҳам аввал бизнинг тўйимизга таклиф қилсак.

Спарганиз онасининг чеҳрасидаги маъноні илғаб, бош ирғади.

– Яхши ойижон! Муҳтарам элчилар бизнинг тўйимиз қандай бўлишини кўришса, ёмон бўлмайди.

Йигит-қизларнинг шўх кулгу-қийқириқлари теваракка файз бағишлади. Крез уларнинг чеҳраларига боқар экан, чиндан ҳам ҳур, эркин одамларгина шундай хурсандчилик қилишлари мумкинлигини ўйлади. У фахрий меҳмонлар ўтирган чодир томон бораркан, скифлар форслар ўйлаганидек ёввойи ва содда эмаслигини пайқади. Крезни саклар подшоси Аморг ва дербиклар шоҳи Аморейнинг ёнига ўтказишди. Баланд тепаликка ўрнатилган чодир ва унинг атрофида узоқ-яқиндан келган меҳмонлар чордона қуриб ўтиришибди. Улар хурсанд ва кўтаринки кайфиятда. Крез билдики, ўзларини массагетлар, саклар ва дербиклар деб атовчи, олис Юнонистонда эса скифлар сифатида тилга олинувчи бу халқ тўйсевар. Улардаги тўй куч, маҳорат ва қудрат синови. Куёв ҳам, келин ҳам чавандоз, қиличбоз ва паҳлавон. Улар «ким енгади», дея кураш тушади, камондан ўқ отишда ҳам бир-бирига уста мерганлигини намойиш этади. Мана, майдонда куёв Спарганиз ва унинг жўралари. Мўлжалга олинган узукка ўқ отишмоқда. Тарафкашлар қийқириғи ва шўх далдалари атрофни тутган. Массагетларнинг кийим анжомларидаги олтин-кумуш зийнатларнинг кўплиги ҳам элчини ажаблантирди. Демак, нодир ва бебаҳо олтин-гавҳар, кумушу ёқутлар кўп бу ўлкада. Шунинг учун уларнинг қадри баланд эмас. Крезни яна бир ҳолат ажаблантирди. Меҳмонлар нуқул қимиз ичади. Май, шароб ва ўткир ичимликлар кўринмайди. Улар мастлик, кайф-сафо ва сархушлик нималигини билишмайди.

– Сизни дунёдаги энг бадавлат подшоҳ деб эшитганмиз, – деди Аморг. – Сиз қай йўсинда Эрон шоҳига мулозим бўлиб қолдингиз?

Дербиклар подшоси Аморей ҳам сўз ташлади.

– Кирёвуш сизни тириклайин гулханда ёқмоқчи бўлгани ҳам ростми?

Крезнинг дилини ўтли бир ханжар тилиб ўтди. Беш йил муқаддам бўлиб ўтган воқеалар, ҳаётининг энг машъум ва уқубатли кунлари ёдига тушди. Лидия мамлакати подшоҳи эди, ўшанда. Хазинасидаги беҳисоб олтин, жавоҳирлар довруғи мағрибдан машриққача таралган эди. Давлатнинг шуҳрати юрти учун битган бало бўлди. Эрон шоҳи беҳисоб ўлжаталаб лашкари билан Лидияга ёпирилиб кирди. Жангда Крез асир олинди. Кирёвуш уни ўлимга маҳкум қилди. Уни ўтин ғарамига ўтқазиб, тагидан ўт қўйишди. Шунда у кўкка илтижо қилди.

– Эй, тангрим! Сенга қанчалаб эҳсон қилган эдим. Ибодатларим ҳақи мени ўлимдан халос эт!

Ноласи вожиб бўлдими ё тасодифми бирдан шаррос ёмғир бошлаб, жалага айланди. Ёнаётган гулхан ўчди. Форслар даҳшатга тушиб, уни пастга олиб туширишди.

– Аҳурамазда сенга паноҳ экан, – деди Кирёвуш. – Бугундан сен менинг маслаҳатчи амалдорим бўласан.

Шу-шу Эрон шоҳи ундан ажралмайдиган, маслаҳатини диққат билан эшитадиган бўлди. Аммо унга бундан нима наф? Эркидан, элидан, юртидан ажралган тилла қафасдаги қуш у!

... Тўмарис унга рад жавобини берди. Бу зийрак аёл Кирёвуш унга, маликага уйланиб, юртига эгалик қилмоқчи эканини яхши билар эди.

Оқибат, у шундай жавоб олди ҳам.

Ҳамдам СОДИҚОВ.

(Давоми бор).

Хотира

БУЮК САНЪАТКОРНИ ХОТИРЛАБ

Комилжон Отаниёзов. Бу номга ортиқча таъриф беришнинг ҳожати бўлмаса керак. Устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида ҳам хотира тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда «Лазги» ансамбли бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Гулсара Ёқубова Комилжон Отаниёзовнинг ҳаёти ва ижоди, машҳур ҳофиз, хонанда, созанда ва бастакорнинг инсонийлик фазилатлари, унинг Хоразм, умуман, ўзбек миллий қўшиқчилик санъатида тутган муҳим ўрни ва қолдирган бой мероси хусусида тўлқинланиб гапирди.

Мудофаа вазирлиги масъул офицери Содиқ Ортиқов «Лазги» ансамбли хонандаси Рашид Раҳмоновга вазирликнинг Фахрий ёрлиғини топширди.

Устоз санъаткор асос солган «Лазги» ва Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаларининг хоразмча куй-қўшиқлари тадбирга ўзгача руҳ, санъатсевар ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига янада кўтаринкилик бағишлади.

Ҳа, халқимиз ардоқлаган, миллат фахри ва ғурурига айланган шахсларни ёд этиш, уларнинг ибратли ҳаёт йўлларидан, қолдирган бадиий меросдан хабардор бўлиш ва келгуси авлодга етказиш сизу бизнинг, яъни-ки ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.
Обид СУЛТОНХЎЖАЕВ суратга олган.

Ҳарбийлар кутубхонасида

КИТОБДАН ЯХШИ ЁР БЎЛМАС

Кутубхонага нисбатан зиё маскани деган таърифни қўллашади. Аслида ҳам шундай. Чунки биз ҳаётимиз мобайнида илм излаб, бу мўътабар даргоҳга ҳар сафар қадам ранжида қилар эканмиз, ўзимизнинг маънавий эҳтиёжимизни қондириш билан бир қаторда қалбимизни тафаккур гулшани элитганини ҳис қиламиз.

Зеро, буюк мутафаккир, мумтоз шоир Абдурраҳмон Жомий айтганидек,

«Жаҳонда китобдан яхши ёр бўлмас,
Давр ғамхонасида ғамгусор бўлмас.
Ёлғизлик кунжида ундан ҳар қачон,
Юз роҳат етар, лек бир озор бўлмас».

Ҳа, дарҳақиқат, инсон тафаккурини бойитишда китобнинг ўрни беқиёс.

Тўғри, биз бугун улкан ахборот оқими даврида яшаяпмиз. Фан-техника тараққий этган бизнинг замонамизда инсон учун барча қулайликлар муҳайё. Шундан бўлса керак, кўпчилик китобнинг ўрнини кечаю кундуз ишлаб турган радио-телевидение ёки интернет босади, деб ўйлашади. Тан олиш керак, ҳақиқатда ҳам компьютернинг кашф қилиниши натижасида инсоният олдидаги бир қатор қийинчиликлар ортга чекиниб, унинг иш самараси ақл бовар қилмас даражада ортди. Албатта, бугун қайси соҳага қараманг, барча жойда беминнат компьютер хизматидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Айниқса, «Ўргимчак тўри» дея аталмиш интернет тармоғи кашф қилингач, жамиятимизда компьютерга бўлган эҳтиёж янада ортди. Эътироф этиш керак, қатор қулайликларга эга бўлган бундай техника воситаси кимга маъқул келмайди, дейсиз. Айни дамда ёшларимиз дунёнинг етакчи давлатларидаги нуфузли университетлар сайтларига боғланиб, масофадан туриб ўқиш имконига эга бўлишмоқда, дунёда рўй бераётган сўнгги воқеалардан зудликда воқиф бўлишмоқда. Айнан шунинг учун ҳам уларнинг айримлари кутубхонага бўлган эҳтиёжимизни сўнгги техника воситалари қондиради, дея саёз фикрлашади.

– Тўғри, тезкорлик жиҳатидан компьютер имкониятлари беқиёсдир, лекин ҳар бир инсон камолотида турли жанрлардаги китобларга бой кутубхонанинг ўрни ниҳоятда аҳамиятлидир, – дейди биз билан суҳбатда Қуролли Кучлар хизматчиси ҳарбий шаҳарча кутубхонаси мудираси Навбаҳор Жалилова. – Кутубхонага бир бора қадам қўйган ўқувчи бу зиё масканида нафақат маънавиятини бойитади, балки руҳан қувват олиш баробарида эстетик дидини оширади. Менинг фикримча, компьютерлардан ҳам кўра кутубхона кўпроқ қулайлик ва имкониятларга эга. Биринчидан, компьютер олдида сурункали узоқ муддат ўтириш ҳар қандай инсон соғлиғи учун ҳам кони зарар. Қолаверса, интернет тармоғига уланганингиздан кейин фойдаланган ҳар бир соатингиз учун белгиланган маблағни тўлашингиз керак бўлади.

Ҳа, бу борада суҳбатдошимизнинг фикрлари ўринли. Бугун баъзи бир ёшларимизда китоб ўқиш маданияти тўла шаклланмаган. Балки ёшларни китоб ўқитишга ўргатиш методикасини ишлаб чиқиш лозимдир. Балким, китоб ўқишнинг мана шунақа қизиқарли йўллари орқали ёшларимизда китобга бўлган иштиёқни кучайтиришимиз мумкиндир.

Мудофаа вазирлиги тизимида бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга ошириб борилмоқда. Булардан бири сифатида вазирлик миқёсида «Энг яхши китобхон» танловининг ташкиллаштирилиб келинаётганини алоҳида эътироф этсак бўлади. Бундан ташқари, кутубхоналарда таниқли ёзувчилар билан учрашувларнинг уюштирилиши ҳам ўзига хос самара бермоқда.

– Айни пайтда ҳам китобсиз ҳаётини тасаввур қила олмайдиган ашаддий ўқувчилар кўплаб топилади, – дейди Навбаҳор опа. – Ўзим фаолият юритадиган кичик ва шинам кутубхона мисолида оладиган бўлсам, шуни аниқ айта оламанки, шаҳарчадаги ҳарбийлар орасида бундайлар кўплаб топилади. Баъзида улар ичида бир ойда 5-10 та китоб ўқийдиганларини ҳам кузатиш мумкин.

Бир неча йиллик тажрибага эга тиниб-тинчимас опа ўзи фаолият юритаётган кутубхонага ўқувчиларни қандай жалб қилишни яхши билади. У ўқувчилар сонини мунтазам ошириб бориш мақсадида зиё маскани ҳамиша турли саналарга бағишлаб тадбирлар ўтказиш баробарида шоир ва ёзувчилар билан жонли мулоқотлар ташкиллаштириб туради. Бу каби турли тадбирлар кутубхонага ташриф буюрувчилар сонининг кескин ошишига хизмат қилиб келмоқда. Ушбу кутубхонага шаҳарчадаги ҳарбийлар билан бир қаторда уларнинг оила аъзолари ҳам тез-тез келишни канда қилмайди. Бунга мисол сифатида офицер фарзанди Бахтиёр Отамирзаевни келтиришимиз мумкин. Ҳарбий учувчи бўлишга қизиққан бу ўспирин асосан самолётлар ҳақидаги китобларни жуда кўп мутолаа қиларкан. Ҳатто, у Э. Циҳошнинг «Сверхзвуковые самолеты» китобини икки марта ўқиб чиққан. Бундан ташқари, бу каби китобхонлар сирасига Умида Мусабоева, Адиба Ҳайдарова, Дунёзода Аҳмедова каби кўплаб ўқувчиларнинг номларини қўшишимиз мумкин. Ҳарбийлардан эса ҳақиқий китобхонлар сифатида сержант Бахтиёр Йўлдошев, офицер Муҳаммаджон Юсуповларнинг номини зикр этсак бўлади.

Шуниси қувонарлики, айни пайтда 30 мингга яқин турли жанрларга оид китоблар дунёсига эга кутубхона фонди кейинги пайтда ўзбек тилидаги янги-янги адабиётлар билан бойиб бормоқда. Бунда Мудофаа вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон» нашриётининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Ўзбек тилидаги ҳарбий соҳага оид китобларнинг кўплиги ҳам кишини хурсанд қилади. Яна шуни айтиш керакки, мазкур кутубхона ўқувчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида яқинда тўла электрон каталогга ўтди. Ўз ўрнида бу саъй-ҳаракатлар кутубхонанинг ҳам замон билан ҳамқадам бўлаётганини кўрсатади.

Агнеш ҚУРБОНОВ.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Азимбек Низомович УСМОНОВ, майор Аблай Айнатдинович КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-3888. **Адади** 24840.